


ИЮНЬ 6 1988




# ЁШ КУЧ





# Бейсбол—янги спорт тури

А. КУДРАШОВ фотолари.





# БУНЁДКОР ЁШЛИК РЕЖАЛАРИ



Ёз фасли шаҳарда ёшлар камийиб қолишига эътибор қилган-мисиз? Йил бўйи корхоналарда, олий ва ўрта махсус ўқув даргоҳларида меҳнатдан, ўқишдан толиққан ёшлар таътилга — хушманзара гўшаларга ошиқадилар.

Учинчи — меҳнат чорагини мамлакатимизнинг турли жойларида ўтказишга чоғланган шижоаткор талабалар ҳам улар орасида анчагина. Бу ёшлар мамлакатимизнинг ишчи кучи кам бўлган районларига боришиб, у ерда халқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшадилар. Бу чинакам ватанпарварлик намунаси. Лекин қаҳрамонлик кўрсатиш учун гоҳо олис ерларга бориш ҳам шарт эмас.

Бунёдкор қурилиш отрядларининг катта бир қисми республикамиз шаҳар ва қишлоқларида меҳнат қилишади. Ўз танлаган соҳаларини амалий жиҳатдан ўрганишга ҳаракат қилишади. Студент қурилиш отрядлари билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд? Мухбиримиз шу хусусда ЎзЛКСМ Марказий Комитети студент қурилиш отрядлари штабининг бошлиғи Александр Тихомиров билан сўхбатлашди.

**Мухбир: Александр Георгиевич, аввало бу йилги студент қурилиш отрядларининг режалари ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз...**

**А. Т.** — Маъқул. Бу йилги режаларимиз ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг шу хусусда навбатдаги беш йил учун қабул қилинган бултурги қарорида белгилаб берилган. Қурилиш отрядларимиз ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида меҳнат қиладилар. Номидан ҳам кўриниб турганидек, қурилиш отрядлари асосан қурилиш объектларида меҳнат қиладилар. Улар кучи билан турар-жой, социал-маиший объектлар барпо қилинади. КПСС Марказий Комитетининг олий мактабни ислоҳ қилиш ҳақидаги қарори ҳар йилги анъанавий режаларимизга бир қатор ўзгартиришлар киритишни тақозо этди.

Бу йил жуда кўп отрядлар ўзлари, тенгдошлари истиқомат қиладиган ётоқхоналарни бунёд этишда, уларни жорий ремонтдан чиқаришда иштирок этадилар. Ихтисослаштирилган отрядлар сони бултургига нисбатан анча кўпаяди. Медиклар, чорвадорлар, ремонтчилар, савдо системасидаги отрядлар сони деярли 2 баравар ошади. Бу — отрядда меҳнат қиладиган ёшлар учун бўлғуси мутахассисликларини чуқурроқ ўрганишга имкон беради.

**Мухбир: Яқинда «Комсомольская правда» газетасида «Инфекция» деган мақола босилди. Унда, хусусан Ўзбекистонда ниҳоятда кучли бўлган болалар ўлими муаммоси сабаблари таҳлил қи-**

**линганидан хабарингиз бор. Уша мақолада РСФСРдаги медицина институти талабалари ёз пайтида қурилиш отрядлари сафида Ўзбекистондаги даволаш муассасаларида ишлаб беришга ўз истакларини баён этишган эди. Қизиқ, ўша тарафлардаги бўлажак медиклар бизга ёрдам тариқасида келмоқчи бўлишса-ю, ўзимизнинг республикадаги медицина институти студентлари бошқа ерда қурилиш объектларида ишлаб юришса!!**

**А. Т.** — Саволингизни тушундим. Четдан қараганда бу чиндан ҳам таажубланарли. Лекин масаланинг ичига кириб борганингиз сайин ажабланишга ўрин қолмайди. Республикадаги ҳарбий госпиталларда баъзи медицина институти студентлари «Фидойилик» отрядлари тузиб, касалларга беғараз ёрдам беришади. Биз республика Соғлиқни сақлаш министрлигига «Келинлар, бўлғуси минглаб медиклар ёз пайти қурилиш отрядлари сафида даволаш муассасаларида ишлашсин, уларни вақтинча ишга жойлаштиринлар. Бир жиҳатдан, шунда улар мутахассис сифатида ўсишади», деб мурожаат қилдик. Лекин, Министрликдан рад жавоби олдик. Улар штат йўқлигини ваз қилишди. «Ҳамшираларининг ёзда отпускага чиқаринлар, ана шунда штат топилади» деб ҳам кўрдик. «Ўйлаб кўрдик, барибир мақбул эмас» дейишди ва бунга бир қатор далиллар келтиришди. Уларни тушуниш мумкин. Улар талабаларни иш билан таъминлаган чоғларида ҳам турар-жой, озиқ-овқат билан таъминлай олмасликларини айтишди. Чиндан ҳам даволаш муассасалари имконияти чекланган. Лекин қурилиш отряди Низомидеги талаб ҳам ҳақли. Корхона ўзига жалб қилинган талабаларни маош, турар-жой, озиқ-овқат билан таъминлашни бўйнига олиши керак. Қолаверса, мана, маош масаласи-

ни олиб кўринг-а. Талаба даволаш муассасасида икки ойда нари борса 150 сўм пул ишлайди. Лекин қурилиш отрядида олис ерларда (қолаверса республикамизда ҳам) қурилиш объектларида жисмоний иш билан машғул бўлса, бундан анча кўп пул ишлаши мумкин. Талаба қайсинисини хоҳлайди? Албатта, иккинчисини. Моддий имконияти чекланган талабанинг иқтисодий эҳтиёжлари билан ҳам ҳисоблашиш керак-да. Тўғрими?..

**Мухбир: Албатта.**

**А. Т.** — Қолаверса, ёшлар имкониятдан фойдаланиб ўзга юртларни кўриб келишади. Қардош халқлар ҳаёти, маданияти билан танишишади. Бу — ўзига хос интернационал тарбия ҳам демакдир!

**Мухбир: Тушунарли бўлди. Талабаларнинг иқтисодий эҳтиёжларини албатта ҳисобга олиш керак. Ҳолбуки, мен сизга нега талабалар тўлиғича ўз мутахассисликлари бўйича қурилиш отрядларига ихтисослашмайдилар, ахир бу келажакда сифатли мутахассислар тайёрлаш гарови-ку, демоқчи эдим...**

**А. Т.** — Масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Баъзи соҳалар, масалан химия, физика бўйича мутахассисликка эга бўлаётган минглаб ёшлардан қандай «ихтисослаштирилган отрядлар» тузиш мумкин — бу ҳам жумбоқ...

**Мухбир: Яқинда ЎзЛКСМ Марказий Комитетида бир гуруҳ ижодкор ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ёш шоир Чори Аваз берган савол бевосита сизга тааллуқли экан. Саволини эшитинг: «Қишлоқда турмуш шароити оғир. Пахта даврида болалар санитария қоидаларига номувофиқлик эмас, балки чидаб бўлмайдиган шароитларда яшаб, меҳнат қиладилар. Шунда мен Тюменга ва бошқа Ноқоратупроқ зоналарга жўнатилаётган студент отрядлари ҳақида ўйлайман. Наҳотки, студент**

**қурилиш отрядларини ўз қишлоқларимизга шийпонлар ва бошқа зарур объектлар қуриш учун жалб этиш мумкин эмас!»**

**А. Т.** — Жуда ўринли савол. Студентлардай ватанпарвар халқ бўлмайди. Улар ҳам энг аввало ўз шаҳар-қишлоқларида зарур иншоотларни қургиси келади. Ахир одам ҳам қўшнисиникига ҳашарга чиқишдан олдин уйини тартибга келтиради-ку. Бизда эса аксинча бўлиб чиқяпти. Журналларингизда автомобиль йўллари институти чўлда қурган иншоотларни кўз-кўзлаб чиқибсизлар. Бошқа институтлар ҳам ўзига шундай объектлар қуришни истайди. Лекин хўжаликлар бунга ҳафсала қилмайди. Турли бюрократик тўсиқлардан ошиб ўтолмай, қурилиш отрядларимиз бошқа ерларга жўнаб кетишади. Мана, биз қишлоқларни обод қилиш учун республика Агросоаноат Давлат Комитетига, Главсредазирсовхозострой, Сув хўжалиғи министрлигига шу масалани ташкил этишда ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилдик. Республика Министрлар Совети, хусусан Сирдарё ва Жиззах областларида турли маиший объектларни қурилиш отрядлари ёрдамида барпо этиш ҳақида қарор ҳам чиқарди. Қарор қоғозда қолиб кетди. Хўжаликлар, «бу йилги молия планида уй қуриш масаласи ҳисобга олинмаган, қурилиш материаллари йўқ, отрядларнинг турар-жой, озиқ-овқат билан таъминланишини бўйнимизга ололмаймиз» қабилидаги баҳоналар билан тайёр ишчи кучидан воз кечишяпти.

**Айбдор ким? Бизми, улар?!**

**Мухбир: — Бу масала ҳам ойдинлашди. Биз сизларга бунёдкорлик ишларингизда ривож тилаймиз. Талабаларнинг ёзги меҳнат чорағи қандай ўтганлигини журнализмизнинг кузги сонларидан бирда ҳикоя қилиб беришга ҳаракат қиламиз.**





# БОЛАЛАР — БАХТИМИЗ,

Совет болалар Фонди  
Ўзбекистон бўлими правлениесининг раиси  
Эркин ВОҲИДОВ билан суҳбат



## УМИД ВА ТАШВИШИМИЗ

**Мухбир:** — Эркин ака! Болалар фонди ташкил этилганлиги хайрли иш бўлди. Лекин Фонд ўз олдида қўйган мақсадни кенг жамоатчилик ёрдамисиз уддалай олмайди. Кўпчилик эса ҳали Фонднинг мақсад-вазифаларини умумий тарздагина илган холос...

**Эркин ВОҲИДОВ:** — Ўз болалари учун қайгурмаган жамият келажаксиз жамиятдир. Ватанимиз ўз тарихининг энг мушкул, энг машаққатли давларида дастлаб болаларни ўйлаган. Инқилобнинг дастлабки йилларини кўз олдингизга келтиринг. Россияда очлик, хароблик ҳукм суриб турган бир пайтда, мамлакат ичида граждандар уруши авж олган, чет эл интервентлари юртимизга тажовуз қилиб турган бир пайтда В. И. Ленин болалар ҳақида ғамхўрлик қилишни биринчи вазифа деб билган ва Ф. Э. Дзержинский раҳбарлигида фавқулодда комиссияга етим ва қаровсиз қолган болаларни ҳимоя остига олиш масъулиятини ҳам топширган.

Улуғ Ватан уришининг энг оғир давларида, мамлакатимиз ҳаёт-мамоти масаласи ҳал бўлаётган кунларда Ватан яна аввало болаларини ўйлади.

*...Эй сен ёзилмаган буюк дostonим  
Малласоч, мовий кўз болакайлarga  
Она бўлган менинг Ўзбекистоним...*

Буни қарангки, биз энг фалокатли йилларда фарзандларни унутмабмиз, тўқлик, фаровонлик онларида тирик етимларнинг сонини кўпайтирибмиз. Очарчилик йиллари ўзимиз емай уларга едирибмиз, ўзимиз киймай уларга кийдирибмиз, яхши кунларга келиб болаларнинг емишу уст-бошидан тортиб билим олишигача бепарво бўлиб қолмабмиз.

Мен шундай навқирон ёшда қорин қўйган йигитларни биламанки, улар топган пулини «йигитчилик» йўлида, дўстлар билан улфатчилик қилиб, чойхоналарда ош ясаб сарф этадилар, лекин уйда мурғак болалари ҳафталаб, ойлаб сут нималигини, гўшт нималигини билмайдилар. Мен бунақа «йигитчилик»дан нафратланаман.

Маълумки, бола тарбияси у она қорнида бўлган вақтдан, балки ундан ҳам илгари, бўлгуси ота-оналар турмуш қурмасдан илгари бошланади.

Афсуски, ёшларимиз турмуш қуришга жисмонан етилган бўлсаларда, маънан, руҳан тайёр бўлмайдилар. Уларнинг кўпи ибтидоий тиббий маълумот олмаган, жинсий тарбия кўрмаган, аёл ва эркек ўртасидаги муносабатларнинг назокатидан беҳабар, бола парвариши нима эканини билмайдиган ёшлар. Бундай ёшларнинг турмушда ёруғ кунлари қисқа, машмашалари узун бўлади. Ана шундай турмушдан кўпинча тирик етимлар дунёга келади.

Тирик етимлар. Уларни ўйлаганда кишининг юраги орқага тортиб кетади. Қандай она, қандай отаки у ўз жигар гўшасини,

вужудининг бир парчаси бўлган мурғак жонни бахтсизликка маҳкум қилади? Бундай ҳолни нима билан изоҳлаш мумкин? Тўқликка шўхликми? Худбинликнинг олий даражасими? Дарҳақиқат эрка ва бекаму кўст ўсган болалар одатда худбин бўладилар. Ўз ота-оналарига бемехр бўладилар. Лекин уларнинг ўз фарзандларига бемехр бўлишларига сабаб нима? Мен бундай саволлар устида ўйлаганимда янги ташкил этилган фонднинг вазифалари фақат етимхоналарга ҳомийлик қилишдангина иборат эмас, балки жамиятимизнинг бола тарбияси билан боғлиқ барча ташвишларига алоқадор ижтимоий, иқтисодий, маданий, ахлоқий масалалар хусусида бонг уриш ҳам деб биламан.

**М:** — Биз ялпи сафарбарлик билан турли фондларга маблағ тўпладик. Болалар фонди эса баъзи меҳнат коллективлари, шижоаткор ёшларни ҳисобга олмасак, хайрия ишлари суст бораётгандек...

**Э.В.:** — Болалар фонди маблағларини кўпайтиришнинг минг бир йўли бор. Муҳими одамларнинг эътиборини бу ишга қарата олиш, тадбиру чоралар қидириш ва ташкил қила олиш керак. Биргина ижодий союзларнинг имкониятларини олиб кўринг. Биз май ойининг бошларида халқлар дўстлиги саройида Гафур Ғулмо ижодига бағишланган кечалар ўтказмоқчимиз. Бу шеърият, қўшиқ ва кулги анжуманининг маблағи болалар фондида ўтади. Гап келганда айтиб қўяй, «Еш куч» журнали ҳам бу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшишига ишонаман. Мисол учун мана шу суҳбатимиз қалам ҳақини ҳам фондга ўтказилса, тома-тома кўл бўлур дегандек...

Лекин маблағнинг энг ширини болаларнинг ўз меҳнатидан топилгани бўлади. Болалар уйларида устaxonаларида ясалган ашёлар, улар ишлаган сувратлар аукционларда сотилса, харидорларга ҳам қувонч, фондга ҳам қувват бўлур эди.

Лекин энг муҳими маблағ эмас. Энг муҳими — меҳр. Болалар фонди — меҳр хазинаси бўлишни истардим.

**М:** — Болалар уйи ва қариялар уйини бирлаштириш масаласига қандай қарайсиз? Агар улар бирлашса қариялар овунчоққа, болалар — қўшимча беминнат тарбиячиларга эга бўлишармиди...

**Э.В.:** — Болалар уйи ва қариялар уйини бирлаштириш масаласини ўйлаб кўриш керак. Мен аввало чуқур ўйланмай, муҳокама қилинмай, томонларнинг фикри тингланмай кўриладиган маъмурий чораларга қаршман. Эшитиб кўриш керак — қани қариялар нима дейдилар, болалар нима дейдилар? Ким билади, балки икки томон ҳам жон деб рози бўлар, балки қарияларга тинчлик, ором керакдир, ўзлари набираларидан қочиб бу уйга келгандилар? Болалар ҳам балки қарияларнинг тинчлигини бузгиси келмас, ўзлари бақириб-чақириб ўйнагила-



ри келар. Хуллас, мен бир нарса дейишим қийин, фикрлашиб кўриш керак.

**М:** — Яқинда биз республикаимиздаги болалар меҳнат-тарбия муассасида бўлганимизда жинояти учун жазо ўтаётганларнинг 90 фоизи нотўқис оилада ўсганликларини эшитдик. Лоақал шу факт ҳам оилани мустаҳкамлаш нақадар катта ижтимоий



аҳамиятга эга эканини тасдиқлайди. Хусусий ишдай кўринадиган оила муаммоларини баргараф этишда болалар Фонди қандай роль ўйнаши мумкин?..

Э. В.: — Барча жамоат ташкилотлари каби Болалар фонди ҳам кўрсатма берувчи орган эмас. У одамларнинг онгига ва қалбига мурожаат қилувчи ихтиёрий уюшма. Дунёда шундай ишлар борки, уларни қонун йўли билан, зўрлик ишлатиб амалга ошириш мумкин эмас. Шундай ишлардан бири оила қуриш, уни сақлаш, мустақкамлаш, болаларни ҳар жиҳатдан тўқис қилиб тарбиялаш ишидир. Жамиятнинг ёзилмаган ахлоқий қоидалари бўлади. Бу қоидалар авлодлар умри давомида, асрлар давомида яратилади. Биз уларни одатлар деймиз. Одатларга менсимай қараш, енгил ўйлаб уларни эскига чиқариш, бидъат дейиш яхшиликка олиб бормади. Телевизорда енгилтак фильм кўрсатилаётганда уни ўчириб қўйган қария кўзимизга «қолоқ одам» бўлиб кўрилади. Лекин ўша қария қолоқмикан? Еш йигит севиб қолган қизига «уйлансам ҳам уйланаман, уйланмасам ҳам уйланаман» деб турган вақтда кекса бобонинг қуда бўлинадиган оилани суриштиришга киришгани, «етти пуштини» текшира бошлагани бизга эриш туюлади. Уни ҳам «қолоқликда» айблаймиз. Чуқур ўйлаб қаралса, авлод тақдири ҳақида ўша кекса бобо биздан кўра кўпроқ ўйлашни биламиз. Халқимиз узоқ маданий анъаналарга эга бўлган халқ, куни кеча ҳарф таниган, маданият топган халқ эмасмиз. Биз ўрганишгагина эмас, ўргатишга ҳам ярайдиган халқмиз. Шунини билиб қўйишимиз керак.

Болалар фондининг оила мустақкамлиги учун кураш ишидаги вазифалари қатта. Бу жуда нозик, чуқур мулоҳаза қиладиган, ҳамма бирлашиб чора тадбирлар қилиши лозим бўлган иш.

М.: — Бутуниттифоқ болалар фонди «Семья» ҳафталик газетаси наинки ўзини ўзи қоплайди, балки Фондга фойда ҳам келтирар экан. Республикамизда ҳам шундай вақтли матбуот нашри очилса, у киоскларда қолиб кетмасди. Негаки газета-журналларга оқиб келадиган хатларнинг аксарият қисми оила муаммоларига дахлдир. Афсуски, матбуот бу мавзуга кўп саҳифа ажратолмайди, нари борса икки ойда бир уларни «шарҳлаб» кутулиш пайдан бўлади. Ҳолбуки ҳар бир хат ортида чигаллиги турлича тақдирлар ечимга ёрдам тополмай қолаверади...

Э. В.: — Нашрга эҳтиёж бор. Бўлажак ҳафталик газета ёки ойлик журналнинг номини ҳам ўзимизча (яхши ният билан) атаб қўйганмиз. «Оила ва ахлоқ». Бу ҳозирги замонда жуда фойдали, зарур орган бўлади.

М.: — «Еш куч»нинг 200 мингдан ортиқ еш журналхонларига тилакларингиз...

Э. В.: — «Еш куч»нинг ўқувчиларига ҳар жиҳатдан бугун йигит ва қизлар бўлиб етишишларини тилайман. Сизлар бугун фарзандсизлар, эртага ота-она бўласизлар. Дунёда оила қуришдек масъулиятли қадам бўлмайди. Ҳамма хатони тuzатиш мумкин. Оила қуришда қилинган хатога умр бўйи чидашгина қолади. Шунини ўйлаб кўринглар. Яхши кўришнинг ўзи оила қуриш учун камлик қилади. Азизларим, Сизлар ўзингиз ҳар жиҳатдан комил бўлишга интилганингиздек, бўлажак фарзандларингиз ҳам бекаму кўст, бахтли, соғлом, етук бўлишларини ҳозирдан ўйлашларинг керак.

Суҳбатни Бахтиёр КАРИМОВ олиб борди.

Муаллифларнинг розилиги билан мақоланинг қалам ҳақи Болалар Фондига ўтказилади.

# ОИЛА МУАММОЛАРИ

## Ўз ҳуқуқингиздан фойдаланинг

«Оила жамиятнинг кичкина бир ячейкаси», — деган эди Фридрих Энгельс. Жамиятимиз ҳаётида туб ўзгаришлар бошланганини ҳаммамиз ҳис қилиб турибмиз. Оила ҳаётида-чи?

Қайта қуриш деган ибора оила ҳаётига ҳам тааллуқлими? Шубҳасиз, зеро оила устиворлиги — жамият устиворлигидир. Айниқса янги қурилган оилаларга ёрдам бериш керак. Бу — бир қатор муаммоларни ҳал қилишни тақозо этади. Янги қурилган оила бамисоли янги ўтқазилган дарихтдай мўрт, кучсиз бўлади. Партия ва ҳукуматимиз ана шунини ҳисобга олиб болалик ёш оилаларнинг яшаш шароитини яхшилаш учун талайгина ишлар қилган, бир қатор режалар белгиланган. Улардан бири КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Болалик оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарори ҳисобланади.

Бу қарорга кўра корхоналар, ташкилот ва колхозларга социал-маиший тадбирлар, уй-жой қурилиши ва бошқа фондлар ҳисобига шу корхона, ташкилот ва колхозда энг камида 2 йил ишлаган ва ўзини ишда ижобий намоён қила билган, ёши 30гача бўлган эр-хотиннинг бирига процентсиз ссуда (қарз) беришга руҳсат берилган. Ссуданинг яна бир шарти шуки, оилада камида битта фарзанд бўлиши керак. Ссуда уй-жойни қуриш, капитал ремонт қилиш, уйни кенгайтириш, уй-жой кооперативига дастлабки взносларни тўлаш мақсадларида берилади.

Ссуда 1.500 сўм миқдоригача, 8 йил муддатда узини шарт билан берилади. Еш оилага процентсиз ссуда беришни маъмурият касабаси билан ҳамкорликда меҳнат коллективларининг тавсиясига кўра (унинг оиладаги маблағи, оила аъзоларининг сонини ҳисобга олган ҳолда) ҳал қилади.

Қарорда ссуда қайси мақсадлар учун ва қанча муддатга берилиши кўрсатилади. Ссуданинг ёш оилага бир жиҳатдан қўлайлиги, унинг процентсизлигида бўлса, иккинчи — баъзи оилалар учун асосий жиҳати қўйидагилардан иборат.

Ссуда олгандан сўнг, оилада иккинчи фарзанд туғилса, давлат берган қарзининг 200 сўмидан, учинчи фарзанд туғилганда 300 сўмидан кечиб юборади. Бу енгилликларга эга бўлиш учун ЗАГС органлари томонидан боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани кўрсатиш керак. Берилган ссудани яшаш шароитларини яхшилаш мақсадларида ишлатишни маъмурият ва касабаси союз ташкилоти назорат қилади.

Ссудани олишда меҳнатчи корхонага олган ссудани қайтариш ҳақида мажбурият беради. Ссудани олгандан кейинги ойдан бошлаб ҳар ойда йиллик тўловнинг 1/12 қисми ҳажмида қарз узила бошланади.

Мажбуриятда тўловчи агар ишдан узрли сабабларсиз ўз ихтиёри билан ёки меҳнат интизомини бузиб ишдан бўшаса, шунингдек олинган маблағни белгиланган мақсадларда ишлатмаса, ссуда корхонага муддатдан илгари қайтарилиши шартлиги кўрсатилиши лозим.

Уй-жой кооперативига дастлабки взнос учун тўланадиган тақдирда ссуда суммаси ўша муайян уй-жой кооперативи счётига пулсиз ҳисоб-китоб тартибда ўтказилади.

Агар меҳнатчи уй-жой кооперативидан дастлабки взносини олган ҳолда чиқса ёки ўз шахсий уйини сотса, қарзининг узилмаган қисмини тўлиғича қайтариб бериши шарт.

Бу тадбир партия ва ҳукуматимизнинг ёш оилага амалий ғамхўрлигидир. Афсуски, имконияти бор жуда кўп ташкилот ва корхона, колхозлар ёш оилага кўрсатилган партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлигини бажаришдан бўйин товлайдилар. Маъмурият, бухгалтерия бунини ўзига «орғиқча, ғалва иш» деб билади. Шунинг учун ёрдамга муҳтож кўпгина оилаларга бу имконият ташвиқ қилинмайдигина эмас, улардан яшириб келинади. Еш оила ҳақида ғамхўрлик қилмайдиган маъмурият, касабаси союз ташкилоти раҳбарларини бемалол қайта қуришнинг душманлари, деб аташ мумкин. Зеро, ҳозир кенг кўламда белгиланган қайта қуриш вазифалари аввало оиладаги иш кайфиятига, ёшларнинг ғайрат-шижоатига чамбарчас боғлиқдир.

Еш оила ўз ҳуқуқини билиши ва уни талаб қила олиши керак.

Еш оила мустақкамлиги учун қилинадиган ишлар ҳали кўп. Ҳозир кўп корхоналарда хўжалик ҳисоби жорий этилмоқда. Ишчи ўринларини қисқартиришни корхона асосан ёшлар ҳисобига олиб боради. Ҳали маоши ҳам оилани тебратишга зўрға етадиган ҳолда, ишчининг штати ҳам қисқариб кетмасдан олдин комсомол комитетлари уни ҳимоя қилиши, имконияти бўлмаганда уни дарҳол бошқа ишга жойлаштириш чораларини кўриши керак.

Еш оилаларнинг бузилиши ҳоллари тобора кўпайяпти. Қонунчилигимизда эса ёшларнинг манфаатини маъмуриятнинг ўзи бўларчилигидан ҳимоя қиладиган моддалар ишлаб чиқилмаяпти. Бу — қайсидир жиҳатдан тирик етимларнинг кўпайишига «бахаво шароит» яратиш билан тенгдир. Болаларни ўйламайдиган жамият келажаксиз жамият экан, оила мустақкамлигини сақлаш учун кураш — жамиятнинг келажакини ўйлаш демакдир.





## АЛИШЕР ФАЙЗУЛЛАЕВ, психология фанлари кандидати.

«Олтин фасл орзулари» туркум саволларнинг IV тури журналнинг 1987 йил 12-сонида эълон қилинган эди, 200 дан ортиқ хат олдик. Бизга ёзган журналхонларга катта раҳмат!

Мен бундан олдинги тур жавобларини шарҳлаш учун гўё ичимдаги икки одамнинг бири — кўп нарсаларга танқидий кўз билан қаровчи совуққон олим, иккинчиси эса — ўзгаларга хайрихоҳ, оддий, таъсирчан шахслар суҳбатини ҳавола этган эдим. Бу бежиз эмас, чунки инсоннинг онги диалогик шаклда юзага келади: одам доимо ўз-ўзи билан суҳбатлашади, баҳслашади. Шунинг учун мен бу сафар ҳам жавобларни диалогик тарзда шарҳламоқчиман. Марҳамат, ҳозирги 31 ёшли муаллиф билан ўзимизнинг 17 ёшли чоғимдаги сиймоим суҳбатини ўқишингиз мумкин. Жавоб йўллаган ўқувчиларимизнинг ўртача ёши 17 ёшни ташкил этгани учун ҳам айтиш мумкинки, чоғимни танладим.

Ўзбекистон тарихида қадимги замонлардан Совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар яшаган 3 энг улуг шахс, деб ўқувчиларимиз жами 21 шахсни тилга олишган. Биринчи ўринда Ибн Сино — у 114 та хатда қайд қилинган, иккинчи ўринда Алишер Навоий — унинг номи 101 журналхон биринчи учталикда айтган, учинчи ва тўртинчи ўринларни Абу Райҳон Беруний ва Мирзо Улугбек «Баҳам» кўрганлар — уларда 64 тадан овоз. Кейинги навбатда Бобур ва Ал-Хоразмий, Темур, Хондамир, Темур Малик, Машраб, Нодира, Фурқат ва бошқалар.

— Улкамиз тарихи буюк шахсларга бой. Бундан қанча фахрлансак арзийди. Шу жиҳатдан журналхонлар кўпдан-кўп ёрқин тарихий сиймолардан фақат учтасини танлашга қийналишган кўринади. Айтиш вақтда тилга олинмаган буюк шахслар ҳам бор.

— Кимларни назарда тутаяпсиз?

— Масалан, Аҳмад Яссавийни. Машҳур шарқшунос олим Бартольд уни туркий халқлар хомийси, деб атаган. Мен Яссавийнинг диний таълимоти ҳақида эмас, унинг диёримиз тарихида тутган ўрни ҳақида гапирмоқчиман.

— Қизиқсиз-а, мана, сиз 31 ёшдасиз, аммо Яссавий ҳақида эпитетингизга кўп бўлдимиз? Йўқ, албатта. Мен, масалан, бу шахс ҳақида ҳеч нарса билмайман, аксарият журналхонларимиз ҳам билмаслигига ишончим комил.

— Бундан, тарихимизни ўрганишни яхшилаш керак, деган хулоса келиб чиқади, албатта. Виласанми, тасаввур ҳам қилиш қийин: тарихимизда юзлаб буюк шoirлар бўлган!

Республикамизда Октябрь революциясидан то ҳозирги кунгача яшаб ўтган 3 буюк кишилар сифатида ўқувчиларимиз ҳаммаси бўлиб 40 шахсни тилга олишган. Биринчи ўринда Йўлдош Охунбобоев, у бошқалардан анча олдинга



ўтиб 94 та овоз тўплаган. Иккинчи ўринда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий — 47 овоз, учинчи ўринда Усмон Юсупов — 42 овоз. Бошқа шахслар ўрни ва тўплаган овози қуйидагича: 4 — Абдулла Қаҳҳор (31), 5 — Акмал Икромов (19), 6 — Файзулла Хўжаев (15), 7 — Қори Ниёзий (13), 8—9 — Ҳабиб Абдуллаев ва Фафур Гулом (8), 10 — Комилжон Отаниёзов (7), 11 — Шуккур Бурхон (6), 12—13 — Ойбек ва Ҳамид Олимжон (4), 14 — Султонхўжа Қосимхўжаев (3), 15—16 — Раззоқ Ҳамроев ва Ҳамза Умаров (2), Абдулла Қодирий (1) ва бошқалар.

— Қаранг, биринчи саволга жавобан 21 кишининг номи тилга олинган эди, иккинчисидан эса 40 та!

— Учунчи савол бўйича эса ундан ҳам кўп — 101 шахснинг номи айtilган.

— Тушунарли, давр одамларини саралайверди: бугун буюк, деб кўринган одам эртага ҳеч кимга айланиб қолиши мумкин. Фақат ҳақиқий буюкларгина давр синовларига дош бериб тарихдан ҳақиқий ўрин олади.

— Виласанми, ҳозир айтаётган давримиз, айниқса йигирманчи ва ўттизинчи йиллар биз учун анча қоронғи. Ҳозир бу даврни ўрганишга бўлган қизиқиш катта.

— Айтмоқчисизки, қанчалик чуқурроқ ўргансак, ўша даврда яшаган шу чоқ-қача номаълум шахсларни кашф этамиз.

— Ҳа, масалан, хатларда тилга олинмаган Чўлпон, Фитрат сингари шахсларни.

— Мен Чўлпон ва Фитрат ҳақида деярли ҳеч нарса билмайман, улар «халқ душмани» деб эълон қилинганми?

— Афсуски, шундай, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитрат каби маданият арбоблари халқ душмани сифатида бадном қилинган. Аммо ҳақиқатни барибир йўқотиб бўлмайди: бу шахсларни биз ҳозир Ватанимизнинг асл фарзандлари, деб биламиз.

Ўзбекистонда яшаётган уч энг таниқли, машҳур замондошларинг деб кимларни айтса бўлади, деган саволга жавоб тариқасида 101 киши кўрсатилган. Биринчи ўринда Шерали Жўраев — 55 овоз, иккинчи ўринда Абдулла Орипов — 51 овоз, учинчи ўринда Уткир Ҳошимов — 38 овоз. Рўйхатнинг давоми қуйидагича: 4 — Эркин Воҳидов (26), 5 — Владимир Жонибеков (21), 6 — Нуриддин Муҳитдинов (18), 7 — Антонина Хлебущкина (13), 8 — Сора Эшонтўраева (12), 9—10 — Зулфия ва Наби Раҳимов (11), 11 — Омон Матчон (9), 12 — Уйғун (7), 13—14—15—16—17 — Тамарахоним, Бернара Қориева, Одил Еқубов, Саид Аҳмад ва Худойберди Тўхтабоев (5), 18—19—20 — Ҳалима Носирова, Эркин Юсупов ва Комил Яшин (3) ва бошқалар.

— Қаранг, тилга олинган кишиларнинг аксарияти адабиёт ва санъат намойендалари.

— Ҳа, адабиёт ва санъат арбоблари доимо халқ назарида бўлишган. Аммо бошқа нарсаларга эътибор қилгин: биринчи рўйхатимизнинг олти етакчи шахсидан 4 таси, иккинчи рўйхатимизнинг 13 шахсидан икkitаси (Қори Ниёзий ва Ҳабиб Абдуллаев), учинчи рўйхатимизнинг эса 20 та шахсидан фақатгина биттаси (Эркин Юсупов) олим! Қадим ўтмишдаги учта энг буюк шахснинг икkitаси олим, революциядан кейинги ва ҳозирги даврда эса учта энг кўзга кўринган шахслар орасида олимлар йўқ!

— Сиз фан кишиси бўлганингиз учун бунга куюнапсиз, шекилли.

— Фақатгина бунинг учун эмас. Менинг ишончим комил: халқнинг, миллатнинг келажаги билимнинг ёйилишига, фаннинг ривожланишига боғлиқ.

— Қизиқ, ўзбеклардан ҳам фан ва медицина соҳасида Нобель мукофоти лауреатлари чиқармикин? Журналхонларнинг шу хусусдаги фикри билан қизиқиб кўрсакчи?

— Яхши. Аммо мен бир нарсани айтмоқчиман: Нобель мукофоти у ёқда турсин, ўқувчиларимизнинг 7 таси ҳатто ўрта мактабнинг етуклик аттестатига лойиқлигига шубҳам бор. Ишонсанми-йўқми, улар К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленинни Ўзбекистонда яшаган, деб биларканлар...

Сеҳргар билан бўлган суҳбатдаги кейинги саволларнинг энг қизиқлари 4 ва 8 бўлиб чиқди. Қуйида бу саволларга келган жавоблардан намуналар берамиз. Қутилганидек, кўпгина журналхонлар одамни кўринмас қиладиган сеҳрли қаллоқчани кийиб ҳар хил қонунбузарчилик, инсофсизлик ва бошқа иллатларга қарши курашишга отланган бўларканлар. Бешинчи, олтинчи ва еттинчи саволлар бўйича шундай айтиш мумкинки, ўқувчиларимиз асосан юқорида номлари тилга олинган шахслар билан суҳбат қуришни, уларнинг бир кунлик ҳаётини кечиришни ва яшаган даврларига сەҳнат қилиш истагини билдирганлар. Шу билан бирга дастлаб одам пайдо бўлаётган ёки динозаврлар яшаган даврга отланганлар, фақат ўзларича ҳоли ҳаёт кечиришни истаганлар ҳам бор.

— Мени ажаблантирган нарсалардан бири шу бўлдики, талайгина журналхонлар ўзларининг энг фантастик-хаёлий тилаги деб социал адолатга тегишли, кундалик турмушимиздаги камчиликларни йўқотишга қаратилган нарсаларни гапирган. Мана, мисол: «Дунёдаги ҳамма одамларни, айниқса раҳбар шахсларни инсофли, адолатли, ҳалол, самимий, гамхўр, пок бўлиб қолишларини хоҳлардим», деб ёзибди Қўқон шахар 13-мактабнинг 6—А синф ўқувчиси Барно Масолиева.

— Сезиб турибман, нима демоқчилигингни. Энг фантастик-хаёлий тилак деганда сен ақл бовар қилмайдиган нарсаларни кўзда тутган бўлардинг. Масалан, бир дақиқанинг ичида макон ва замоннинг ҳамма нуқталарида бўлиб қолишни. Вилсанг, бунақанги жавобларимиз ҳам кам эмас. Аммо, минг афсус, ижтимоий адолат, ҳақиқат ва ҳалолликка оид бўлган кўпгина нарсалар шу куннинг энг фантастик-хаёлий орзулари бўлиб қолмоқда.

— Хаёлга сиғмайдиган, ақл бовар қилмайдиган фикрларга, тилакларга нима дейсиз?

— Икки улуг физик — Нильс Бор ва Гейзенберглар орасида бўлиб ўтган бир суҳбатни эсламоқчиман. Бир кун Гейзенберг Борга ўзининг бир назариясини кўрсатган. Бор уни кўриб чиққан-да, айтган: «Ҳа, телбаларча бир нарсани айтмоқчи бўлибсан, аммо назариянг тўғри бўлиб чиқиши учун фикринг бундан ҳам телбароқ бўлиши керак эди». Хуллас, киши дадиллик билан, бировларнинг гап-сўзига қараб эмас, ўзининг кўнглига қараб фикр юритгандагина у ҳақиқий ижодкор даражасига бориб етади.

# ШАХС, ЗАМОН

## V тур саволлари

Азиз журналхонлар! Шу пайтгача биз оддий бир кунимиз ҳақида, ҳаёти-мизнинг мазмуни тўғрисида, буюк шахслар ва ўтмишимиз мавзуида суҳбатлашдик. Келинг, энди келажакка мурожаат қилсак. Айтайлик, 2000 ва 2025 йилларга. Ҳозирги асосий ўқувчиларимиз бу йилларнинг биринчисидан етук инсонга айланиб, жамиятда ўз ўринларини топган ёки топаётган бўладилар, иккинчисидан эса ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортган, ёши улғайган инсон бўладилар, деган умиддамиз. Ана шу пайтга келиб, «Ёш куч» журналининг тошиб ўқиб чиқсак, бу турдаги саволларга берилган жавоблардан келажак ҳақидаги мулоҳазаларимизни эсласак, қанчалик тўғри ёки нотўғри фикрлаганликларимизни кўрсак. Балки, 2000 ва 2025 йилларда редакция ҳозир келган жавоблардан яна бир бор босиб чиқарар. Саволларимизга 2000 йилга ва 2025 йилга тегишли қилиб алоҳида-алоҳида жавоб қилишларингизни сўраймиз.

1. Айтилган йилларда республикамизда қандай йирик муаммолар ҳал бўлади?

2. Ўша пайтларга бориб республикамизда қандай йирик муаммолар пайдо бўлади?

3. Кўрсатилган йилларга келиб қандай оламшумул воқеалар юз беради?

4. Шу йиллар ичида содир бўлиши керак бўлган йирик воқеалардан қайсилари содир бўлмайди?

5. Одамларнинг феълида қандай ижобий ўзгаришлар кузатилади, қандай янги феъилатлар, ҳислатлар пайдо бўлади?

6. Келажакнинг кўрсатилган даврларига бориб одамларда қандай янги камчиликлар пайдо бўлади?

## «Мен сеҳргар бўлсам...»

153. А. ШЕРМАТОВ. Самарқанд область, Пойариқ р-н, Муқимий номли 46-мактаб 10-синф ўқувчиси.

8. Дунёда шундай яхшилик дориси яратилсаки, уни ичган ҳар киши яхши ниятли одамга айланиб қолса. Мен сеҳргар берган қаллоқчани кийиб, бутун уруш оловини ёқувчи инсонларга шу дорини икkitардим.

167. Насиба МУСАЕВА, Қашқадарё область, Уल्याнов район, К. Маркс номли 1-мактаб 10-синф ўқувчиси.

8. Одамларнинг ички дунёсини билиб олиш учун янги машина ихтиро этилса-ю, шунда атрофдагилар қандай одам эканлигини билиб олсанг.

163. Зулуҳумор АБСАМАТОВА, Тошкент область, Оққўрғон район.

8. Шундай бир табиб бўлсамда, майиб-мажруҳларни ва гўдакларни бир қўл теккизишда даволасам ва улар энг бахтиёр ва мукамал инсон бўлишса.

29. Муҳайё ЭГАМОВА. Самарқанд область, Каттақўрғон шаҳар.

8. Космосга, ойга парвоз этиб, битта юлдузни ойнамга, иккинчисини дадамга тақдим этсам! Тилагим шу!



137. Абдурасул ТОЖИЕВ. Тошкент Ирригация институтининг 2-курс студенти.

4. Жон деб яна 10 йил жонажон мактабимизда ўқирдим.  
128. Иззатилла ОЧИЛОВ. Самарқанд область, Қўшрабат район, 17-мактаб ўқувчиси.

8. Пўқолган ва бизгача етиб келмаган кўлэзма асарларнинг топилишини.  
129. Феруза ЖУРАЕВА. Андижон область, Андижон район.

8. 2988 йилга савҳат қилсам.  
130. Юнусали КАРИМОВ. Наманган область, Тўрақўрғон район, Мозор-кўҳна қишлоғи.

8. Қуёш бўлиб қолсам, нур ва иссиқлик бахшида этсам пастдаги борлиқни 100 фоиз кўриб турсам.

94. Эгамберди ҚУШМАТОВ. Фарғона область, Уल्याнов район, «Правда» совхозини.

4. Автобус ва троллейбусларда кексаларга жой бўшатмайдиган, умуман ўздан катталарни ҳурмат қилмайдиган йигит ва қизларнинг таъзирини берар эдим.

185. Рашид УБАЙДУЛЛАЕВ. Қашқадарё область, Муборак шаҳар, 21 ёшда.

Сеҳрли қапоқчани кийиб олиб, қайта қуриш даврида ҳалиям давом этаётган порахўрлик, қоғозбозлик ва кўзбўямачилик иллатларини фош этиб ташлардим.

184. Марҳамат БОЙМИРЗАЕВА. Фарғона район 4-ўрта мактаб ўқитувчиси.  
8. Тилагим — бир рентген аппарати бўлсаки, ундан ёппасига ҳар бир одамни ўтказишса... Аппарат кишининг дилидаги, юрагидаги муҳаббатни (жирканч, қашшоқ, бемаза ҳис-туйғуларни!) айтиб берса...

46. Ҳабибилло ЖАББОРОВ. Фарғона область, Қува район «Москва» колхоз комсомол комитетининг секретари.

5. Эрамиздан аввалги ўн бир мингинчи йилга савҳат қилишни, токи тахмин қилинаётган ҳақиқий Атлантиданинг кишилиқ жамиятини кўришни истайман. Қайтишда йўл-йўлакай Миср эҳромлари қурилишни, Қадимги Грецияни, Рим империясини, Александрия кутубхонасини ва араблар босиб олгунга қадар бўлган халқим маданиятини, унинг санъатини кўриб ўтишни истайман деб айтган бўлар эдим.

148. Ҳадия ЖАББОРОВА. Бухоро область, Когон район Калинин колхозини.  
4. Мен қалпоқчани кийиб олиб йўлдан адашганларга ёрдам берар эдим.

53. Шоира АБДУҚАҲҲОРОВА. Наманган область, Чуст район, Энгельс номи колхоз.

8. Орол денгизи ўз ўрнига қайтишини.  
186. Ўтқур САЙЛИЕВ. Қашқадарё область, Муборак шаҳри.

4. Сеҳрли қалпоқчани кийиб олиб, хиёбонларга борардим ва жимгина гаплашиб ўтирган йигит ва қизнинг гапларига қулоқ тутардим. Балки йиғининг севгиси шунчаки ҳавасий севги бўлса бу икки ёшни огоҳлантириб қўярдим.

ҳалокатига учраган «Пахтакор» командасини ҳаётга қайтиши. Умримнинг охиригача мен уларнинг ўлимига ишонмайман... Фёдоров, Ан, Аширов, Эшбўтаев... улар мен билан.

63. Маҳбуба МАҚСУДОВА. Фарғона область, Фунзе район.  
8. Одам туғилгандан кейин умуман ўлмас, чунки мен бирор кишининг ўлганини эшитсам кўнглим галати бўлиб йиғлагим келаверади. Яна ҳаёлда шуни ҳам истардимки, мен нариги дунёга бориб одамлар айтган гапларни ростми ёки ёлгонлигини ўз кўзим билан кўришни истардим.

66. Д. ҚОРАБОЕВА. Фарғона область, Фарғона район, 12-мактаб ўқувчиси.  
4. Авваламбор институтлардаги, билим юрғларидеги порахўр ўқитувчиларни пора олаётган вақтида ушлаб берар эдим.

65. М. МИРЗАЕВА. Наманган область, Чортоқ район, 8-ўрта мактаб ўқувчиси.  
8. Минг-минг асрлар ўтгандан кейин ҳаётда қандай воқеалар рўй беришини била олсам эди. Уча олсам, дунёнинг энг гўзал жойларини бир маротаба бўлса-да сайр этиб келсам. Дадам ёшариб кетсалар.

149. ДИЛБОРОМ. Қирғизистон, Ўш шаҳри. 10-синф ўқувчиси.

4. Каттақўрғонда юз берган фожиа устида иш олиб борар эдим. Аввал Ширин Раҳмонованинг қотилини топиб, ўлимга ҳукм этар эдим. 1985 йил, 28 июлда Шириннинг жасади топилса, унинг қотили ҳозиргача топилмас. Бунга Каттақўрғон ички ишлар бўлими ходимлари ҳам айбдор. Мен албатта уларнинг жазосини берган бўлар эдим.

32. Рустам ЖАМОЛОВ. Яйпан.  
4. Сеҳрли қалпоқча бўлганда севимли «Пахтакор» командамизни олий лигага ўтишида ёрдам берган бўлардим.

8. Одам-амфибия сингари денгиз тубида ҳаёт кечирсам.  
3. Нодира ГУЗАРОВА. Сурхондарё область, Ленин йўли райони.

8. Марс сайёрасига сайр қилиш.  
33. Мавлуда НАРИМОНОВА. Сирдарё область, Ильич район, 16-ўрта мактаб ўқитувчиси.

8. Отам рақ касаллигидан вафот этган... Отамни кўришни, «Ота» деган сўзимни такрорлашни кўймайман. Онамга боқий умр тилайман.

104. Умида ҚОРАБОЕВА. Наманган область, Янгиқўрғон район.  
4. Узимни қизиқтирган одамлар ҳаёти билан танишар эдим.

4. Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ. Ленинобод область, Уратепа район.  
8. Барча оламдаги жамики қуроллар ўз-ўзидан йўқолиб, улар ўрнига озиқ-овқатлар пайдо бўлсин; ўлган буюк кишилар тирилсинда, яна ижод қилиб, меҳнат қилиб, бугунги қайта қуриш ишларимизга ёрдам қўлларини чўсинлар; бензин соғувчилар ҳалол, ҳақиқатчи бўлсинлар, дер эдим.

120. Ҳаётжон СОДИҚОВ. Фарғона, студент.  
8. Менинг икки олий фантастик орзум бор: 1) ёруғлик тезлигида учиб,

атом системаларининг электронлари атрофида айланиш ва уларда цивилизация бор-йўқлигини текшириш; 2) космосда фойдаланса бўладиган сунъий фотосинтез қилувчи аппарат яратиш.

9. Худойберди МАМАДАЛИЕВ. Сурхондарё область, Денов район.  
8. Неча асрлардан бери битмас-туганмас иссиқлик ўчоғи бўлган қуёшга бориш ва бу иссиқликни қаердан олинишини ўз кўзим билан кўришни истардим.

13. Тўлқин СОТВОЛДИЕВ. Бухоро, студент.  
4. Бутун ер юзидаги ҳарбий ракета базаларини яроқсиз ҳолга келтирган бўлар эдим.

122. Акрам ХИДИРОВ. Тошкент темир йўллар транспорти институтининг 1-курс студенти.  
5. Утмишга қайтиб беғуноҳ ўлиб кетган 12 ёшли Мўмин Мирзони қутқаришни хоҳлардим.

7. 18 ёшга тўлган ушбу кунларимда гўдаклик чоғларимда онам бағрида ўтказган беғубор бир кунимни орзу қиламан.

8. Аввало, барча эзгу тиллакларни амалга ошира оладиган қудратли кучга айлансам ва ниҳоят ҳаёлимда яшаб келаётган қиз ҳақиқатга айланса.

17. К. ГУЛШАН. Наманган область, Поп район.  
8. Космосда ҳам ердагидек ҳаёт бўлишини истардим.

21. Феруза АДАМБОЕВА. Хоразм область, Янгибозор район.  
8. Планеталаро туристик экскурсия бўлса, Ойга, Марсга меҳмонга борсам.

191. Муҳаммад СУЛТОНОВ ва Ҳувайдо ҚОСИМОВА. Фарғона область, Олтиариқ район, 26-ўрта мактаб ўқувчилари.  
4. Рассом Рауф Аҳмедовга Чиноз районинда мутасадди ўртоқлар беролмаган ёрдамни биз берган бўлар эдик.

83. Г. ТҮЛЛИЕВА. Хоразм область, Янгибозор райони.  
8. Одамлар ҳам истаган вақтида қушлар каби уча олса.

182. Анвар Асқаров. Андижон область, Хўжабод район, Булоқбоши қишлоғи.

4. Аждодларимиз, буюк аллома ва донишмандлар ёзиб қолдирган маданиятимиз дурдоналари бўлмиш китоблардан қайта нашр қилаётган масъул раҳбарларни сифатсиз қоғозга, дидеиз босма нашри ҳамда маданиятимиз меросига масъулиятсизлиги учун ҳиқилдоғидан олардим.

180. Муҳаммад ХОЛМИРЗАЕВ. Денов шаҳри.  
8. Ҳафтасига 1 та «Спортлото» лотореямга (36 тадан 5 та) 4 ёки 5 номер тушиб туришини.

72. Х. ТҮРАЕВА. Гурлан район, Коммунизм колхозини, 10-бригада.  
8. Қани эди, касалликлар, пул, мансаб, бойлик йўқ давр келиб қолса, одамлар меҳр-оқибатли бўлсалар, узоқ умр кўрсалар, ғийбат, бўҳтон, бир-бирини кўра олмаслик бўлмас, ҳамма ерда боғлар шовулласа, ариқлар тўлиб сувлар оқса...

74. Маъруф БАКИРОВ. Тошкент, 4-курс студенти.  
8. Севгим билан бирга ўзга сайёраларга савҳат қилиш ва у ерлардан Ер юзидаги барча барча касалликларга даво бўладиган малҳам олиб келиш.

1. Рақамлар — редакция рўйхатидаги хатларнинг тартиб номери.

# ВА ХАЁЛ



8. «Учувчи ликобчага» миниб бошқа бир галактикадаги одамлар билан суҳбатлашини истардим.

102. Розия ТОЖИБОЕВА. Тошкент, ҳамшира.  
8. Булутларга миниб олиб, самода сайр қилиш.

108. Анвар ҚАЮМОВ. Сирдарё область, Оқ олтин район, «Фарғона» совхозини.  
8. Каспаров ва Карпов билан бир вақтда донга суриш (уларга сеанс бериш); «Пахтакор» — Жаҳон терма командалари ўйинини кўриш ва Леонардо да Винчи ва Рафаэль каби рассомларнинг шогирди бўлиш.

62. Рисолат ЧОРИЕВА. Қашқадарё область, Косон район.  
4. Бепул савҳат қилардим.

8. Ҳайвонлар ва қушлар билан бемалол гаплаша олишни истардим.  
80. Тошбиби САФАРОВА. Қашқадарё область, Яккабоғ район.

4. Бизнинг яккабоғ районинидаги Усмон Юсупов номи 61-ўрта мактаб биносини қурувчи акаларимизга сездирмай битказиб қўярдим.

87. Ихтиёр ҲОЛИМАТОВ. Фарғона область, Яккатут қишлоғи.  
8. Шундай дори топилсаки, инсонлар «касаллик» сўзини фақат лугатдан билишса: китоб нашриётлари устида беминнат, одил назоратчи бўлса-да, фақат сифатли, мароқли, фойдали китоб, журнал ва газеталар чиқарилса.

190. Дасталб ишни Оролни қуриган, давлат мулкани талон-ғарож қилаётган демократи, халқ номини туя қилаётган юлғич, порахўр мансабдорларни — жиноятчиларни, давринг келди давронингни сур беғим, дейдиган ҳиссиз, қоғозбоз, бюрократ амалдорларни — бундайлар бир неча ўн мингларни ташкил этиб турибди — оёғидан осардим.

8. Оролни сув билан тўлдирардим! Ер юзи экологиясини мувозанатлаштирар эдим! Пахта монокультурасини йўқотардим! Заҳарли химикатлар, портловчи моддаларни йўқотардим!

55. И. ҚОРАБОЕВА. Андижон шаҳри, 31 ёшли хизматчи.  
8. Ўзбекистон ҳам Латвия, Литва каби бўлса. Бурунгидай мева-чевалар сероб бўлса, қовун-тарвузлар тилни ёрса ва хандалак пишигигача етса. Одамлар бурунгидай дилдан ишласа, юқумли ва юрак касалликлари бўлмас. Химиявий дорилар бутунлай ишлатилмас. Қайта қуриш Ўзбекистонда ҳам ўтказилса. Демократия бўлса. Ҳар кимнинг маоши ўзига етса. Жамиятларга одамлар ўз хоҳишлари билан қирса. Қоғозга эмас, одамларга ишонч бўлса.

174. Гулнора МАМАЖОНОВА ва Санобар ЖАЛОЛОВА. Фарғона область, Фарғона район.  
8. Қанот чиқариб, осмонларга учиб, фазоларни кучиб тушгимиз келур. Келажакка савҳат қилсам эди (айтайлик, бундан 25 йил кейинги даврга).

175. Гулчехра АКБАРОВА. Тошкент, Чилонзор район.  
8. Менинг энг фантастик-хаёлий тилагим — бу сир. Мен бунни фақат сеҳргарнинг қулоғига айтган бўлардим.

51. В. СОБИРОВА. ҚҚАССР, педагогика билим юртининг 2-курс талабасини.  
4. Таниқли ёзувчи ва шоирларнинг китобларини китоб магазинларига олиб келардим.


26. Тўлқин ОЧИЛОВ. Фарғона область, Киров район.  
8. Менинг бирдан бир фантастик тилагим бу — 1979 йил 11 августда авиация





# ТАКЛИФЛАР, ИСТАКЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

Наманган область Чортоқ районидagi 115-ўрта мактаб-интернати ўқувчиларининг



Мактаб ислоҳоти, қолаверса КПСС Марказий Комитетининг Февраль пленуми мактаб ва маориф соҳасида жуда катта ўзгаришлар қилишга ундамоқда. Бу биз ёш талабаларга ҳам катта масъулият юклямоқда. Бугунги ўқувчи нафақат фан сирларини, шу жумладан техника, жаҳон фани сирларини ҳам мукаммал ўрганишга ундамоқда.

Адабиёт ва санъат эса қишлоқ тарихида муҳим роль ўйнаган. Унинг сирли дунёси инсон камолотида жуда муҳимдир. Шу боис ҳам буюк бобоқолон Алишер Навоий, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Сўфизода, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон ва бошқа бетакрор шоир ва ёзувчиларимиз ижоди биз ёшлар учун билим, одоб ва ахлоқ, инсонийлик, она Ватанни севим, бахтли болалигимиз сифатида абадул-абад ўрганишга лойиқ бўлиб қолмоқда.

Вироқ адабиёт бу биргина ўзбек адабиёти эмас, санъат бу биргина ўзбек санъати эмас, рассомлик санъати бу биргина ўзбек рассомчилиги эмас деб тушунамиз. Жаҳон адабиётини қўя турайлик, 10-синфни тугатаётган биз ёшлар ён қўшимиз қирғиз, тожик, қozoқ, туркман, ҳатто қорақалпоқ адабиётини ҳам яхши билмаймиз.

Волтиқ бўйи, Кавказ халқлари адабиёти ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Еки билсак ҳам санокли машҳурларини биламиз холос. Нега шундай? Бунинг жуда кўп сабаблари бор. Бу биринчидан бошқа халқ шоир ва ёзувчиларининг асарлари кам таржима қилинишида, рус тилига таржима қилинганларини эса ўқий олмаслигимизда деб биламиз. Ахир ўйлаб кўринг, ўз адабиётини мукаммал билиш билан бирга қардош адабиётларни ҳам яхши билиш зарар эмас-ку!

Шу боис ҳам аввало барча республика ёзувчилар союзи билан келишилган ҳолда журнал ва газеталарда «Қардошларимиз адабиёти» ёки «Гулдаста», «Дўстлик чаманзориди» каби рубрикалар очилса. Бу соҳаларда қардош адабиётларнинг тарихи, ҳозирги кун (проза, поэзия, драматургия, танқидчилик, кино санъати ва ҳоказо) ҳақида мақолалар бериб борилса айни мудоао бўларди. Шу билан ёш ва истеъдодли шоир ва ёзувчиларимиз билан давра суҳбати, мулоқот тарзидаги мақолалар ҳам зарар қилмасди.

Шунингдек энг сара ҳикоялар, повестлар ва драмалардан таржималар бериб борилса дегандик. Еки журналларимиз ҳар йили бир марта ўз мавқеидаги журналлар билан номер алмаштирсалар ҳам жуда ажойиб бўларди.

Биз ўқувчиларимиз. Билиш учун интилиш су-саётган кунда яшаймиз. Билишга, билимга қизиқтириш эса ёзувчи ва шоирларимизнинг азаллий бурчи деб биламиз. Қардош халқлар адабиёти ва санъати орқали эса ўша халқ ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Дўст бўлиб яшамоқ учун дўстни яхши билмоқ керак. Дўстларни яқинроқ таништириш эса сеvimли журналларимизнинг муқаддас иши деб биламиз.

Интернат-мактабнинг 300 нафар ўқувчилари номидан:  
**Оташ ХОЛИМИРЗАЕВ**  
Мактаб-интернат директори,  
Абдусаттор МАМАТҚОСИМОВ  
тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари,  
Ҳамроҳон ХОТАМОВА — 10-синф ўқувчиси,  
Мирзоҳид АБДУЛЛАЖОНОВ — Учком раисис,  
Дилфуза ОТАМИРЗАЕВА — VIII «Б»-синф ўқувчиси.

РЕДАКЦИЯДАН: Очиқ хатда ниҳоятда муҳим ва зарур масала ўртага ташланган. «Ёш куч» журнали имконият даражасида ушбу таклифларга жавобан тадбирлар ташкил этишни режалаштиради.

«Ёш куч»нинг шу йил 2-сонидagi «Кун тартибиди идеал ўқувчи» мақоласидagi муаммо бизга ҳам тааллуқли. Тарих фани ўқитувчимиз Меҳмон шун мақолани ўқиб берганларидан сўнг синфимизда уни муҳокама қилдик. Бадиий китобга қизиқмайдиган ўқувчилар орамизда ҳам бор экан. Ваҳоланки мактабимизда барча ўқув жиҳозлари етарли, кутубхонамиз ҳам бой. Менимча, ҳар бир ўқувчи мактабда ўқиш йилларидан самарали фойдаланмоғи керак.

Бахтиёр АЙМАТОВ,  
Андижон область, Избоскан район,  
34-мактаб ўқувчиси.

«Кун тартибиди идеал ўқувчи» мақоласидagi олтинсойлик ўқувчилар фикрига қўшиламиз. Айниқса Ойниса Азизовнинг китоб ҳақидаги мулоҳазалари ёқди.

Идеал ўқувчи гоғларга бой, исёнкор бўлиши керак.

Уқув қуроллари бизда етарли, кабинетлар жиҳозланган. Фақат химия, физика ва математикадан қўлланма, олий ўқув юртига кириш ҳақидаги программалар етишмайди. Агар олтинсойлик тенгқурлар китоб топишга қийнасалар, биз китоб танлашга қийналамиз. Шунинг учун ҳам «Ёш куч»нинг бир саҳифасида китоб мутолааси ҳақида маслаҳатлар бериб борилса яхши бўларди.

Саида МУРОДОВА,  
Қашқадарё область, Деҳқонобод район,  
«Ўзбекистон» номли мактаб ўқувчиси.

Олтинсой районидаги ўқувчилар сўзларини ўқиб туриб ўз мактабимиз аҳволини ўйлаб кетдим. «Ёш куч» мухбирлари мактабимизга ҳам келишса эди! Синфлар етишмайди, на ошхона, на спорт зали бор! Дардан ташқари вақтларда бирорта тўғарак ишламайди, чунки, бўйи синф йўқ. Ахир биз ҳам совет фарзандларимиз-ку, бизлар ҳам ҳар томонлама тарбия олгимиз келади-ку!..

Гулноз МҰМИНОВА,  
Қашқадарё область, Муборак район,  
6-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

«Ёш куч»нинг февраль ойи сонидagi Нуриддин Бойматов ҳикояларини қизиқиб ўқидик. Унда чўпонлар ҳаёти, тили, ташвишлари жуда ёрқин, бой бўёқларда тасвирланган. Муаллиф ижодига омад тилаймиз.

Тошкент Автомобиль транспорти ва йўллари институтининг бир гуруҳ талабалари номидан  
Ш. УСМОНОВ.

«Ёш куч»нинг 1—2-сонларида «Навоийхонлик» рубрикасидаги мақолани ўқиб сеvimдим. Халқимиз тарихини ўқиш, ўрганиш учун араб алифбосини танишимиз керак-да.

Мажлислар муаллифи профессор Алибек Рустамовдан миннатдорман.

А. АБДУЛЛАЕВ,  
Тошкент область, Бекобод район,  
Далварзин совхозис.

Журналдаги «Навоийхонлик» саҳифаси жуда ёқди. Шу мавзудаги материалларни ташкил этган ўртоқларга миннатдорчилигимизни билдирамиз. Келгусида ушбу рубрикада Навоийнинг «Хамса»-сидан парчалар бериб борилишини сўраймиз.

М. ИБРОҲИМОВА,  
М. РАҲМОНОВА,  
Андижон область, 1-Май кўчаси.

«Навоийхонлик» мажлисларини зўр қизиқиш билан ўқилган. Фақат, иккинчи мажлисда араб алифбосидаги бир қатор ёзув тескари босилгани яхши бўлмабди.

Худойназар СУЯРОВ,  
Ленинобод область, Панжакент район,  
4-мактаб ўқитувчиси.



## САВОЛ-ЖАВОБ САВОЛ-ЖАВОБ САВОЛ-ЖАВОБ

«Ҳурматли редакция!  
Мен ёшлигимдан футболга қизиқаман. Мактабимиз терма командасининг аъзосиман. Лекин футбол учрашувариди судьялик қилишни яхши кўраман. Телевизор орқали томоша қилгач, судьялар ишини таҳлил қиламан. Совхозимиздаги футбол ўйинларига судьялик қилиб кўрдим. Бироқ мен келгусида мастерлар командалари ўртасидаги СССР биринчилиги ўйинларига судьяликни орзу қиламан. Орзуим рўёбга чиқиши учун нима қилишим керак? Шу саволга жавоб берсангизлар.

Толибжон ҚОСИМОВ,  
Қашқадарё область, Нишон район,  
9-мактаб ўқувчиси».

### Ҳакамлик ҳам санъат

Бундай ҳуқуқни қўлга киритиш оммавий футбол ўйинларига ҳакамлик қилишдан бошланади. Сўнг район спорт комитети қошидаги комиссия кўригидан ўтилади. Мазкур комиссия лойиқ кўрган судьялар район миқёсидаги мусобақаларга таклиф этилади, область миқёсидаги учрашуварга тавсия қилинади.

Ҳакамлик поғоналаридан кўтарилиш шу тартибда давом этади. Республика, қолаверса Иттифок биринчилиги учрашуварига судьялик қилиш ҳуқуқи махсус нормативларни муваффақиятли топшира олган эпчил, зукколаргагина насиб этади.

Толибжон ука! Судьяликдек масъулиятли ва нозик санъатга қизиқибсиз. Яшанг! Республика-мизда сизга ўхшаш ишқибозлар кўпайиб бормоқда. Анвар Солижонов, Баҳодир Мирзаев (Тошкент), Тоҳир Эшонхўжаев (Андижон), Александр Сулаймонов (Фаргона), Нойил Лутфуллаев (Бухоро) сингари ёш судьялар шунай ишқибозлар орасидан етишиб чиқишгани қувонарли ҳол. Айни вақтда кўпгина ёшлар судьялик ҳуқуқини қўлга киритиш учун нима қилмоқ кераклигини билишмайди. Масалан, 10 метрга, 100 метрга, шунингдек 12 минутлик югуриш (Купер ишлаб чиққан система — тест бўйича) нормативлари қабул қилинади.

Мен судьяликни «санъат» дедим. Негаки, чинакам судьялик маҳорати ҳам жисмоний, ҳам назарий, қолаверса педагогик санъатларини ўзида мужжасам топтиради. Лекин судьяларни тайёрловчи махсус мактаб ёки курслар бўлмагани боисидан яна шахсий тиришқоқлик, ҳаракатчанлик орқали катта мақсадларга эришиш мумкин. Катта мақсадларга эса кундалик жисмоний тайёргарлик, назарий билим ва кишиларга педагог сифатида муносабатда бўлиш кўникмаси зарур. Шунинг ҳам ёдда сақлаш лозимки, футбол учрашувариди асосий ва ёрдамчи ҳакамлик қилиш учун доим тайёр бўлиш керак.

Вақтли матбуот, спорт журналлари мақолаларидан ташқари Николай Латипев, Константин Вихров, Марк Рафаловнинг «Футбол мусобақаси қоидалари» («Правила соревнования по футболу») деб номланган китобларини қўлланма сифатида ўқиш лозим. (Уч муаллиф турли йилларда ушбу бир номда нашр эттирган мазкур қўлланмаларни фақат кутубхоналардан топиш мумкин. — Ред.)

Спорт ўйинларига ҳакамлик қилиш орзусидаги ёшларга омад тилайман!

Аҳбор ИМОМХҲЖАЕВ,  
футбол бўйича республика судьялар коллегияси раисининг ўринбосари.

САВОЛ-ЖАВОБ САВОЛ-ЖАВОБ САВОЛ-ЖАВОБ



## Хурматли редакция!

Саволимга жавоб берсангиз: СССРдаги барча мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқи тенгми ёки тенг эмасми? ...Менинг ёшим 16 да. Бўйим бошқа синфдошларимникидан узун, қадди-қоматим келишган чиройли йигитман, менга фақат соч етишмайди. «Бола-пақир кал экан-да» деб лабларингиз ип қочирган бўлса, адасасиз. Китоб шахридаги бизнинг

Амин Умарий номли мактабда директоримизнинг буйруғи билан шу «қисмат»га дучор бўлганман. Яъниким, директор «сочинг ўсганини кўрмай, бошларинг ялтираб юрсин» деб 9-синф ўқувчиларига фармойиш берганлар. 10-синфдагиларга эса фақат 2 сантиметр қўйишга рухсат берилган. (Ҳойнаҳой директор мактаб винеткасидаги ўқувчиларнинг боши ялтирамасин, деб ўйлагандир? — ред.) Мен бунга қарши чиқиб 2 сантиметрча соч қўйгандим, «қилмишим» учун дарсдан ҳайдалдим. «Фармон»ни бажаришга

мажбур бўлдим, билъакс директор кўпчилик олдидан сочимни кесиб ташларди. Биз синф раҳбарига бу аҳволни айтсак, директорнинг буйруғи шу, деб бўйинини қисди.

Шаҳримиздаги бошқа мактабнинг 4-дан юқори синф ўқувчилари соч қўйиб чиройликкина юришади. Биз эса... Кўпгина мактаблараро мусобақаларда қатнашамиз. Бошқа мактабдаги танишларимиз бизни тушунмай «салом каллар» деб масхара қилишади. Нима деб алик олишни билмай жаҳлим чиқиб кетади. Таниш-

ларим, сен соч олдирсанг «Ғирт ёлгон»чи ҳинд кинофильмидаги безорига қўйиб қўйгандай ўхшайсан, деб ичимдагини топишади. Мен аввал кўпгина редакцияларга ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Жавоб келмади. Ҳозир «Еш куч»га обуна бўлганман. Лекин биламан, журналда меникидақа шум хабарлар босилмайди.

Сендан ўзига жавоб хатида 2 сантиметр соч қўйиб юришга биттагина рухсатнома ёзиб беришингни илтимос қилувчи

Фарҳод СОБИРОВ.

## ХАЛҚ ТАЛАБИ — ҲАҚЛИ ТАЛАБ

Биз Қашқадарё область Қамаш районидидаги Қорабоғ совхозининг маданият қишлоғида яшаймиз. Қишлоғимиздан 2-3 чақирим наридаги Бадахшон қишлоғидаги «Коминтерн» номли мактабга қатнаймиз. Мактабимизга қатнаш жуда қийин. Айниқса ёгин-сочин кунлари лойга ботиб қоляимиз. Биз-ку, юқори синф ўқувчиларимиз, жажжи биринчи синф ўқувчиларини йўлда оёғи лойга ботган ҳолда тасаввур қилинг-а? Ота-оналаримиз тинмай меҳнат қилиб, олиб берган оёқ кийимлар ёгин-сочин кунлари лойга чидамай бир-икки ойда йиртилиб кетади.

Йўл азобини айтавериб қишлоғимизнинг бормаган жойи қолмади. Айтинг-чи, шу сўқмоқ йўлдан қайта қуришининг катта кўчасига қандай чиқиб олиш мумкин?

Озодбек ИРИСОВ,  
Қашқадарё область, Қамаш район,  
Қорабоғ совхоз, 6-мактаб ўқувчиси.

Эрта билан туриб биров ишга биров ўқишга шошади. Нонушта қилиш иккинчи масала. Мана мисол учун бизнинг педагогика билим юртига қатнайдиган автобусларни олайлик, ниҳоятда тиклинч. 1987 йилгача 4 та ЛАЗ, 2 та Паз автобуслари қатнар эди. Январь-февраль ойларида йўлнинг ёмонлигини рўқач қилиб катта автобусларни чиқармай қўйишди. Мана бир неча ой-дирки, йўлни ремонт қилишади. Лекин ЛАЗ автобуслардан дарак йўқ.

1987 йил, 12 ноябрда «Пятилетка-Дошкола» автобусларини Чаманзорга чиқадиган қилиб қўйишди. Буни қандай тушуниш мумкин? Бизнинг кўпчилик талабаларимиз районлардан келишиб «Беруний соҳили» ва колхоз бозори бекатларидан автобусга чиқишади. Чаманзордан қачон автобус келар экан деб қараб туришимиз керакми? Еки Чаманзорда ҳам бирорта билим юрти очилди-ми? Бундан ташқари шаҳардаги қайси бир транспортга чиқманг ҳаммасида билет ўрнига ҳам, қайтмга ҳам абонемент беришади. Гоҳо, «Бизники экспресс, 2 тадан абонемент олинглар», дейишади. Ишнинг ёмон томони шуки, ўзлари қайтмга берган бутун абонементларни ҳайдовчиларнинг ўзлари тан олишмайди. Бизнинг кунига 50—60 сўмлик планимиз бор, абонементларингни йиртиб кетаверсанглар қандай қилиб план бажарамиз дейишади. Балки ҳайдовчилар ҳақдир, лекин ундай бўлса нима учун билет ўрнига абонемент сотилади. Шаҳардаги автобусларнинг бирортасида ҳам компостер кўринмайди-ку?!

Биз, педагогика билим юртига қатнайдиган автобуслар аввалги маршрут бўйича юришини истаймиз!

М. ЮСУПОВА,  
Наманган шаҳридаги  
педагогика билим юрти талабаси.

## Ўзгага ҳам кўрма раво

«9-синфда ўқийман. Бундан 5 ой олдин мен кўшни қишлоқда ўзимдан 2 ёш катта бир йигит билан дўстлашиб, севиб қолдим. Бир биримизга хат ёзишиб, ҳар замонда учрашиб юрдик. Бу менинг биринчи муҳаббатим эди.

Лекин, буни ўқитувчимиз, директор ўринбосари сезиб, мени урушди, чидаб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилишди. Хуллас, у йигит билан учрашмай қўйдим. «Сиз билан гаплашмайман» деган мазмунда хат ёздим. Хатни ёздиму, «тўғри иш қилдимми ёки нотўғри?» деб ўйладим.

Хурматли редакция ва азиз дўстлар, сизлар нима дейсизлар? Шу ҳақда менга маслаҳат беринглар. Маслаҳатингизга муҳтожман.

Наманган областидан Меҳригул Қ.

Биринчи муҳаббат изтиробларини тотмаган киши бормикан дунёда! Бегубор болалик кунларингизга бир дунё ташвиш — мароқли ташвишлар келтирувчи биринчи муҳаббат! Севги, севиш-севилиш нима? Қўнғилларда кўз очаётган мурғак майллар ҳақиқий севгидан нечоғли узоқлигини сезамизми? Ехуд «кўр» севги алдовларига чалғиб асоссиз изтироб кўчаларида адашиб-улоқиб юрамизми?..

Шунга ўхшаш мангу саволларга қатъий жавоб айтиш, оҳ, нақадар мушкул! Меҳригул сингари сингилларимизга аниқ бир маслаҳат бериш ҳам қийин. Чунки у хатида баён қилган вазиятни жиддий ўрганмай ҳукм чиқариш мумкин эмас. Лекин бир оғиз сўз ҳақида, ўзгаларни тушуниш, дилни беҳуда ранжитмаслик ҳақида ва ниҳоят қадр-қимматини сақлай олиш хусусида суҳбат қуриш зарур.

Келинг, Қамаш районидан олинган У. Толибованинг мактубини ўқийлик.

«Ёшим 25 да. Қарши Маданият техникумига ўқишга кирдим. Бир кун ўқишга кетатуриб икки кўшни аёл мени кўрсатиб, «Қишлоқдан эр тополмади-да, Қаршига эр излаб кетяпти» деганини эшитиб қолдим. Бу сўзларни эшитиш нақадар оғирлигини тасаввур қилсангиз эди!..»

Мазкур хат муаллифи (унинг фамилияси ўзгартирилди) ҳам шундай оғир ҳолатга чидалмай виждон азобида, иззат-нафси поймол этилган қиз сифатида редакциядан нажот истаб йўл-йўриқ сўраган.

Эътибор қиялсизми, иккала ҳолатда ҳам бировнинг ўта шахсий ишга ўзгаларнинг қўполлик билан аралашуви туфайли дил ранжиган, хафагарчилик келиб чиққан. Агар мактаб директори ўринбосари ўқувчи қизни тартибга чақирган бўлса, кўчадаги кўшни аёллар Толибова ҳақида ўзларича «адолатли» ҳукм чиқаришган ва шу билан тарбиячилик вазифасини «ўташган». Ваҳоланки, севгига мубтало бўлиш ва ўқишга кириш ҳар кимнинг ўз ихтиёрига боғлиқ. У ҳақда мас-

лаҳат бериш, ётиғи билан мулоҳаза билдириш мумкин, лекин кўнғил иши буйруқ, дўқ-пўлиса ёки ҳақорат билан битмайди. Айниқса, арзимас гап-сўзлар оғиздан чиқиб улгурмай эл-улуснинг қулоғига етиб борадиган қишлоқ шароитида кишининг шаънига тегадиган гап-сўзларни ўйлашиброқ айтиш керак. Номтаъқул гап тарқадими, бас, сўнг пушаймон бўлган тақдирингизда ҳам унинг этагидан тутиб қайтаролмаймиз.

Шу маънода Беруний шаҳрида яшовчи журналхон сингилмиз Анаргул Раҳимбоеванинг куяниб ёгани ўринли. У ота-она бағридан олисда яшаб олий ўқув юртларида таълим олаётган қизларни ёппасига ёмон-оглиқ қилаётганларга қарши норозилик билдиради. «Қизларнинг ахлоқи унинг уйда ўтириши ёки ўқишда бўлишига боғлиқ эмас, бу унинг ақлу-фаросатига, дибнатига боғлиқ. Ушандай гап тарқатадиганлар қизларни ўқишга юбормайдиган ота-оналарга қандай дастак бўлишини билсалар эди».

Мана-а, бир оғиз сўзнинг оқибати! Редакцияда «фалончиларнинг тўхмати туфайли бош кўтаролмай қолдим» мазмунида ёзилган хатлар ҳам кўп. Бундай мактуб эгалари ўзларининг ҳақ эканликларини, ўз инсоний шаъниларига гард юқтиришга йўл қўймастикларини ёзишади. Лекин, «эл оғзига элак тутиб бўлмайди» деганларидек, уларга ҳам қийин. Дарвоқе, жуда доно ҳикмат. Одамни қадрлашга, ўзганинг шаъни, нафсониятини ўз қадр, ўз нафсониятидек кўришга ундовчи ҳикмат. Шундай экан, хоҳ йигитдир, хоҳ қиздир катта ҳаёт бўсағасида турган сингилларимиз, укаларимизни ёмонотлиқ қилиб қўядиган овозалар тарқатишдан хушёр бўлмоғимиз керак. Оғзига кучи етмайдиганлар касрига қолиб озор чекаётганларга эса жинзаҳлик журналхон Нурхонойнинг ёзган сўзлари далда бўлади деб ўйлаймиз: «Олтин зангламас» дейдилар. Ўз эътиқодингизга ишонсангиз бас, бахт қошингизда бош эгади. Оддий инсонликдан ўзга унвоним йўқ. Бироқ ўзлим, ғуруримни юқори қўяман. Қизларнинг қадрсизланишини эшитсам ўз қадр-қимматим поймол этилгандек бўлман, тоқат қиллолмайман».

Келинглар, кўнғил иши нозик эканлигини унутмайлик, ўзгалар қадр-қимматини ўз қадр-қимматимиздек авайлайлик. «Ўзингга раво кўрмадингми — ўзгага ҳам кўрма раво!» дейдилар-ку!..

Суҳбатдош







Улар Черниговга Ўзбекистондан азиз кишиларнинг хотирасини ёд қилгани ташриф буюришди.



Қайгу.

# МЕН ЎЛИШНИ ИСТАМАСДИМ...

«Шу даврни бошидан кечираётганлардан бир нарсани илтимос қиламан: унутманглар!»

Юлиус ФУЧИК

Тўйтепа яқинидаги юқори овул қишлоғидан эркакларнинг деярли ҳаммаси фронтга кетиб, колхоздаги асосий оғир юмушлар кексалар билан инвалидлар зиммасига тушиб қолди. Уларга аёллар ва ўсмирлар ёрдам беришарди.

Урушнинг бошларида ҳамқишлоқлари билан бирга Мирзааҳмад Қурбонов ҳам фронтга йўл олди. У жўнаб кетар экан, тўнгич ўғли Муҳаммадберди оила ташвишларини бўйнига олади, деб ўйлаганди. Орадан икки йил ўтиб Мирзааҳмад таниб бўлмас даражада оёғи мажруҳ ҳолда қайтиб келди-ю, ўғли ҳам 1942 йилда фронтга кетганини эшитди.

Муҳаммадбердининг умр йўлдоши Ойзоданинг кўзидан ёш тийилмади: «Нега дараклари бўлмапти? Ахир бошқалар онда-сонда бўлса ҳам хат ёзиб туришибди-ку! Немис ўқи қулатмаса бўлгани, ярадор бўлсалар ҳам, майиб бўлсалар ҳам майли, тирик қайтиб келсалар бас».

Лекин у қайтиб келмади. Ойзода унинг йўлига интизорлик билан тикилганлари бекор кетди, севгилисидан ажралиб қолганига узоқ вақт ишонмай юрди. Вақт эса ўтиб борарди. Ойзоданинг уйи эскириб қолди, томи чакка ўтадиган ҳолга келди. Уйга қайтиб келган ва хонадонидан узоқда ҳалок бўлган фронтчилар оиласига ғамхўрлик қилишаётганини кўриб, у ҳам чидаб туролмади, аввал колхоз правлениеси, ундан қишлоқ советига бориб ёрдам сўради.

— ...Ҳамма ҳам урушда қатнашган, нима бўпти! Лекин сенинг эринг ҳеч қаерда кўринмапти, у ҳақда ҳеч ким билмаяпти. Балки немисларга асир тушгандир, балки уларга хизмат қилаётгандир?

... Орқасига қарамай Ойзода чиқиб кетди. Чеки йўқ ғам-ғусса билан орадан бир неча йил ўтди. Муҳаммадбердининг сотқин бўлганига у ҳеч ишонмасди, уни ҳаддан ташқари яхши биларди. Аммо қандай қилиб исботлайсан? Узи саводсиз, умр бўйи колхозда ишласа, нима ҳам қилаоларди? У ўзининг билимсизлигига қўл силтаб қўйди, оиласи хотиржам бўлса, болаларининг эғни бут бўлса бас.

Бу бева аёл саксон ёшга тўлди, энди у ўрнидан ҳар замонда туради. Қизи Улбўлсинга қараб ётиб юрак-бағри эзилади. У қизининг ҳаёти бунақа бўлишини истамаганди. Улбўлсин инвалид бўлиб қолган, у оғир касалга чалинган. Унинг қизи турмушга чиқиб кетган, ўғли Раҳимжон эса армияда йигит-

лик бурчини бажаряпти, уйда эса фақат икки бемор аёл қолган.

Улбўлсин 1986 йилнинг апрель ойида хузуримга келганди. Ушанда анчагача бирор нима деёлмади, фақат кўлидаги газетани ёғимлаб нуқул йиғларди. Газетани очиб кўрдим. Ҳа, бизнинг рўйхат. Черниговдан келган ўша рўйхат...

\* \* \*

Йигирма йиллик изланишлар оқибатида Драгунов Черниговда ҳалок бўлиб шу ерда дафн этилган ўн олти минг совет жангчисининг номини аниқлади. Бу рўйхат кун сайин кўпайиб борапти, бугунги кунга келиб ўн саккиз минг ном аниқланди. Минглаб оилалар орадан кўп йиллар ўтиб ўзларининг яқин одамлари ҳақидаги ҳақиқатни билиб олишди. Уларнинг номи ёдгорлик ва обелискларда абадийлаштирилганидан огоҳ бўлишди. Эндиликда ўша тиним билмас Драгуновнинг ташаббуси ва жонкуярлиги билан Черниговдаги юз элликта аҳоли пунктида мана шундай ёдгорликлар қад кўтарди.

Бундан уч ярим йил аввал Ўзбекистонга, комсомол Марказий Комитетига Черниговда ҳалок бўлган ва дафн этилган Ўзбекистонлик жангчилар рўйхати юборилди. Рўйхатни менга беришди. Кўп ўтмай ҳалок бўлганлар оиласини излаш ишлари бошланиб кетди.

Ушанда, 1985 йилда ёдгорликларни сақлаш жамиятининг Тошкент област совети хузурда «Прометей» қидирув группаси иш бошлади. Ҳалок бўлганлар рўйхати кўпайтирилиб, областнинг район ва шаҳарларига тарқатилди, газета саҳифаларида берилди, радиодан ўқилди. Ва яна матбуот орқали мурожаат қилинди...

Март ойида Олмалиқдан Омон Маматов келди. Лекин бу ҳақда кейинроқ тилга оламиз.

...Улбўлсин опа йиғидан тўхтаб, бироз ўзига келгандан кейин у билан анчагача сўзбашлашиб ўтирдик. Қорачадан келган бу хаста аёлга боқиб, унинг кўп йиллик дардини, умид учқунини сақлашиб қолган қалб азобини ҳис этгандек бўлдим. «Мен шу ўтган йиллар мобайнида дадам сотқин бўлганларига ишонмагандим. Ойимлар ҳам ишонмагандилар. Худди шундай бўлиб чиқди. Демак, қалбим алдамабди. Энди ҳеч нарсадан қўрқмайман. Энди қўлимда

Қурбонов Муҳаммадберди Чернигов учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ёзилган мана бу газета бор».

— Улбўлсин опа, дадангизнинг қабрини зиёрат қилгани борган бўлармидингиз?

— Нима... наҳотки мумкин бўлса?

... Маҳмуд Раҳмонов албатта қайтиб келишига қатъий ишонган ҳолда фронтга жўнаб кетди. Учинчи фарзандига ҳомиладор умр йўлдоши Хосиятга ҳам: «Ўзингни ва қизчаларимни эҳтиёт қил. Мени кутинглар...» деб тайинлади.

Хосият ўғил кўрди. Эридан эса хат келмай қўйди. Эридан бирор хабар тополмай, нималарга дучор бўлганини билолмай Хосият ҳам вафот этди.

Пскент районидаги «Меҳнат байроғи» газетасида Черниговда ҳалок бўлган жангчилар рўйхати эълон қилинган, «Прометей» клубига Омон Маматов кириб келди. Унинг қанчалик ҳаяжонга тушгани ва бесаранжомлигини яширишга қанчалик уринганини мен ҳеч қачон унутмайман. Ҳеч қачон отасини кўрмаган фарзанд унинг қабрини топишни орзу қиларди.

Унинг орзуси амалга ошди. Маҳмуд Раҳмоновнинг фарзандлари қабрни зиёрат қилишди, отанинг хотирасига таъзим бажо келтиришди. Лекин хузуримизга умид билан келиб, қидирган одамлари шунчаки фамилиядош эканини билгач, хомуш тортиб чиқиб кетишларини кўриш ниҳоятда оғир эди...

1943 йилнинг сентябрида 77-гвардиячи ўқчи дивизия бошқа қўшинлар билан ҳамкорликда Черниговни босқинчилардан халос этди. Кейин Днепрни кечиб ўтди, Польшани озод этди. Германия территориясида жанг қилди, 1945 йилда иттифоқчилар билан Эльбада учрашди. Шу дивизияда жанг қилган 68 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Унинг сафида бизнинг юртдошлар Улбўлсиннинг отаси Муҳаммадберди Қурбонов, Омон Маматовнинг отаси Маҳмуд Раҳмонов, ярим аср ўтиб «Прометей»га келган бошқа ватандошларнинг оталари ва акалари жанг қилишган...

1986 йилнинг октябрида биз Киевга, у ердан Черниговга учдик. Вақт ҳар қандай ярани даволайди, дейишади. Йўқ, ҳар қандайини эмас.

Ҳамқишлоқ Худойберди Қурбонов билан Раим Пармонов битта қабристонга дафн этилган — бир



кунда урушга кетиб, битта дивизияда, битта полкда жанг қилишганди, иккаласи ҳам бир кунда қаҳрамонларча ҳалок бўлишди. Энди эса бу ерда уларнинг зиёрат қилиш учун келган фарзандлари учрашиб туришибди.

Қабр тупроғи нам, қора. Уртачирчиқлик Зиёвуддин Мусавев бир сиқим қора тупроқни олиб ўпади, кўзларига суртади. У ўзини туюлмайд ўкириб йиғлайди: ёлғиз акаси шу ерда. Редьковода дафн этилгани орадан қирқ тўрт йил ўтгандан кейин унга маълум бўлганди. Шундай кунга етиб келганига ҳозир ҳам ишонгиси келмайди...

Умр йўлдоши Мухаммадберди ҳақида хабар топиб, қариб қолган Ойзода ҳам вафот этди. Афтидан, мана шу йиллар мобайнида эрининг дарагини тополмай, бу ёруғ олам билан видолашолмай ётган экан. Қизи уни бор гапдан хабардор қилиб, дадасининг қабри қаерда эканини айтганда: «Албатта зиёрат қил. Мен энди туролмайман, лекин энди кўнглим хотиржам. Сен, албатта унинг қабрини зиёрат қилиб, менга бир сиқим тупроғидан олиб кел», деди. Улбўлин опа дадасининг қабридан тупроқ олиб келди-ю, лекин онасига уни тавоб этиш насиб қилмади...

Александровкадаги қардошлиқ қабристонига ўзбекистонлик 35 жангчи: Сирдарё областидан Боймирза Аҳмадқулов, Мамадали Камолов, Курта Рудайбердиев, Фарғонадан Иброҳим Алимов, Хоразмдан Карим Бобононов ва бошқалар дафн этилган. Уларнинг номларини, Чернигов тупроғида ҳалок бўлган юзлаб ҳамшаҳарларимизнинг номларини биз Владимир Денисович Драгунов тадбиркорлиги оқибатида билиб олдик.

Қўқонлик Акрам Ҳамдамов сиёсий ишлар бўйича командир ўринбосари бўлган 90-алоҳида ўқчи бригада Сталинград остоналарида жанг қилганди. Бу бригада ва ўзбекистонлик жангчилардан ташкил толган 94-бригада ажойиб мардлик намуналарини кўрсатди. Бу бригадаларнинг солдат ва офицерлари кўрсатган жасорат ҳақида фронт матбуоти ҳам ёзганди.

Акрам Ҳамдамовнинг ўғли Ғайрат отаси ҳақида деярли маълумотга эга эмас. У фақат 1943 йилнинг бошларида отаси бедарак йўқолганини билади, лекин қаерда ва қандай йўқолгани номаълум.

Ўзбек политруги дафн этилган қабри икки йилдан бери излаяпмиз.

Мамаев қўрғониди «Сталинград жанги қаҳрамонларига» ёдгорлик ансамблининг директори генерал Пекорский бизга хат йўллаб, нима қилишни, қаерга мурожаат этишни маслаҳат берибди. Энди хатларимиз Ростов областига йўлланади. Капитан Ҳамдамов, эндиликда аниқ маълум бўлишича, 90-бригада Жанубий-Ғарбий фронт составида Сталинград остоналарида эмас, балки бизнинг ажойиб ҳамшаҳарларимиз Елена Стемповская ҳалок бўлган Ростов области территориясида жанг олиб борган пайтда, яъни 1943 йилнинг 7 январиди душман ўқиға учраб жон берган экан.

Юсуфжон Узоқов Фарғонадан келибди, 82 ёшда, уйдагилари ёлғиз ўзини юборишдан чўчишибди, набирасини қўшиб юборишибди... «Прометей»да уч соатлик суҳбатдан кейин унинг бутун ҳаёти кўз ўнгимизда намоён бўлди. Жанг билан Берлингача етиб борган, унганча Руминия, Югославия, Австрияни озод қилишда қатнашган. Уйга қайтаётганда эса ҳужжатларини йўқотиб қўйган. Уша пайтда ҳужжатларини изламайди, бунга вақти ҳам бўлмапти. Меҳнатга шўнғиб кетган, фарзандларини вояга етказган. Аммо яқингинада бу кекса кишига ишончсизлик кўзи билан қараб ранжитишибди. Ҳарбий комиссариатга учрашибди, яна ва яна борибди, лекин нафи бўлмабди.

Қўқондан Анваржон Қосимов, Андижондан Алижон Сиддиқов, Бекобод, Чимкент, Тошкент области районларидан бир неча оила келибди. Деярли ҳар бири ҳарбий комиссариатдан ранжиган. У ерда буларга қулоқ соладиган, ёрдам берадиган одам топилмабди. Улар эса, одатда, ўзларига эмас, балки ҳалок бўлганларга эътибор беришни талаб қилишяпти-я!

Кўпинча ташриф буюрувчиларни ҳарбий комиссариатда шубҳа билан совуқ қарши олишади, эски ҳужжатларни қовлаштиришни хоҳлашмайди. Гоҳида ёрдам беришади-ю, аммо қўполлик қилишади.

Уруш тарихи ўзининг барча воқеа-ҳодисалари билан ҳар биримизнинг мулкимиз бўлмоғи даркор. Ҳозир бу тарихга бўлган интилиш кучли. Ешларга жонли алоқа, очиқчасига суҳбат керак. Бундай суҳбатларга уруш ветеранлари, воқеалар иштирокчиларидан кўра ким ҳам яхшироқ мос келарди? Менга кўпинча тендошларим даврасида бўлгандан кўра Вера Петровна Еганово-Чайковскаяни уйда бир неча соат ўтириб суҳбатлашишни маъқул кўраман. Бу аёл разведкачи-партизанликнинг ниҳоятда оғир йўлини босиб ўтган. Босиб олинган, вайрона ҳолга келтирилган Минскда қаҳрамонона иш олиб борган: варақалар тарқатган, совет ҳарбий асирларини қутқариб қолган, кўпурувчилик ишларини уюштиришда кўмаклашган, душманининг орқа томонида дадил амалга оширилган операцияларда қатнашган. Кейин гестапога тушиб қолган,

азоб-уқубатларни бошидан кечирган, лагерга ташланган. Бироқ ўз ғурурини ҳеч маҳал йўқотмаган, руҳини туширмаган.

Ҳозир у булар ҳақида жудаям соддалик билан ҳеч нимани яширмай гапириб беради. Вера Петровнанинг айнан ўзи мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб олишимда менга ёрдам берди: хотира қонун-қоидалари асосида тарбия топганларнинг қалбига на севишга, бировларнинг чеккан азобига раҳми келишга, ачинишга қодирдир.

Вайрона ҳолга келган ёдгорликлар, ўз ҳолига ташлаб қўйилган кекса ота-оналар, бўлғатилган қабрлар, куппа-кундуздаги одобсизлик ва сурбетликлар... Булар қаердан пайдо бўлди?..

Яқинда битта мактабда бўлдим. Синфларнинг бирида тарбия соати ўтказилаётган экан. Уқитувчи аёл икки баҳодир ҳақида сўз очиб, болаларни Зоя Космедемьянская ва Александр Матросовдек бўлиб етишишга даъват қилди. Дераза ортида, мактабда ҳаммининг кўз ўнгига эса урушда ҳалок бўлган ҳамқишлоқлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик кундан-кунга секин-аста бузилиб бормоқда эди.

Уқитувчининг сўзлари болалар қалбига етиб бормади, мен бунга аминман. Нега? Чунки, болалардан ҳеч бири дераза томон ўгирилмади, унутилган ёдгорликка нигоҳ ташламади. Агар мана шу тарбия дарси бошқача ўтказилганда-чи? Болалар ёдгорлик ёнига келган бўлишарди, теварак-атрофини сипириб-сидиришарди, сукут сақлаб туришарди, балки бирортасида ёдгорликни ремонт қилиш лозимлиги ҳақида фикр юзага келиб қоларди.

Украинада, Белоруссияда, Ленинградда, қидирув ишларининг савияси ниҳоят даражада юксак. Бизда-чи? Бухоро областида педагог Эркин Латипов раҳбарлик қилаётган ажойиб «Қидирув» клуби мавжуд. Бу клубнинг аъзолари ўн уч йилдан бери қидирув ишларини олиб боришяпти, бу давр мобайнида неча-неча оилаларга ёрдам беришди? Олмалик, Чирчиқ, Гулистон, Андижон, Фарғонадаги қизил изтопарлар отрядлари аъзолари ва раҳбарларини биламан. Булар ҳеч қандай қийинчилик олдида тўхтаб қолмайдиган ҳақиқий фидойилардир. Лекин бу группалар бир-бири билан ҳеч қандай алоқа қилмайди. Шу пайтгача республикамизда қидирув ишларининг ягона маркази ташкил этилмаган.

Ўзбекистон комсомол Марказий Комитети ходимларидан бирининг менга айтишига қараганда, ҳисобот ва справкалар бўйича республикамизда қидирув группалари жудаям кўп, деярли ҳар бир мактабда бор экан. Ҳақиқатда эса... Ҳа, бу хурматсизлик, шу масалада ҳам қўшиб ёзиш...

Ғалаба кунини сопиқ ветеранлар мангу машъала ёнида бошларини қуйи эгиб туришади. Ниҳоятда оз қорлишган! Аммо улар ҳаётининг ёнғини биз учун порлаб тураркан, ўтган уруш ҳақида китоблар ёзилиб туради. Уларнинг ҳаммаси бизни тарқ этишгач, бу китоб бошқача бўлади. Емонроқми? Билмадим, Емон бўлмадлиги мумкин — лекин бошқача бўлади. Балки унда энг муҳими — ўтаётган давр гувоҳларининг қимматбахо шоҳидлиги бўлмайди. Шундай бўлгач, ҳали улар ёнимизда экан, гапларини эштиб қолишга, уларга ғамхўрлик қилишга шошилиш! Ҳозирча ёнимизда экан.

### 3. ЭШМУРЗАЕВА



Украина қишлоғи — Редьководаги биродарлик қабристонига дафн этилган ўзбекистонлик жангчилар Маҳмуд Раҳмонов, Маматқул Ҳайдаровлар хотираси доимо ёдда...

А. ЛИВШИЦ фотолари.

Журналимизнинг 3-сониди «Билафонлар конкурси»нинг I тури эълон қилинган эди. Бугун II тур саволларини эълон қилаёпмиз. Жавоб жўнатишнинг охириги мuddати — 20 сентябрь.

БИЛАФОНЛАР

КОНКУРСИ



БИЛАФОНЛАР

КОНКУРСИ

II тур саволлари:

1. Юлий календарининг Григорий календаридан афзаллиги нимада? Мамлакатимизда Григорий календари қачон жорий этилган?
2. Дунёда энг кичик қушнинг катталиги қовоғаридек келади. Бу митти қушнинг номи нима?
3. Ленин Мавзолейи қайси архитектор лойиҳаси асосида қурилган? Уша архитектор Тошкентдаги бинолардан бирининг ҳам лойиҳасини тузган. Бу қайси бино?
4. Маълумки, 1987 йили АҚШдаги Хьюстон университетининг Поль Чу бошчилигидаги тадқиқотчилар группаси ўта ўтказувчанлик бўйича жаҳоншумул кашфиёт қилишди. Шу кашфиётнинг амалий аҳамияти нимада?
5. Ул на гумбаздур? Эшиги, туйнугидан йўқ нишон, Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур, макон. Туйнугин очиб, аларнинг ҳолидан олсам хабар: Юзларида парда тортуғлик турарлар бағри кон. Бу шеър қайси шоирнинг қаламига мансуб?
6. Сўнги 25-30 йил ичида Орол денгизининг суви кескин камайиб кетди. Бунинг сабабларини биласизми? Агар Орол қуригудек бўлса, оқибатини тасаввур қила оласизми?
7. Бир замонлар Россияда «картошка исёнлари» бўлганлигини биласизми? Бу исённинг моҳияти нимада?
8. Ўзбекистон комсомолининг I съезди қаерда ва қачон бўлган?
9. «Кенгуру» сўзи қандай маъно англатишини биласизми?
10. Дунёнинг «етти мўъжизаси»га қайси обидалар кирарди?
11. Бир замонлар ўзгалар ҳаётини сақлаш йўлида чинакам фидойилик кўрсатган олимлар бўлганлиги ҳақида эшитгансиз. Бултур совет олимларидан бири ана шундай фидойилик қилганлиги ҳақида матбуотда хабар берилди. Хўш, бу олим ким, у қандай касалликни ўзида синаган?
12. Жаҳонда биринчи металл коньки қаерда тайёрланган? Нега коньки дейилишини биласизми?
13. Калтакесак нима учун думини ташлаб қочади?
14. Оқ олимпиада деб юритиладиган Қишки олимпиада ўтказиш қачон расм бўлган?
15. Қуёш системаси, юлдузлар ва уларнинг системалари, туманликлар ва ҳоказоларнинг пайдо бўлиши ва тараққиётини қандай фан ўрганишини биласизми?
16. Босма китоб ихтироқиси ким, у ҳақда нима биласиз?

Ҳусниддин НУРМУҲАМЕДОВ тузган.

Ёш куч 9



Хурматли редакция! Ҳозирги авлод эски мактабларда уриб, сўкиб ўқитилганини билади. Булар ҳақида китобларда ўқиган, киноларда кўрган. Ана шу зўравонлик усули ҳозир ҳам давом этиб келаяпти, десак, бошқалар ишонишармикан! Бизнинг ҳунар-техника билим юртимизда шундай бўляпти. Ҳамма гуруҳларда аҳвол шу тарзда деб айта олмаемиз, албатта. Аммо бизда шундай. Ишлаб чиқариш мастеримизнинг қўли югурак, айниқса, қизларни ноҳақ дилига озор беради. Бунинг устига яна аёл киши... Номларини очик ёзишга қўлимиз бормади. Ахир бизга ҳунар ўргатадилар, устозимиз. Шу ишлари тўғрими?

Инсон қалби тошдан қаттиқ, гулдан нозик дейдилар. Айниқса аёл кишиники, масъума қизалоқларимизники-чи? Менимча, улар кўнгли нозиклигининг қиёсига сўз топиш анча амри-маҳол. Эндигина ўн беш-ўн олти баҳор эшигини тақиллатган қизлар қўлларига қалам олишга мажбур бўлишиптики, бежиз эмасдир. Ана шу ҳайрат, ана шу хавотирлик бизни мактуб муаллифлари билим ва ҳунар ўрганишаётган Наманган районидagi 26-қишлоқ ҳунар-техника билим юртига етаклаб келди.

Авалло, имзо эгаларини топиш осон кечмади. Шу тармоқ билим юртлари районда тўрт жойда бўлиб, на конвертда ва на муаллифлар адресида аниқ кўрсатилмаган. Қолаверса, тушуниб-тушунмайдиган имзо эгаларига таъна тошларини отишлари, масъум юракларга озор етказишлари мумкин эди.

Эл ичида эгри ўтирсанг ҳам тўғри сўзла деган гап юради. Очиғини айтганда, қаламга олинаётган ҳунар-техника таълими маскани кўп соҳаларда областдаги шу турдаги билим юртлари қаторида пешқадамлардан саналади. 695 талабадан 280 нафари қизларни ташкил этади. Ҳозир қизларнинг ўзи 7 хил касб-ҳунарни ўрганишяпти. Бизни қизиқтирган 77-группа ўқувчилари пойафзалчилик ҳунарини ўрганишаётган экан.

— 77-группами? — қатор журналларни титкилаб ўзимиз ахтарган исм-фамилияларни учратганимиздан кейин чеҳралари ёришди билим юртидагиларнинг. — Илғор коллектив. Доим тўлиқ давоматда юришади. Конкурслару турли мусобақаларда ғолиб.

1987 йил 13 октябрдан пахтага бордик. Байрам арафасида икки дугонамиз уйини соғиниб сўроқсиз кетишди. Қайтганида мастеримиз урдилар. Бизга қараб: «Нима учун бу қочоқларга индамаяпсизлар. Сизлар ота-оналаринг олдида байрам кутгиларингиз келмайдими ёки етимчамисизлар» дедилар ва ўзлари уйларига қараб кетдилар.

Халқимиз ўқитувчиларни «устоз» дея ардоқлайди. Инсон ҳар қанча камолотга етмасин, ўз муаллими олдида бош эгади, қўлини кўксига қўяди. Ахир зиё берган, катта ҳаёт йўлига етаклаган, биринчи бўлиб оқ-қорани танитган устоз ўқитувчиси олдида ўзини қарздор деб ҳис этмаган одам топилармикан дунёда. Ёшлар ўзларига сабоқ ўргатган шарафли касб эгаларини ота-оналаридан ҳам зиёда кўрадилар, айтганларини қонун ҳисоблайдилар. Бинобарин, ҳурмат-этиборнинг сунистеъмом қилинишига ҳеч қачон йўл қўймайлик. Оғиздан чиқадиган ҳар калима сўзни ўрнида ишлатайлик. Ҳолбуки, ишлаб чиқариш мастери қаттиққўллик қиламан деган ўйда бир оғиз айтган сўзи билан яқиндагина отаси вафот этган, етимлик жажжи бағрини беҳудуд ўртаётган қизалоқнинг шашқатор кўз ёшига сабаб бўлди.

Баъзи сабабларга кўра формани ўзгартириб бошқа форма қийиб келганимда мени гуруҳпани орқага тортяпсан, деб уришдилар. Шапалоқ билан кўпчилик ўртасида бетимга урдилар. Шундан кейин бошим айланиб йиқилиб тушдим.

Мусичадек беозор қиз оғиздан чиқаётган бу сўзларни ёки унинг мазмуни акс этган ушбу сатрларни қандай қилиб бефарқ эшитиш-ужимгина ўқиш мумкин! Қайси замонда яшаймиз ўзи! Фарзандларимиз тақдирини кимлар қўлига ишониб топшириб қўймоқдамиз. «Баъзи сабаблар» остида қанақа маъно ётишини билиб олиш учун унчалик катта донишмандлик талаб этилмайди. Ишлаб чиқариш мастери зиммасидаги масъулият, бурч ва ҳуқуқ ўқитувчиникидан кам эмас. Демак у ёлғиз ҳунар ўргатиш билангина кифояланиб қолмасдан таълим-тарбияси ишониб топширилган талабасининг шарт-шароити, ички дунёсидан беҳабар бўлмоғи лозим. Бир хил формани эрта-кеч ўн беш-йигирма кунлаб қиявериш мумкин эмаску! Балки Раънонинг уни иккита қилиб олиши учун онлавий шароити кўтармагандир.

...байроқ остида квартал бўйича гуруҳлараро ғолиб чиққан гуруҳпа мастерларига мукофот пули берилади. Олдинига олиб юрдилар... Мусобақа ғолиби бўлман деб шунчалик бировни қақшатиш шартмиди!

Группа қизлари билан суҳбатлашамиз, жавобларидан мастер опаларига нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат-этибор, фахрланиш туйғуларини топгимиз келади. Тўғри, сингилларимизнинг ҳиссиётга берилувчан даврни бошларидан кечираётганликларини ҳам тушунамиз. Талабчанлик, қаттиққўллик ҳаммага ҳам ёқавермайди. Барибир, фактлар фактликча қолади.

...ўқувчининг ўқиши билан қизиқ-

майдилар. Нима қилиб бўлса ҳам ўч (буйруғини бажармаганлиги, гап қайтарганлиги учун бўлса керак) олсалар бас. Бир сафар дугонам икковимизни қизлар учун мос келмайдиган ишга қўйдилар. Мен бундан қаттиқ ранжидим.

Мактуб билан танишарканмиз, яна ўқитувчи маданияти ҳақида фикр юритгимиз келади. Атоқли педагоглар Луначарский ва Ушинскийларнинг халқ ўқитувчиларига берган юксак баҳолари вужудингизни ғурурга тўлдирди. Улар кийинишлари, ахлоқ-одоблари, хушмуомалалари билан эл-юрт эъзозига сазовордирлар. Қанийди, шундай бўлса!

«Гадарингга лаънат», «ҳайвон». Бу сўзлар мастер опамиз учун одатий ҳол. Наҳотки, ота-онамиз бизларни боқиб, ўстириб хизматлари учун шунақа мукофот олишса. Баъзилар сўкишни эшитгандан кейин уйга бориб айтишади, баъзилари ўқитувчи аялар ҳам шунақа кўпол бўлишадими, деб кулишмасин, деган хаёлга боришиб, индашмайди ёки уйдагилар ўқишга қайтариб жўнатмасдан қўяди, деб кўрқишади. Ҳатто, бир сафар битта дугонамиз тоби қочиб машғулотга келмади, суриштириганида сабабини айтсак, «ўлса таъзиясини эшитмасдан қолмайин» дедилар.

Шундай жавобдан сўнг талабада муҳтарам муаллимасига нисбатан қанақа ҳурмат-эҳтиром қолади? Тагин қай тахлитда китобларда ёзилганидек, бошига сават қилиб ардоқлаб кўтаргиси келади. Кўпчилик ўқувчиларни қатор ажойиб фазилат ва ахлоқ-одобни ўқитувчисида ўрганган дея алқашади. 77-группадагилар мастер опаларидан маданият, ахлоқ-одоб ўрнига дилозорлик ва кўполликни ўзлаштиришадими?

Ҳали ҳаёт олдинда, вақтлар, ойлар, йиллар ўтар, бир ўғил, бир қизлари бизнинг ёшга етар. Улар ҳам ўқишга боришганда ўқитувчилар шунақа уриб, чўкиб туришса, жонлари ачирмикин! Бизнинг ота-онамиз ҳам мастеримиз сингари фарзандларини қийналиб боқишган. Шунини ўйлаб кўришларини жуда-жуда истардик.

Ўқувчи қизларимиз мактубида кўп нарсалар ёзилган, бир талай мисоллар тилга олинган эди. Биз барчасини бирма-бир келтиришни, қоғозга туширишни ва тахлил этишни лозим топмадик. Зероки, бунинг ҳожати ҳам йўқдир. Кишини ўйлантирадиган томони шундаки, одамнинг гоҳ кулгисини қистайдиган, гоҳ ранжитадиган, ўйга толдирадиган бу машмашалар билим юрти дирекцияси, партия ва комсомол ташкилоти, қизлар совети кўз ўнгида юз бермоқда. Қўш, улар нега жим, нима учун қизлар ҳатто республика журналига мурожаат қилишгача бориб етишди. Ишлаб чиқариш мастери талаб-

чанлик билан кўполликни аралаштириб юбормаяптимики?

Суҳбатлашганимизда билим юрти раҳбарлари бу тўғрида нима дейишади:

**Муҳаммадали ТУРАЕВ** — билим юрти директори:

— Мастеримиз педагог эмас, болалар психологиясини билмайди. Лекин аҳвол шунчаликча етиб борганини эшитмаган эканмиз.

**Раънохон ҲАЙДАРОВА** — тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари:

— Урта махсус маълумотга эга холос. Аммо қаттиққўл, ўз ишини билади. Айби педагогикадан беҳабарлигида.

**Юнусали ДАРВИШЕВ** — ўқув ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари:

— Талабчан, давоматни яхши сақлайди.

Ишлаб чиқариш мастерига тамоман қора чапламоқчи, ўқувсиз, вазифасини удалай олмайди, деган баҳо бермоқчи эмасмиз. Бундай хулосадан йироқмиз. Унинг ташкилотчилигини, серғайратлигини ҳам айтишди. Давоматни яхши сақлаш учун қаттиққўллик қилаётганини, бу ёмон эмаслигини, ҳатто, биз билим юртига келган кунни ҳам проғулчи йўқ эканлигини таъкидлашди. Группа «Касбим — фахрим» кўрик-конкурсида актив иштирок этибди. Рус тили бўйича мусобақада юқори натижаларга эришибди.

Лекин... Лекин бир қарашда муҳим туюлган ана шу кўрсаткичлар соясида бош масала — ўқувчилар қалбига қулоқ тутиш, инсонийлик илмини ўргатиш қолиб кетмаяптимики?

Олдинига арзимас кўринган хатоликлар кўпол нуқсонларга замин ҳозирлайди. Бир маҳал, пахта йғим-теримида йўл қўйган хато талабаларни ранжитган, қизлар бу ҳақда директорга расмий равишда хабар қилишган ва охири оқибатда мастери оғоҳлантириш билан яқунланган эди. Нега ўшандаёқ раҳбарлар ҳушёр тортишмади, камчиликни қайтармаслик чорасини кўришмади? Қизлар Советининг мунозарасида ҳам ишлаб чиқариш мастерининг қуюшқондан ташқари кўполлиги юзасидан хат тушганида осонгина хаспўшлаб кетишди. Чамаси, худди шу касалликка — бепарволикка қарши курашни кучайтирмақ зарурга ўхшайди. Жамики инсон, айниқса, катта ҳаёт остонасида турган ёшлар қалби меҳрга муҳтож бўлади, ҳеч қачон унга дарз туширмайлик. Токи, улар биздан касб-ҳунар билан бир қаторда одамийликни, меҳр-оқибатни ҳам ўрганиб кетишсин!

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**  
**СССР Ёзувчилар**  
**Союзининг аъзоси.**

# УСТОЗНИНГ МЕХРИ ВА КАХРИ



# ХАВОТТИР

Ул ҳушида ўхшаб қарахга  
Тушларида яшайди ногинч.

Тилак ЖУРА

Ҳикоя



Нортўхта ҚИЛИЧЕВ

...қизил, катта, лекин нимдошгина кўрна остида — ўзи, ёнида... хотини — қулала бўлиб ётибди. Атрофда тишлари иршайган, йўлбарсифат итлар. Улар кўн эмас, уч-тўртта. Аммо, бир ҳамлада кекирдикни узгудек, гайирлик билан дам-бадам хуришмоқда... Камарига тўппонча таққан беш-тўрт немис офицери бир-бирига ғолибона қараб, мамнун хаҳолаб қулади... Ун беш қадамча наридаги жарлик бўйида йўл-йўл матодан юнун кўйлак-иштон кийган, маймунбашара, абгору афтодаҳол маҳбуслар. Улар тош ташишайпти!..

Эспирай, ухляптимми ёки кино кўраятимми?! Уйқуга ётишдан аввал кино томоша қилгани йўқ эди-ку... Қизик, нега нимдошгина кўрпа тушига кирдийкан?..

Даврон кўзларини очмай, оппоқ жилд кийдирилган баҳмал кўрпани пайпаслади. Кейин, яна хаёли чалғиди.

...тишлари иршайган итлар... тўппонча таққан немис сипоҳилари... абгору афтодаҳол маҳбуслар... жарлик... — тавба! Булар ниманинг аломати экан-а? Ақлдан озаяптими-ё!.. Худо сақласин-ё!.. Ухлаш керак. Ухлаш... тошдай қотиб ухлаш керак.

Даврон асабий ўгирилиб ётди. Салдан сўнг, назарида, қаттиқ ухлаб қолгандек ҳис этди ўзини. Аммо, на ухлогу на уйғоқ бир ҳолатда эди.

...самолёт намунача қалтираятми — қалин булутлар қатламга кириб қолди шекилли... Ажаб, Аминжон Файзиевич мутлақо ичмайдиган бўпти. Яхши. Лекин... ўзи ҳам ичмаслиги керак эди, мана энди кўнгли айниятми. Самолётда қайт қилворса!.. Ий-э, самолёт қачон қўйди?! Жудаям таниш-кў бу такси бекати. Демак, манзилга омон-эсон етиб келибди. Энди гандиракламай юриш керак!..

— Қалла пишдимми, хўжайин! — деб, хотини устидан кўрпани тортди. — Туринг. Ишга кеч қоласиз.

Даврон ухлаган-ухламаганлигини билолмай, кўнглида алланечук бир ғашлик билан, хушлар-хушламас кўзини очди: хотини аллақачон пардоз-андозга ҳам улгурибди... Дераза ортида осмон бўзариб кўринар, ҳовлидаги теракнинг қонталаш барглари бетиним титраб, кузак шамолида маҳзун шовулламоқда эди.

— Менга қара, кеча... Бухородан қачон учиб келдим?

Илкис хотини анграйиб тикилди, сўнг чимири-либ:

— Эсингиз жойидами ўзи! — деди.

Даврон пешонаси тиришган кўйи, каравотда оёқларини осилтириб:

— Беҳазил сўраялман, — деди.

— Бошимни қотирманг, — деди хотини. — Ишга эртaroқ кетишим керак. Кеча етти минут кечиканман. Бугун яна кечиксам... Марказдан комиссия келганмиш, балога қолмайин тагин.

— Болалар мактабга кетишдимми?

— Аллақачон! — деди хотини. — Хаёл суриб ўтираверманг, ишингизга кечикасиз. Марказдан келган комиссия балки сизларнинг идорани ҳам текширар.

Даврон, миясида бамисоли туман, қуюқ туман орасида гўё ўзи саргардон кезаётгандек туюлаётганлигини ўйлаб, ўрнидан турди. Бир муддат дераза ёнида серрайиб, ташқарига хаёлчан тикилганча, тек қотди: демак?.. Нега бунақа бўлаятми-а? Тавба, мутлақо ухламаганга ўхшайди-я!.. Хотини тўшакни йиғиштираётми:

— Боринг, тезроқ ювиниб чиқинг, — деди. — Машинангизда мениям олиб кетарсиз.

Даврон хўмрайиброқ хотинига қараб қўйди. Кейин, хомуш юриб, ҳаммомчага ўтди. Соқолини ҳўллаётми, қаншарида зигирдек жароҳатни кўрди. Беҳтиёр таажжубланаркан, хаёлида гаройиб бир манзара аниқ-тиниқ намоён бўла бошлади: такси бекати. Йўловчилар қатор тизилишиб, навбатда туришибди. Бўш таксилар елиб келиб, зумда йўловчилар билан тўлгач, яна елиб кетаяпти... Ҳаммаёқ ёп-ёруғ... Самолётларнинг дам-бадам гуруллаб қўниб, гуруллаб кўтарилаётган товуши баралла эшитилмоқда...

Даврон ғамгин бир ўйчанлик билан соқолини киртишлаб оларкан, тобора хаёлида равшан гавдаланаётган ажабтовур манзаралардан мутаасирланибми, бирдан кўзлари каттариб кетди: ана, ўзи қўлтиғига сумкасини қисиб, хиёл гандираклаганча, таксига яқинлашайпти. Негадир таксичи ҳадикли бир нигоҳ ташлаб, саросар таксини юргизди. Ва, ўн қадамлар нарида шартта бошқа йўловчиларни миндириб, елдириб кетди. Орадан ҳаял-замон ўтмай, орқадан яна бир такси келиб тўхтади. Ана, тагин сал чайқалиб, таксига яқинлаша бошлади. Аммо, йўл варақасига ниманидир қайд қилдириш учун бекат чеккасидаги ойнаванд уйча томон бораётган мўйловли таксичи кескин ўгирилиб, овора бўлманг, барибир сизни олиб кетмайман, деди. Даврон базўр тили гапга айланиб, нима учун мени олиб кетмайсиз, деди. Таксичи қўл силтаб, ахир мастсиз-ку, ока, деди, тезроқ бурнингиз устидаги қонни артинг, мелиса келаяпти...

Даврон қаншаридаги зигирдеккина жароҳатни охишта сийпаларкан, лабларини ўйчан чўччайтирди: ажаб, қачон бундай бўптикан? Рўмолчани кўриш керак. Агар рўмолчада қон юқи бўлса!..

Шу пайтда хотини сумкачасини қўлида осилтирганча, эшик рўпарасида тўхтаб:

— Сут қайнатиб қўйганман, — деди. — Сизни кутадиган бўлсам, кечикиб қоламан шекилли. Трамвайда бир амаллаб етиб оларман.

Даврон индамай бош ирғади: тўғри қиласан.

— Ишдан қайтаётганингизда бозорга кириб, болаларга мева-чева олинг, — деди хотини. — Беш-олти кило сабзи-пиёз ҳам!..

Даврон устарага илашган совун кўпигини хаёлчанлик билан сийирмоқда эди, тагин хотинига лом-мим демади, лекин негадир кўксидан бир хўрсиниқ тошиб чиқди: уф-ф!..

Ҳаво салқин. Тобора кўкда кулранг булутлар қуюқлашайпти. Димоққа намхуш ёмғир ҳиди урилади. Ерда эса қонталаш баргиҳазонлар бетиним-беқўним тўзғимоқда.

Даврон тор кўча муқолишида машинани катта йўлга бураётми, соатига кўз қирини ташлади: йиғирма бешта кам тўққиз. Бемалол ишга улгуриши мумкин. Аммо, ҳадемай нимадир... муқаррар нохуш нимадир рўй берадигандек, кўнгли ғаш эди. Кўнгли ғашлигини алоқ-чалоқ тушлар кўрганига йўяйин деса, руҳиятидаги англаширсиз бу шўриш фақат бугун эмас, аллақачонлардан бери давом этиб келаяпти. Кейин, ҳуши билан туши қоришиб-чатишиб кетгандек. Чунончи, боя хотини чимирилиб, эсингиз жойидами ўзи, деганидан сўнг, ҳарчанд яқин орада чиндан ҳам Бухорога бормаганлигига ўзини ишонтиришга уринаётган бўлса-да, мавжуд далиллар — қаншаридаги зигирдек жароҳат, рўмолчадаги қон юқи, ажабтовур манзараларнинг узвийлиги ҳамда мантиқийлиги барча ишончини чиппақка чиқариб, куни кеча Бухородан қайтганлигини тасдиқламоқда. Ваҳолаки, шу пайтга қадар Арқда бўлганлигини умуман эслаёлмайди... Бироқ, пурвиқор амирлик саройидаги муҳташам бинолар бир-бир кўз ўнгидан ўтиб изоҳотчи малла йигитнинг пойинтар-сойинтар таъриф-тавсифи қулоқлари остида минғирлаб эшитилаётгандек туюлапти.

...ана, улғўвор Арқдаги ёзлик қабулхона!.. Кунчиқар тарафда баланд кўнлик. Ислами гуллар ўйиб ишланган кўшк энди нурай бошлаган. Унг томонда зарбхона... Пойгак бетда одам бўйи кўтарилган мрамор девор. Деворнинг икки ёнига иккита шер ҳайкали ўрнатилган.

— Бу улкан ёзлик қабулхонага узунлиги юз йиғирма, эни саксон газ, оғирлиги қарийб бир ярим тонна келадиган қимматбаҳо гилам тўшалган.

Даврон беҳтиёр ҳайратланиб:

— Кечирасиз, — деди, изоҳотчи йигитнинг сўзини бўлиб. — Қанча деб айтдингиз?

— Салкам бир ярим тонна, — деди йигит, аллатовур бепарволик билан изоҳ беришда давом этиб. — Деразаларининг занглаган темир панжалари кўриниб турган манави ерости хужраларда тилла тангалар зарб қилинган. Амир Олимхон анави кўрки равонда ўтириб, бу ерда элчиларни, хориждан келган меҳмонларни қабул қилган. Баъзан турли солиқларни ўз вақтида тўлаёлмаган камбағал деҳқонларни ваҳшийларча қатл қилдирган.

Даврон беҳтиёр дилғашланиб, киноя билан:

— Нега, вақти чоғлик қилиш учунми? — деди.

Аминжон Файзиевич эса аччиқ кулимсираб:

— Оғирлиги салкам бир ярим тонна келадиган ахлит гилам устида-я? — деди. — Ўйлаб гапираяпсизми, биродар?

Изоҳотчи йигит меровсирагандек қараб, эса қашиб қўйди. Кейин, қизғинтир мрамардан ишланган маҳобатли шерлар ҳайкаliga ишора қилган кўйи:

— Буларнинг қачон, қаердан, қандай келтирилганлиги ҳақида бизда маълумот йўқ, — деди, эшик томон йўл бошлаб. — Юринглар, энди музейимизнинг Тарих бўлимига ўтамиз.

Даврон негадир тажанглашаётган эди, бўйнидан боғланган каби йигитнинг изидан почор эргашди. Бир пайт Аминжон Файзиевич йигитни тўхта-тиб:

— Кечирасиз, биродар, — деди. — Оғирлиги қарийб бир ярим тонналик гилам ҳозир қаёққа элтиб қўйилганлигини бизга айтолмайсизми?

Йигит алланечук кўзларини жавдиратиб:



— Билмайман... мен билмайман,— деди.

Бирдан Аминжон Файзиёвич хаҳолаб кулиб борди:

— Ҳо-о, ана, билмасмиш-а!..

Даврон алланимадан мутаасирланганча, хаёлчан кулимсираб, тезликни ошираркан, ҳамон хайрону лол эди: ёпирай, бу не ҳол?! Хаёлида,— хаёлидами ёки хотирадамикан?... — нурланаётган манзаралар бу қадар равшан, бу қадар аниқ-тинг-эй! Бирор сафар чоғи Бухорода бўлганида амирлик Аркини ҳайрату ҳаяжон ичра сайр қилган-у, кейин беқарор ўйлайвергач, мана энди ўша хотиралар янги куч, янги қувват билан нурланаётганимикан? Ёки, қачон бўлса ҳам, амирлик Аркида бир ўйчан кезишни орзиқиб кўнглидан кечириб юргани учун шундай бўлаётганимикан-а?... Йўқ, ундай деса, бу ажабтовур синоатга Аминжон Файзиёвич билан анави изоҳотчи йигит ҳам аралашаяпти-ку! Кейин, шуурида бутун шуқуҳи, бутун жозибаси билан яшин янглиғ чакнаётган ҳар бир кўриниш, ҳар бир... сўз эса тобора юрагига титроқ солаяпти... Мана, тагин...

...туш пайти бўлгани боис Тарих бўлими ҳам, Заргарлик санъати бўлими ҳам ёниқ экан. Малла йигит ҳадемай тушлик тугашини айтиб, ёзлик Қабулхона рўнарасидаги эшик томон юрди.

Энчис йўлакдан ўтиб, кенг-мўл майдонликка чиқдилар.

Тақир майдонлик адоғи Аркининг шинаксимон, баланд, гиштин деворига туташган. Девордан нарида эса барглари заъфарон дарахтлар ловулаётган алангадек чайқалиб кўринади.

Даврон шу тобда машинасини елдириб бораётгандек эмас, ўзини худди Аркада хаёлчан кезиб юргандек ҳис этмоқда эди, беихтиёр энтикиб, гудраниб кўйди.

— ...бу ялангликда сайсхона бўлган,— деди изоҳотчи йигит, майдонликни кўрсатиб. Бунда амир Олимхоннинг сараланган Ғиркўк, Қорабайир отлари сақланган. Отларнинг ахлатию сийдиги махусе ташов орқали обхона ҳамда регхонада ётган бандилар устига оқиб тушаверган... Обхона билан регхонани боя пастда кўрган эдик.

Тагин бирдан пешонаси тиришиб, Аминжон Файзиёвич:

— Ахир, обхона билан регхона дарвоза йўлагини бўйида-ку?!— деди.

Изоҳотчи йигит паришон бош ирғаб:

— Тўғри, йўлак бўйида,— деди.

Даврон изоҳотчи йигитнинг кўзларига тик қараб:

— Фаросатсиз амир ўзи кириб чиқадиган йўлак бўйини ахлатхона қилиб қўйган экан-да, а?!— деди кесатиб.

Изоҳотчи дув қизариб, бир муддат каловланиб қолди. Хиёлдан сўнг, иштиёқсиз оҳангда:

— Шоҳидларнинг гувоҳлик беришларича, бандилар қишини-ёзини бит билан канага таланиб ётаверганлар,— деди, аянчли кулимсираб. — Ўша замоннинг каналари, ҳатто битлари ҳам бир сантиметрдан каттароқ бўлган экан.

— У замоннинг ярамас каналари қон сўрган-да!..— деди Аминжон Файзиёвич кулиб, сўнг хафаҳол тўнгилаб:

— Чет эллик сайёҳларга ҳам шундай деб тушунтирасизларми?— деди.

Йигит индамай бош ирғади: ҳа, шундай.

— Ахир... биродар, сиз бу ёлгон-яшигиниз билан чет эллик сайёҳлар олдида фақат кўхна Бухорони эмас, бугунги бухороликларни ҳам шарманда қилаясиз-ку!

— Бизга шундай ўргатишган-да!..

— Э, тавба!— деди Даврон, галати бош чайқаб. — Узингизнинг каллангиз йўқми ахир?

Изоҳотчи йигит бирдан қўл силтаб, бетоқат жириллади:

— Нега бунча менга тиргалаясизлар? Боринг, арзингизни каттаконларимизга айтинг!

Даврон маънодор қош қоқиб:

— Ҳар қанча боққан билан чумчуқ ботмонча бўлмаслигини биласизми?— деди.

— Билмайман!— деди малла йигит чимирилиб.

— Боринг, сизга жавоб,— деди Даврон. — Бизга экскурсовод керак эмас.

Йигит шарт ўгирилиб, шитоб девор панасига ўтди-ю, рўёдек кўздан гойиб бўлди.

Хиёл жимликдан сўнг, Даврон нимагадир таажжублангандек:

— Менга қаранг, Аминжон Файзиёвич, сиз билан бизга экскурсоводнинг нима кераги бор эди ўзи?— деди.

Аминжон Файзиёвич тагин надоматли кулимсираб:

— Биз учун кечаги амирлик Аркиям бугун бамисоли бир чакалакзор-да!— деди.

Даврон ночор бош ирғаб:

— Бу бетамизларнинг тутуруқсиз, бетайин бўҳтонларидан Малика Мансуровнани албатта харбардор қилиб қўйиш керак,— деди.

— Ув-в, биродар, қизиқ экансиз-ку!— ... Аминжон Файзиёвич бир зум жим қолиб, оташин уф тортди. — Нима, сиз бундан Она беҳабар деб ўйлаясизми?

Даврон яланглик ўртасида тўхтади, ортига ўгирилиб, кузак шамолида беором чайқалиб тўлғанаётган гулханранг дарахтларга... кўкка муштдек ўқталган минораи Калонга ўйчан термилди: минора гумбазидаги улкан лайлак уяси ҳувиллаб ётарди.

— Аминжон Файзиёвич, лайлак кўринмайди-ку?!

— Э, сўраманг, икки-уч йилдан бери лайлаклар келмай қўйган!..

Таажжуб, айна чоғда ҳам Аминжон Файзиёвичнинг қандайдир аламзадалиқ билан айтган гаплари Давроннинг қулоқлари остида аксу садодек эшитилмоқда эди: бечора лайлаклар шахримизни сағир қилиб кетди, биродар!..

Даврон хазин энтикиб, лабларини қимтиди: қизиқ, нима учун лайлаклар келмаётган экан-а?



\* \* \*

Катта чорраҳада Даврон негадир рулни чапга бурди. Вурди-ю, беихтиёр ажабланди: ахир, ўннга буриши керак эди-ку?! Ишхона бу ёқда эмас...

У, биринчи мулоқидаёқ ортига қайтишни ўйлади, лекин ўша заҳоти бу фикридан воз кечди: майли, савқи табиийсига эргашиб бораверсин-чи. Қани, қаергача элтаркин.

Даврон тобора кўнгли ғашлиги кучаяётганлигини сезди, демак, тушида кўрганлари — туш эмас. Демак, Бухорога борганки, ниманингдир таҳликасида йўлни бу томонга бурди. Ахир, шу тобда йўлни, ихтиёрими-беихтиёрими — барибир, бу ёққа буриши бежиз эмасдир.

Қўқис Даврон хотинининг ваҳимали гап-сўзларини эслади: Марказдан келган комиссия вакиллари шаҳардаги ҳамма ишхоналарни текшириб юрганмиш!..

Текширса текширар, деб ўйлади у: бугун ишга кечиккани учун бирор узрли баҳона тўқиб, қутулиб кетар. Аммо, изидан ишхонага милициянинг анавинақа қозоги борса, бошига Бердикулнинг куни тушиши мумкин. Унинг орқасидан ишхонага хат борганида, бечоранинг ишдан урилиб кетиши сал қолди: эллик сўм жарима тўлади; мукофотдан маҳрум бўлди; қора тахтага суратини осиб қўйишди, хуллас — базўр қутулди.

Даврон, кашандалик хумори тутиб, сигарет тутатаркан, бирдан кўзларига қоронғи бир ҳужрача... темир каравот кўрингандек бўлди: ҳозир боргандан кейин, албатта у ердаги каравот остини кўриш керак! Кўнглининг бу қадар ғаш тораётгани бежиз эмас экан. Вухорога борганим рост, аэропорт ёнидаги такси бекатида милиционернинг қўлига тушганим рост!..

Яна хаёлида равшан гавдаланаётган манзара

сумкасини қўлтиғига қисиб олган ўзини ҳамда бамайлихотир яқинлашиб келаётган новча, қоранранг бир милиционер йигитни кўриб, Даврон энгилгина сесканди.

...ана, қоранранг йигит маънодор қош қоқиб, аттангамо бош чайқади:

— Нима бўлди?

— С-салом,— деди Даврон.

— Ичбисиз-ку, таксир,— деди йигит. — Ким билан муштлашингиз?

— Ҳеч ким билан.

— Хурмачангизга сиққанча ичсангиз бўлмасмиди?

— Ҳақорат қилманг-да, ака!

— Ҳақорат!— деди милиционер йигит, сўнг таксига навбатда турган йўловчилар томон ўгирилиб, ўқтам овозда сўради. — Қайси биринги хафа қилди бу... зўравон?

Дўппи кийган навқирон йигит:

— У киши ҳеч кимни хафа қилганлари йўқ, ака,— деди. — Иложи бўлса, бирор таксида уйларига жўнатиб йиборинг, ака?

— Што сиз?!— деди бир аёл, дўппи кийган йигитга олайиб. — Шўтта справидливос йўқ. Бутун мамлакат ароқхўрликка қарши курашотти. Ичинтими — жазосини тортсин!

— Ҳай-ҳай, синглим!— деди бўйнига ёқабоғич таққан бир киши, илкис аёлга юзланиб. — Яхши эмас. У йигит ичган бўлса ичгандир, лекин тартиб-бузарлик қилгани йўқ-ку?!

Милиционер йигит одамларнинг гап-сўзларига парво қилмай, қош қоқиб:

— Юринг бу ёққа,— деди Давронга. — Сиз билан гаплашиб қўйишимиз керак.

Ногоҳ Даврон ҳазрат Навоийнинг бир сатрини эслади: чорасизга чорасизлик чорадир... Ва, саркашлик қилса, шармандаи шармисор бўлажаги муқаррарлигини англаб, мунглуғ бир алфозда йигитнинг ортидан эргашди.

Бекатдан кенг йўлгага ўтиб, тўғрига юрдилар. Атроф-теварак ола-чалпоқ ойдин эди. Йўлка бўйидаги қорайиб кўринаётган хиёбонда эса дарахтлар охиста, алланечук ҳасратли шовуллайдилар. Ингирма қадамларча олдиндаги очиқ эшикдан ташқарига сарғиш нур тушиб, биқинига кўкмитир бўёқда қўшув аломати чизиб қўйилган темир уйлик бир машинани хира ёритиб турарди.

Бир маҳал, хиёбонда бирдан уч-тўрт қарга потирлаганча қағиллаб, ҳавога кўтарилди.

Даврон хийла беҳуд бўлса ҳам, осмонга синчков назар ташлади: осмон қоронғи, юлдузсиз эди. Милиционер йигит очиқ эшик ёнида тўхтаб, эринчоклик билан:

— Кир,— деди сенсираб.

Даврон, гўё ҳаммаси тушда рўй бераётгандек, мутеларча индамай, паға-паға тамаки тутуни кезаётган чоғроқ хонага кирди.

Хонада уч норгул йигит хандон-хушон гурунглашиб ўтирарди.

Йигитларнинг ёши каттароғи, пакана бўйлиси чаққон ўрнидан туриб:

— Давай, хужжатларингизни чиқаринг, сумкангизни кўрсатинг!— деди, Давроннинг саломига алик олмай. — Нега бунча анграясиз, сумкангизни стол устига қўйинг!.. Нормат, давай, сен тезроқ бу «меҳмон»ни рўйхатдан ўтказ. Биз жўнашимиз керак. Машина шу билан тўлиб қолади. Ҳали биз яна бир ходка қилмоқчимиз. Давай, тез-тез қимирланглар!..

Нормат аталмиш қоқчакак, кўзлари бўртиқ йигит, сигаретни кулдонга эзгилаб ўчиракан, Давронга хўмрайиб қараб:

— Паспортни чўзинг!— деди. — Чўнтагингизда пичоқ-мичоғингиз йўқми?

Даврон қўйнидан паспортни чиқараркан:

— Э, менда пичоқ нима қилсин!— деди. — Раҳмларингиз келсин, акалар?..

— Раҳмдиллик учун нон бермайдилар-да, ака,— деди Нормат, паспортни кўздан кечираётиб. — Бизниям ўзимизга яраша планимиз бор... Эй, Миродил, бунинг чўнтақларини қарасанг-чи!

Оёқларини узатган кўйи, ҳамон курсида ялшайиб ўтирган, қўқоқ қошлари қайрилма йигит, элан-қаран ўрнидан туриб, Даврон томон яқинлашаркан, совуққина илжайганча:

— Қани-и, энди сумкангизни бундоқ очинг-чи?.. Ким сизга пичоқ урди?

— Ҳеч ким билан пичоқлашганим йўғ-э!— деди Даврон тагин негадир мутеёна кулимсираб. — Жуда ҳазилкаш экансиз.

— Ахир, бурнингизнинг усти гўшткунда бўпти-ку, ака?!

Даврон аста бурнини сийпалаб, бармоқларида қотган қон юқини кўрди, кейин хаёлчан елка учуриб:



— Эҳтимол, билиб-билмай, ўзим тирнаворган бўлсам керак,— деди, сўнг рўмолчасини тупуклаб, қаншарини артди...

Даврон эрталаб ювиниб бўлгач, рўмолчасининг бир четида кизғишланиб турган қон юқини кўриб, ногоҳ тешиксиз-туйнуксиз, қоп-қоронги бир ғорга тушиб қолгандек, бутунлай гангиган эди. Мана, ҳамон ўша алфозда поёнсиз ғор оғзини тенгириб қидираётган каби, қаёққадир — қаёққалигини ўзи ҳам билмай,— бесар кетиб борапти. Назарида эса,— машинадан уч-тўрт қадам олдинда гўё ўзи ҳаллослаб-ҳансираб югуриб бораётгандек,— ўзини ўзи қувлаб туюлмаётгандек эди.

— ...Энди менга рухсат беринглар, илтимос, уйимга кетай, акалар?

— Нима-а?!— деди Нормат ўкрайиб. — Шопилманг, борасиз.

— Ахир уйда болаларим кутяпти.

— Ҳечқиси йўқ «меҳмонхона»мизда бир кеча тунаб кетасиз.

Даврон беихтиёр бир қадам орқага тисарилиб: — Қўйинг-э!— деди. — Ичган бўлсам... озгина ичгандирман. Ҳеч ким билан уришганим йўқ, кўчада юмалаб ётганим йўқ.

— Аҳён-аҳёнда ичиб кўядиганларни пойлаб ўтирибмиз бу ерда, ака. Кўчада юмалаб ётадиганлар бизга керак эмас,— деди Нормат. — Эртага келинойимиз бошлаб таъзирингизни беради. Уч-тўрт кун орасида ишхонангизга биздан хат борганидан сўнг, ҳамкасабаларингиз олдида ялиниб-ёлвориб тавба-тазарру қиласиз. Хуллас...

Бирдан Давроннинг лаблари асабий пирираб, кўзлари каттариб, тили айланмади.

— Нормат, давай, ваъзхонликни бас қил, ошна!— дея пакана йигит устма-уст сигарет сўриб, ташқарига чертнаб юборди. — Биз жўнашимиз керак. Миродил, давай, машинанинг эшигини оч!

Даврон негадир яшн ургандек серрайиб турарди. Нормат шитоб ўрнидан туриб:

— Олиб чиқинглар!— деди шерикларига. Ва шу аснода Давронга паспортни узатаркан, писанда қилди. — Энди сизга гап шу, ака; бундан кейин ичган пайтингизда кўча-кўйда санқиб юрманг!

Боя бу ёққа бошлаб келганидан бери бир чеккада индамай кузатиб ўтирган қоранаранг, новча йигит эса, пичоксиз сўйган каби Давронга ишшайганча, кескин эшик томон бош буриб:

— Ут!— деди. — Кўп бўзраверма!..

Даврон аэропорт томонга бурилмай, дабдуруст тўғрига ўтиб кетаётганидан таажжубланиб, ҳушёр тортиди: ахир, бу ёқдан аэропортга бориш жуда қулай эди-ку?! Хўш, нима учун рулни бурмади ёки хаёл суриб қолдимикан? Балки... Қани, кейинги чорраҳада бурилармикан?

Сийрак туман янглиг оч-кўкиш тутун кезаётган ҳавода ҳануз ёмғир ҳиди анқимокда эди. Булутлар янама қуёқлашапти. Йўл бўйларидаги сершоҳ-сербутуқ дарахтлардан заъфарон барглари ширт-ширт узилиб тушмоқда. Бир-биридан ўзиб елаётган турфа машиналар ортидан баргизазонлар судралиб, ҳавода тўзғийди. Йўлқаларда, бекатларда одамлар тирбанд. Эрталабданоқ ҳамма қаёққадир бетоқат шошилади.

Бирдан шомол кўтарилди. Баргизазонлар тўзони ҳавода ажабтовур гужгон ўйнаб, шатирлаб машина ойнасига урилди. Даврон, сурурбахш бир нимадир вужудини чирмаб олаётгандек ҳаяжонланиб, тезликни ошираркан, катта чорраҳада ҳам аэропорт томонга рулни бурмай, тўғри ўтиб бораётганидан ажабланди: қизик-ку!.. Назарида, чиндан ҳам, яна бир Даврон машина олдига тушиб, қаёққадир йўл бошлаб бораётгандек эди... Демак, «меҳмонхона»да бир кеча тунагани рост! Ҳозироқ бориб, «меҳмонхона» каттаконларини кўриши, ишхонага изидан хат жўнатмасликларига уларни кўндириши керак.

Даврон охиригача чекилган сигаретни дарчадан чертиб юбораркан, тагин бир қарра дилида қайд этди: у ерга боргач, энг аввал каравот остини қараш керак. Аммо қаерда у «меҳмонхона», уни қандай топиш мумкин?

Даврон айланма чорраҳада, кимдир қулоғига шивирлаб буюраётгандек, рулни чапга бурди. Бир оздан сўнг, устидан темирйўл ўтган баланд кўприк остидан ўтиб, ҳеч иккиланмай, тўғрига йўл солди.

Атроф бийдек дала. Полизлар, ўтлоқлар бирига тутатиб кетган. Олисдан кўп қаватли бинолар, шамолда бетиним чайқалаётган дарахтзорлар аллатовур бўзариб кўринади.

Йўлнинг ўнг ёқасидаги полизда уч-тўрт бўз йигит билан ўн чоғли аёл сабзи қовлаб, қопларга солаяпти. Чап томондаги бедапояда эса қўйлар, сигирлар, бузоқлар ёйилиб ўтлаб юрибди.

Даврон гамгин бир хомушлик билан, нима учун мени бу ёқларга олиб келишган экан, деб ўйлади: қайси гуноҳларим учун ахир?!

Ва туйқус унинг хаёлида дилгаш бир манзара ёрқин намоён бўлди...

...икки ёни панжара билан тўсилган торгина йўлак. Пастак панжаранинг чап тарафидаги маҳобатли стол ортида ўттиз ёшдаги бир жингала соч йигит курсига ясланиб ўтирибди.

— ...Бухоро аэропорти ресторанида ичганингизни бўйингизга оласизми ахир?!— деди жингала соч йигит, темир ручкани столга уриб. — Енингизда бир дўстингиз ҳам бўлган, лекин у ичмаган. Тўғримиз?

Беихтиёр Даврон анграйиб қолди: э тавба! Булар... Қойил-э!

— Ҳеч кимни ранжитганим йўқ-ку?!

— Тўғри, ҳеч кимни ранжитганингиз йўқ, ҳеч кимдан таёқ ҳам емагансиз,— деди жингала соч йигит, бош иргаб. — Ресторандан чиққанингиздан кейин, ариқчадан ҳатлаётганингизда, акас дарахтининг игнаси бурнингиз устини тилиб юборган. Тўғримиз?

Буни ҳатто Давроннинг ўзи ҳам аниқ билмас эди, енгилгина энтикиб:

— Ҳайрият-э!— деди. — Мабодо сиз фолбин эмасмисиз?

Жингала соч йигит, олдида қалашиб ётган қозларга ишора қилиб:



О. ҚОЗОҚОВ расмлари.

— Бизда ҳаммаша ким, қачон, ким билан, қаерда деган саволларга осон ва беҳато жавоб топишнинг имкони бор. — деди. — Огоҳлантириб қўяй: агар қайсарлик қилсангиз ёки жанжал кўтарсангиз — эрталаб ўн беш суткаликка жўнаттираман!

Даврон ночор-ноилож нарсаларини сумкага жойларкан, яширинча сигаретдан бир дона киссасига солди. Кейин, нохуш тўнғиллаган кўйи, панжаранинг ўнг томонидаги майдончага ўтиб, деворга тақаб қўйилган илгичдаги саккизинчи илмакка сумкасини осди.

Жингала соч йигит синчков тикилиб турарди: — Миродил, саккизинчига обор уни!— деб буюрди шеригига. — Вақт кетаяпти. Имилламанглар!..

Нимёруғ даҳлизга ўтиб, ўн беш қадамча юрганларидан сўнг, Миродил биринчи очиқ эшик ёнида тўхтаб:

— Кириг, ока,— деди. — Энди эрталабгача шўтта маза қилиб ётасиз.

Даврон ноумид мунграйиб, тубсиз лаҳаддек қорайиб кўринаётган хонага киргани ҳамоно, ортидан оғир эшик тарақлаб ёпилди.

Торгина хонанинг ҳар иккала томонида биттадан темир каравот қўйилган. Уртада энсиз йўлак. Каравотлар устидаги хурпайтирилган ёстиқлару оҳори чойшаблар нечундир жароҳат боғланган докадек кўзга совуқ кўринади. Димоққа эса рутубат аралаш аллақандай ёқимсиз бир ҳид урилари.

Даврон дилтанглик билан бир неча бор у ёқдан бу ёққа юрди. Сўнг ўртада серрайиб, боя яшириб қолган сигаретини лабига қистирди, чўнтақларини тимирскилаб, гугурт йўқлигини билгач, беҳуд алфоз каравотга чўнқайиб ўтирди. Болалари уйда бетоқат куттишаётганлигини ўйлаб, баттар юраги сиқилди. Боз устига кашандалик хумори забтига олмоқда эди, шартта сигаретни икки бўлиб, бир

бўлагини асабий чайнай бошлади. Орадан ҳаял ўтмай, кўнгли айниётганлигини сездди, лекин негадир кашандалик хумори ҳеч босилмаётган эди... Секин энгашиб, пойафзалини ечди-да, муздек тўшакка чўзилди. Шу аснода бирдан қайт қилгиси келиб, пешонасига совуқ тер кўпчиди, беҳол девор томон ўгирилиб, тахир тамақини тупурди. Ва, туйқус ер-осмон чархпалакдек айланаркан, кўзи тиниб, хона бўйлаб гўё ёрқанотдек беором-беқўним учганча, бот-бот хира ой нури тушиб турган панжарали туйнукка ўзини ураверди.

Даврон машинани хаёлчан елдириб бораркан, демак — саккизинчи хонанинг ўнг томонидаги каравот остини қараш керак, деб кўнглидан кечирди: аммо, «меҳмонхона»ни қандай топса бўларкин-а?..

\* \* \*

Даврон рулни икки ёнида қоратоллар ўсган тор кўчага бурди, бир оздан сўнг, шарқираб оқаётган ариқча кўпригидан ўтиб, ланг очиқ темир дарвозадан ҳайҳотдек ҳовлига кирди. Киридию... ёнверда кўраётганларига ишониб-ишонолмай, машинани тўхтатаркан, анграйиб қолди: рўпарасида йўл-йўл матодан иштон-кўйлак кийган уч... маймун ҳаммаёғи шалаббо бўлиб, қизил «Жигули»ни ювар, сал нарида эғнидаги кулранг кўйлагининг енглари шимариғлик, бошланг, қўлида узун қамчи тутган бир йигит уларни кузатиб турар; кенг-мўл супага тутатиб кетган танобий богда тагин йўл-йўл иштон-кўйлакки бешта... маймун қувраган қовун палакларни кўпориб, ер ағдарар; бог ўртасидаги курсида оёқларини чалиштириб ўтирган гўлабирдек йигит, қамчи дастасини этиги кўнжигга тарсиллатиб урган кўйи, сигарета чекмоқда эди.

Даврон қачонлардир тушига йўл-йўл матодан иштон-кўйлак кийган, абгору афтодаҳол маймунлар кирганлигини эслади, лекин қачонлигини аниқ эслаёлмай, хомуш тортиб, машина моторини ўчирди, пастга тушиб, эшикни ёпди.

Худди шу пайтда қизил «Жигули»нинг орқа ойнасини артаётган барзангидек маймун шерикларига Давронни кўрсатиб:

— Чу-чий!— деди. — Чу-чий — анавини қаранглар!

Узун қўлларида резина шланг тутган маймун эса иршайиб:

— Ҳў-хў!— ҳозир бошлаймиз!— дея дабдурустан Давронни нишонга олди. — Йй-я!..

Даврон шовуллаб отилаётган сувга аранг чап бериб, супа этагидаги бинонинг чоғроқ пешайвонига қочди. Айни шу чоғда хандалакдан каттароқ бир палакмурда қовун тўп этиб оёғи остига тушиб ёрилди.

Енглари шимариғлик йигит бирдан қамчини асфальтга қарсиллатиб урди.

Маймунлар аянчи титраб-қақшаган кўйи, яна ёппасига ишга киришдилар.

Даврон ҳайрат ичра бирпас уларга тикилиб турди, сўнг аллатовур кулимсираганча, ортига бурилиб, қия очиқ эшикдан ичкари кирди. Ва беихтиёр панжара ортидаги рақамлаштирилган илмакларга сергак нигоҳ ташлади: ҳаммаси таниш... танишдек эди. Чап томондаги столда эса турки таровати чучмал бир йигит хат ёзиб ўтирарди.

— Салом,— деди Даврон.

— Салом,— деди йигит.

— Кечирасиз, бу ер «Хушёрхона» эмасмиди?— деб сўради Даврон.

— Ҳа, бир пайтлар «Хушёрхона» бўлган эди,— деди йигит, бош иргаб. — Ҳозир «Маймунхона»га айланттирилган.

Дафъатан Даврон бир зум гангиб қолди, сўнг: — Кечирасиз, каттаконларингиз борми?— деди.

— Бор,— деди йигит, даҳлиз томон ишора қилиб. — Ўнгдан биринчи эшикка кирасиз.

— Раҳмат...

Даврон даҳлига ўтиб, бир муддат каттаконнинг эшиги ёнида тарадудланиб тўхтади, сўнг чаққон олдинга қараб юрди. Чапдаги биринчи очиқ эшик сари яқинлашаётди, пештоқидаги рақамга разм соларкан, юраги гурчиллаб ура кетди: 8!.. Шартта нимёруғ хонага кирди, димоғида рутубат аралаш қандайдир ёқимсиз бир ҳидни туйган кўйи, тиз чўкиб, чап томондаги каравот остини пайпаслади, девор тағида қотган кепакдек нимадир бармоқларига урилгани ҳамоно, таҳликага тушиб, бетоқат даҳлизга чиқаркан, бармоқларига қаради: ана, чайналган тамаки!.. Хўш, энди нима қилади?..

Даврон гангиган-гарангсиган алфозда рўмолчасини чиқариб, бармоқларини артганча, секин бориб, каттаконнинг залворли эшигини очди. Муҳ-



ташам хона тўридаги юмшоқ чарм курсида отуз, қиррабурун, бугдойранг, қошлари ўжар қайрилган, ўттиз ёшлардаги бир йигит ястаниб ўтирган кўйи, телефон орқали ким биландир гаплашмоқда эди.

— Кечирасиз,— деб Даврон ортига қайтмоқчи бўлди.

Аммо, йигит хушхўл жилмайиб, Давронга самият билан бош ирғади: марҳамат, кириб ўтира туринг.

Даврон аста эшикни ёпиб, кўрсатилган курсига омонатгина ўтирди. Кейин, кўнглида беқарор бир вақт аралаш алланечук ҳижолат ҳиссини туйганча, стол устидаги газетани ёнига тортди-да, сатрларга паршон кўз югуртира бошлади.

— Ҳа, ҳозир бизда ўнчача бор. Ҳали кечгача яна тутиб келишлари мумкин. Агар ўзингизникини таниёлсангиз, хизмат ҳақини тўлаб, олиб кетаверасиз... Ҳа, кечки еттигача... Бўпти, кутамиз!... — Йигит телефон дастагини жойига қўяркан, шодон ўрнидан туриб: — Э, Даврон ака! — дея столни айланиб ўтиб, кўл сиқишиб сўрашди — Кайфиятингиз яхшими? Уйнаб-кулиб юрибсиз?..

Даврон жудаям танишдек кўринаётган бу йигитни қачон, қаерда кўрганлигини эслаёлмай, ҳижолатли кулимсираб:

— Шукр, раҳмат,— деди. — Мана, биз ҳам келдик.

— Нима, сиз ҳам маймун боқасизми, Даврон ака? — деди йигит ажабланиб.

Даврон, ҳамон бу йигитни қаерда кўрганлигини эслашга уринаркан, бош чайқади:

— Йўқ, маймун боқмаймиз,— деб, тагин шикаста кулимсиради. — Сизга нима десам экан... Бу ер ҳалигидақа «меҳмонхона» эди-ку, а?

— Тўғри, бир пайтлар шунақа эди, лекин ароқхўрликка қарши оммавий кураш бошланиб кетгандан кейин, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, умуман бизга «меҳмон» тушмай қўйди,— деди йигит. — Ҳозир биз ҳайвонот боғларидан, хонадонлардан кўчага қочиб чиқаётган маймунларни тутаямиз. Ҳовлида кўрган бўлсангиз керак... То эгалари олиб кетгунига довр, биз уларни парваришлаб турамыз.

Даврон ҳайратангиз кифт учуриб:

— Қизиқ! — деди. — Яқиндагина мени бу ёққа олиб келишди-ку?!

Йигит кулиб:

— Ҳаёлингиздадир-э, Даврон ака! — деди, тагин жойига ўтаркан, қалин муқовали дафтарни олдига тортиб, бирма-бир рўйхатни кўздан кечири бошлади. — Мана, кейинги олти ой ичида биттаям одам қайд қилинмаган. Бу рўйхатнинг ҳаммаси маймунларга, уларнинг эгаларига тегишли. — Йигит дафтарни нари суриб, саволчан тикилди. — Сиз... янглишаётган бўлсангиз керак, Даврон ака.

Даврон ҳасрат оҳангиди:

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, дўстим,— деди қизариб. — Мен куни кеча ёки ўтган куни Бухорога бориб келгандекман...

Бейхтиёр кўзалари каттариб, йигит тек қотди.

— ...Бухоро аэропорти ресторанида бир дўстим билан ичгандекман; Тошкент аэропортига келиб кўнганимиздан сўнг, такси бекатида одамларнинг мени тутиб, бу ёққа олиб келишгандек... Жуда ваҳимадаман. Сизга тўғриси яна айтсам, агар чиндан ҳам «меҳмонхона» нигизда тунаб кетганим рост бўлса, ишхонамга хат жўнатиб қўймасликларингизни илтимос қилиш мақсадида келган эдим... Биласиз, ҳозир замон нозик, ўзимиз янаям нозиклашиб кетдик. Кўраясиз-ку, салла сўралганда, калланиям қўшиб тутқазаямиз.

Бир оз жимликдан сўнг, йигит дардкашлик билан:

— Бу яқин орада Бухорога борган-бормаганлигингизни билмайман,— деди. — Лекин ҳеч қачон сизни бу ёққа олиб келмаганларига кафилик бероламан, Даврон ака. Ишонаверинг!.. Сиз, аслида йўғ-у, лекин рўй бериши мумкин аллақандай ваҳимали можароларни ўйлайвериб, жуда чарчаган бўлишингиз керак ёки шунақа туш кўргандирсиз.

Даврон сергак тортиб:

— Туш дейсизми? — деди.

— Ҳа,— деди йигит. — Эҳтимол келажакда рўй берадиган можаролар олдиндан тушингизга киргандир.

— Одамнинг юрагига гўлгула солманг-э, дўстим!..

— Нега ажабланасиз? — Нимадир нашъа қилаётгандек, йигит кулиб ўрнидан турди. — Мўъжизалар, ваҳималар асрида яшаётганимизни унутманг-да!..

Даврон хиёл энгил тортганлигини ҳис этган кўйи, йигитга эргашиб, даҳлизга чиқди. Тагин чап

қанотдаги очик эшикнинг сирли таразда бўзрайиб кўринаётган рақамига нигоҳи тушиб, боя бармоқларига илашган тамаки юқи хаёлидан кечаркан:

— Сизга бир гапни айтиш ёдимдан чиқибди,— деди, оҳиста йигитнинг тирсагидан тутиб. — Мен анави очик хонанинг чап томонидаги каравотда ётганман. Ушанда сигарет тамакисини чайнаб тупурганим аниқ ёдимда. Ҳали сизнинг ёнингизга киришдан аввал каравот остини қараган эдим.

Йигит аллатовур жилмайиб:

— Нима, тамаки юқини кўрдингизми? — деб сўради.

— Кўрдим-да!

— Сиз кўрган нарса тамаки эмас, чайнаб ташланган барг бўлиши керак,— деди йигит, ташқарига йўл бошлаб. — Маймунлар сайр чоғида ҳовлидаги ҳар хил ўтлардан, барглардан яширинча юлиб киришади, кейин шўхлик қилиб бир-бирларига чайнаб отишади.

Даврон хаёлчан бош ирғади: кимга ишониш керак — мавжуд далилларгами ёки манави хушфеъл йигитнинг гапларигами — билолмасди.

Пастак панжара ортида ўтирган навбатчи йигит, каттақонини кўриши билан, ирғиб ўрнидан турди.

Даврон тагин рекамлаштирилган илмакларга ўйчан нигоҳ ташлаб, пешайвонга чиқди.



Ҳамон маймунлар қизил «Жигули» ни ювмоқда эдилар.

Бараангидек маймун Давронни кўрган заҳоти кўлидаги ҳўл докани ўйнатиб:

— Ҳў-хў! — деди шерикларига. — Чу-чий!..

Енглари шимариглик йигит яна камчинни уст-уст қарсиллатиб, асфальтга урди.

Шу пайтда биқинига кўкимтир буюқда қўшув аломати чизилган темир уйли машина ҳовлига кириб, пешайвон рўпарасида тўхтади. Ундан қорапаранг, пакана бўйли шофёр йигит тушди. У негадир Давронга жудаям танишдек туюлди.

— Яна учтасини тутиб келдик, хўжайин,— деди шофёр йигит, каттақон қаршисида роз туриб. — Биттасини вокзалдан ушладик, совуқ томонларнинг маймунига ўхшайпти, устидаги юнг пўстини йиртилиб кетган.

— Дарров обкиринглар,— деди каттақон. — Қизлар ҳаммомда яхшилаб чўмилтиришсин, кийинтиришсин!

— Хўп бўлади, хўжайин! — Шофёр йигит чаққон машинанинг орқа томонига ўтаркан, шангиллаб хитоб қилди. — Эй, Миродил, нега қараб турибсан?! Давай, эшикни оч!..

Бирдан Давроннинг юраги шув этиб кетди; шу оснода дилғаш манзаралар яна кўз ўнгида намоён бўлаётгандек туюлди. Ва, тезроқ жўнаб қолмаса, гўё ақлдан озадигандек, ботинан бетоқатланиб:

— Бўпти, менга рухсат, дўстим,— деб, каттақонга қўл узатди.

— Сизни анча ташвишга қўйдим-да!..

— Ҳечқиси йўқ, Даврон ака,— деди каттақон, хушхўл қўл сиқиб.

— Самандарга мендан салом айтинг.

Ана шунда Даврон рўпарасидаги хушфеъл, камтарин, амалдор йигит билан қачон, қаерда танишганлигини аниқ эслаб, дув қизарди: ахир, Саиджон-ку — Самандарнинг ошнаси. Ўтган

шанба Самандарникидаги улфат-базм чоғида танишган эдилар. Нега... нима учун бу қадар эсари бўлиб борапти-а?!

— Албатта саломингизни айтаман, Саиджон! — деди Даврон кўлини кўксига босиб. — Самандар билан ўтинглар, бир яйраб гурунглашайлик, Саиджон!

Бир зумда ҳайхотдек ҳовлини маймунларнинг шодон қий-чуви тутиб кетди.

Негадир Даврон жониворлар тарафга қарамай, орқасидан ёв куваётгандек, чаққон машинасига ўтириб, моторни ишлатдию, тагин бир бор Саиджонга хайр маъносиде бош ирғаб, машинани орқага юргизганча, ланг очик дарвозадан кўчага чиқди-да, тезликни ошириб катта йўлга тушиб олди. Сўнг, асабий гудрағиб сўкинаркан, ўриндиққа бамайлихотир суяниб, аста пешонасини сийпалади: агар ҳеч қачон бу ерда тунамаган бўлса... қандай адашмасдан топиб келди? Бухоро сафари... Аркдаги саргардонлик... Такси бекатидаги можаро... Кейин... Қизиқ, наҳотки шуларнинг ҳаммаси туш бўлса?!

Аллақачон шаҳарча ҳам, унинг шовуллаган дарахтзорлари ҳам ортда қолиб кетган эди.

Ноғоҳ еру кўкни ларзага солиб, момақалди роқ гумбуради.

Даврон беқарор хаёллар қуршовида далани кесиб ўтган катта йўлдан машинасини гизиллатиб борарди, осмонга хомуш назар ташлаб, ҳали-замон ёмғир шаррос қуярагини тахмин қилди. Кейин қулоқлари остида Саиджоннинг гаплари оҳиста эшитилаётгандек туюлиб, оташин энгиткан кўйи, бош чайқади: бу қанақаси ахир, ҳеч ақл бовар қилмайди-ёв! Еки чиндан ҳам келажакда рўй берадиган воқеалар тушида аён бўлганми-кан-а?! Э, бунақада одамнинг юраги ёрилиб кетади-ку!

Даврон узокдан йўл бўйида тизилиб турган машиналарни кўриб, тезликни сусайтирди.

Йўлдан пастда — полиз чеккасида бир талай одам уймалашиб, ниманидир ҳаяжон билан кузатмоқда эди.

Бейхтиёр Давроннинг хаёлидан, бирор машина ағдарилган бўлса керак, деган фикр кечди. Аммо, устига челақдек радиокарнай ҳамда аллақандай хартум ўрнатилиб, ойналари қора парда билан тўсилган узун бир автобусни одамлар қуршовида кўргач, машинани таққа тўхтатиб, пастга тушди. Одамлар томон яқинлашаётиб, аллақандай бир кинони суратга олишаётганлигини билдию, гудраниб тўхтади, ортига бурилаётганида, карнайдан дўриллаган товуш таралди:

— Вниманию! — Бўйинга камера осган, серсоқол, ўрта ёшлардаги бир киши автобусга ўрнатишган хартумда ларзонланиб, ҳавога кўтарилди. — Всем! Всем!.. Снимаем. Дубл 18!..

Дўриллаган товуш сўнар-сўнмас, картошка полизга туташ жарликдан аскарча кўйлак-шими тигилиб кетган, соч-соқоли ўсган, бошланг, оёқ-яланг бир... маҳбус жонҳоврида қочиб чиқди. Унинг оёқларидаги, қўлларидаги, юзларидаги «жароҳат» ларидан қон оқмоқда эди. У ҳаллослаб-ҳансираганча қочиб бораётиб, думалаб тушар, тагин бетоқат туриб югурар, ёнверига аянчли аланглаб, яширинмоқ учун пана жой излар эди.

Хиёл фурсат ўтар-ўтмас, яна жарликнинг ҳар ер-ҳар еридан бирин-бирин бешта искович ит билан беш «немис аскар» отилиб чиқди. Итлар тинмай акиллар, бўйнидаги ипни узгудек шиддат билан олға талпинар, елкасига автомат осиб олган «немис аскарлари» эса, бир-бирларига нималардир дея хахолаб кулар эдилар.

Уларга ўйчан тикиларкан, туйқус Давроннинг хаёлида ғайиб бир манзара нурланди: «...ним-дошгина кўрпа остида — ўзи, ёнида хотини — кулала бўлиб ётибди. Атрофда тишлари иршайган, йўлбарсифат итлар... Камарига тўппонча таққан беш-тўрт немис сипоҳиси бир-бирига аллатовур голибона қараб, мамнун хахолаб кулади... Ўн беш қадамча наридаги жарлик бўйида эса йўл-йўл матодан юпун кўйлак-иштон кийган, маймунбашара маҳбуслар!..

Даврон негадир тажанглик билан тўнғиллаб, қўл силтади. Изига қайтди. Уриндиққа ўтириб, машинани юргизаркан, чирсиллаб ойнага урилаётган катта-катта ёмғир томчиларига хомуш нигоҳ ташлаб, тобора тезликни оширган кўйи, бугун ишга кечикканлиги учун бирор узрли баҳона топиш кераклигини кўнглидан кечирди: хўш, энди ишхонадаги ясовулларга нима дейди — маймунхонага борган эдим, дейдими? Аммо, ким ишонади бу гапга?!

Бирдан яна еру кўкни ларзага солиб, момақалди роқ гумбуради. Ва шу баробари шаррос ёмғир қуя бошлади...



# ҚУШЧИРОҚ ДАРҒАЛАРИ



Назарий билимларни яхши эгаллаш авария фалокатларининг олдини олишида ҳал қилувчи омилдир...

«Утган кунлар» романини ўқигансиз. Ота-онаси билан Марғилондан йўлга чиққан Қумушбиби ўн икки кун деганда қўқонаравада Тошкентга етиб келади.

Роман воқеалари акс этган даврдан буён нари-бериси билан 100 йилча вақт ўтди. Шу қисқа давр ичида одамнинг бир манзилдан иккинчисига етиб олиш тезлиги 100 баробар ошди.

Техника тараққий этиб автомобиль, поезд, самолёт ихтиро қилинди. Улар одамнинг узоғини яқин қилди. Бу яхшими? Албатта яхши. Ҳозир одам эртақлардагидек, нонуштани Самарқанда, тушликни Тошкентда, кечки овқатни дунёнинг у бурчагида тановул қилиб қайтиши мумкин.

Транспорт воситалари ичида автомобиль одамга энг яқини, қулайи ҳисобланади. Автомобиль воситасида халқ хўжалиги юкларининг 70 фоизи ташилади. Республикаимизда ҳам бу транспорт воситасидан фойдаланишга эҳтиёж кучли. Мазкур соҳа учун мутахассислар тайёрлаш бўйича республикаимизда 35 та ҳунар-техника билим юрти ишлаб турибди.

Автомобиль инсоннинг узоғини яқин қилди, дедик. Бу яхшими? Бир жиҳатдан ёмон. Чунки автомобиль одам ўртача 70 йилда борадиган узоқ умр поёнини ҳам «яқин» қилиши мумкин.

Дунё миқёсида Улуғ Ватан уруши давридан кейингина автомобиль ҳалокати натижасида 3 миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлди.

Сўнги беш йил ичида мамлакатимизда бу фалокат 230.000 кишининг ёстиғини қуритди.

Автомобиль ҳалокати бўйича республикаимиз иттифоқ бўйича «пешқадам» ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Утган 1987 йилнинг ўзиде 16 мингдан ортиқ содир бўлган авария натижасида 2 мингдан кўпроқ кишининг ёстиғи қуриди.

Минг афсуски, авариялар сони дунё, иттифоқ, республикаимиз миқёсида тобора ортиб бормоқда.

Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қондаларига амал қилмасликлари, техникани бошқаришдаги ўқувсизликлари, маст ҳолда рулга ўтирганликлари боис авариялар содир бўлмоқда.

Автомобилларни ремонт қилишда ҳам кўп камчиликларга йўл қўйилмоқда. Автослесарларнинг ўз ишини билмаслиги натижасида транспортлар «мендан кетгунча — эгасига етгунча» қалбида қўлдан чиқарилмоқда.

Авариялар сонини қисқартиришда малакали шофёрлар тайёрлаш муаммосини бартараф қилиш катта аҳамиятга эга.

Утган йилнинг охирида Риштон районидаги 40-ҳунар-техника билим юртида автомобиль ҳайдовчилари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига бағишланган республика зонал семинари бўлиб ўтди.

Семинарда Андижон, Наманган ва Фарғона об-ласти ҳунар-техника билим юртли раҳбарлари,

давлат автомобиль инспекцияси масъул ходимлари иштирок этдилар.

Семинар иши ўтказилган билим юртида бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Кейинги йилларда билим юртида катта ўзгаришлар юз берди. Аввало билим юрти малакали мутахассислар билан бойиди. Билим юрти оталиқ ташкилоти — Риштон РАПОси ёрдамида ўқув ва лаборатория кабинетлари, автохўжалик, 4 гектарлик автодром, ётоқхона ва спорт майдонларини бинойидек қайта жиҳозлаб олди. Билим юрти очилганига эндигина 4 йил бўлган бўлса-да, унинг нуфузи баланд. Илгари унга ўқувчилар таклиф этиш йўли билан комплектланган бўлса, ҳозир конкурс орқали қабул қилинади. Утган йили 450 дан ортиқ ўқувчи билим юртига кириш учун ариза берган бўлса, шулардан 150 нафаригина қабул қилинди. Талабалар орасида Фарғона водийсидангина эмас, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент, ҳаттоки қўшни Қирғизистон ва Тожикистондан келган ёшлар бор.

Билим юртида «С» категорияли автомобиль ҳайдовчилар ва автослесарлар тайёрланади. Шу кунгача 450 ортиқ мутахассис билим юртини тугаллаб халқ хўжалигида меҳнат қилмоқда.

Ҳозир бу ерда 1100 талаба ўқимокда. Бўлажак ҳайдовчилар ва автослесарлар ҳар йили Москвадаги Лихачёв номи ҳамда Тольятти автомобиль заводида практикаларини ўтказдилар. Утган йилги практика даврида билим юрти ёшлари Москвада Тошкент автомобиль йўллари институти студентлари билан амалий машғулотлар бўйича мусобақалашиб голиб келдилар.


Афғонистон Демократик Республикасида интернационал бурчини ўтаб келган Мурод Мирзаев, Муҳаммад Мақсудов, Абдуфаттоҳ Шодиев, Қобул Қорабоев, Баҳодир Дўстматов, Нормухаммад Жумаев сингари талабалар аъло ўқиш баробарида билим юрти ижтимоий ҳаётида ҳам актив иштирок этмоқдалар.

Талабаларга М. Қаҳҳоров, Р. Воҳидов, М. Мамажонов, Т. Қосимов каби ўқитувчи ва ишлаб чиқариш мастерлари билимларни ўзлаштиришда устозлик қилмоқдалар.

Бу ерда спорт секциялари ҳам мунтазам ишлаб турибди. Ҳаваскорлардан тузилган «Минвода» ансамбли билим юрти маданий ҳаётида муҳим роль ўйнамоқда. Талабалар ошхона хизматидан ҳам мамнун.

Билим юртининг ўзига хос муаммолари ҳам мавжуд. Хусусан, у катта йўл ёқасидан анча ичкарига жойлашгани учун талабаларга қатнаб ўқишда муайян қийинчиликлар туғдирмоқда.


— Қолаверса билим юрти моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш эвазига, — дейди УзССР ҳунар-техника таълими Давлат Комитети автомобиль ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бошқармаси бошлиғи Сойибжон Алиев, — «В» кате-



Йўл ҳаракати қондаларидан ўқув машғулоти.



Билим юрти директори, СССР ҳунар-техника таълими аълочиси К. Тўйчиев битирувчилар билан суҳбатлашмоқда.



Ўқитувчи Рустам Воҳидов автомобиль тузилишидан дарс ўтмоқда.

горияли ҳайдовчилар ҳамда «Д» категорияли оғир юк ташувчи автомобиль ҳайдовчилар тайёрлаш учун имконият бор, фақат бунга база ташкилотлари амалий ёрдамини аямаслиги керак.

Марғилондан йўлга чиққан карвон ўн икки кун деганда Тошкентга етиб келди. Йўлга чиққан одам албатта манзилига етиши керак. Одамга бир мартагина бериладиган умрга малакасиз ҳунар эгаси завоел етказмаслиги керак...

Икром ОСТОНАҚУЛОВ

Матлуба АХМЕДОВА

## Мени сўрар бўлсанг...

Менинг кимлигимни сўрар бўлсанг дўст,  
Баҳорлардан сўра, боғлардан сўра.  
Булбулдай ошиқман ҳар гул қошида,  
Дарахтни тушунгум бир қарашимдан.

Менинг кимлигимни сўрар бўлсанг дўст,  
Ёмғирлардан сўра, қуёшдан сўра.  
Гард ювган томчини эзгулик дедим,  
Зулматни кесса нур мангулик дедим.

Тоғлардан сўрагин, сойлардан сўра —  
Чўққиларга боқиб, топдим ҳайратни.  
Қониб сув ичганда Замин ва одам,  
Қирғоқларда туриб кўрдим ҳаётни.

Яна сўрар бўлсанг, меҳрдан сўра,  
Кўзларда, сўзларда яшар экан у.  
Дурим-гавҳарим деб суйдим эрта-кеч,  
Умримни беадаи гўзал бир ёду.

Сўнги бор сўрасанг, юракдан сўра,  
Ҳар битта зарбидан иншолар битдим.  
Бу кўнгил тубидан армон кетсин деб,  
Унинг сўзи билан нидолар айтдим.

Сўрар бўлсанг, эй дўст, юракдан сўра.

## Шукур

Сизга меҳрим борлигига шукур қиламан —  
Ўз-ўзимдан ёғдуларнинг тўкилганига.  
Юрак деган кенглик ичра гуллар юз очиб,  
Жисмим аро ширин шеърлар ўқилганига.

Ширин, дейман бу дунёни ўзимга сўймай,  
Кўзингизнинг нурида эрийди қадар.  
Дақиқалар... бир умримни маст этгувчи май,  
Мени шодон кўтарди қуёшга қадар.  
Табиатнинг неки тиниқ, хушрўй ранглари  
Жон-жонимга жойланади, дилда, тилда шавқ.  
Чарчоқлари ёзилганча умрим тонглари  
Отаверар, шукур, шукур, яна Сиз — маёқ.  
Яна Сизга чопиб кетар кўнгил-парвона,  
Туйғуларим тўлқин бўлиб, ҳислар ўт бўлиб.  
Қаранг, ажаб бир содиқа, дўст-вафо бўлиб,  
Қошингизда турибман-ей қайтмас аҳд бўлиб,

Сизга меҳрим борлигига шукур қиламан.







### «Юлдуз» лар оиласи

Машхур хонанда Мариля Родовичнинг «Польша гўзали» деб номланган пластинкаси чоқеага уланиб кетди. Уша куни хонанданинг кўзи 8 ёш, қизи эса 5 ёшда. Мариля хоним эстрада санъатига нечоғли шайдо бўлса, у шунчалик болажон ҳамдир. Фақат, буни қарангки, умр йўлдоши билан иноқликда уч фарзандни ювиб-тараб ўстираётган ота-она ўз никоҳларини расмийлаштиришмаган экан.

— Ана энди турмушга чиқаман, — дейди кулиб Мариля Родович. — Ёш келинчалардек ясанаман, гуллар тутиб Мендельсон тароналари остида ЗАГСга бораман. Енимда эса фарзандларимнинг суюкли отаси инженер Анджей Дужинский бўлади.

Эстрада мухлислари Ромина Пауэрни ҳам яхши билишади. У ҳам яқинда қизалоқлик бўлди. Қизалоққа онасининг исмини танлашди. Эстрада устаси Аль Бано ота эканига қарамай жон деб энагаликни ўз зиммасига олди.

Ромина Пауэр асли америкалик, бир пайтлар машхур бўлган актёр Тайрон Пауэрнинг қизи. Аль Бано эса италиялик. Қўшиқчилик санъати уларнинг тақдирларини ҳам бирлаштирганга кўп йиллар бўлди. Бу бахтиёр оила Целинно Сан Маркодаги мухташам хонадонда истикомат қилади. Эр-хотин санъаткорлар фақат концерт бериш учунгина ўз уйларини тарк этишади. Қолган вақтларини янги чақалоқ ва унинг уюла-акаси даврасида ўтказишади.



### Музыка атамалари қомуси

«Кантри музыка» — америкача-европача халқ музыкаларини ифодаловчи термин. «Қишлоқ музыкаси» деган маънони англатади. Аслида «кантри» деганда аввало америкача оҳанглар назарда тутилади, чунки мазкур жанр дастлаб АҚШда оммалашган. Қўшма Штатлар аҳолисининг кўп қисми Европадан бориб қолгани туфайли «кантри» тароналарида Европа халқларининг (ҳатто рус ва поляк рақс) оҳанглари сезилади.

«Кантри» тароналари асосан гитара, банжо, пуфлаб чалинадиган гармошкада ижро этилади. «Кантри музыка» си ўз анъанасига кўра қишлоқ гўшаларидаги ёлғизлик, сўлим табиат гўзаллиги, инсоннинг табиат билан уйғунлашиб кетишларини куйга солади. Муҳаббат изтироблари куйланади.

«Кантри» нинг энг оммабоп қўшиқларидан ҳисобланган «Теннесси штати вальси» қўшиғи 1965 йили мазкур штатнинг гимни сифатида расман қабул қилинган.

Тўғри, биз рок ёки жаз музыка даврида яшаймиз, лекин ҳар қандай бозори чаққон замонавий оҳанглар қадимий халқ оҳангларини сиқиб чиқаролмайди. Буни турфа музыка йўналишлари мавжуд АҚШдек мамлакатда «кантри» ўз аҳамиятини йўқотмаганидан ҳам билса бўлади.

«Кантри» қўшиқчилари орасида асли шведиялик Жо Хилл номи диққатга сазовор. У «Бутун дунё санъат ишчилари» пролетар иттифоқининг асосчиларидан бири. «Кантри музыка» га сиёсий урғу берган ҳам у. Жо куйлаган қўшиқлар «Бизнинг маслак», «Ҳамма куч — ўзимизда», «Дунё ишчилари, қўзғолинг» деб аталганининг ўзиёқ санъаткор қарашларидан далолат беради. Жо Хилл 1915 йилнинг ноябрида сохта айблов билан қатл эттирилган. Вуди Гатри (1912—1967), Пит Сигер (1912) ва Жоан Бааз (1941) сингари қўшиқчилар унинг издошлари сифатида майдонга чиқишди.

Шу тариқа «Кантри музыка» бош мавзуси инсоний ҳақ-ҳуқуқ, буржуа дунёси иллатларини фош этиш ва курашга ундаш бўлган исёнкор қўшиқчиликни бошлаб берди.

«Кантри музыка» оҳанглари асосида «кантри рок» ҳам туғилган. Бу услуб майин халқ оҳанглари билан рок ритмларини уйғунлаштиради. «Кантри рок» асосчиси «Криденс» группаси саналади. Мазкур группа қўшиқларида Жанубий Американинг оддий халқлари ҳаёти, машаққатли турмуш манзаралари акс этади.



### СИ СИ КЕТЧ

Унинг асл исми-шарифи — Каро Мюллер. Си Си Кетч эса — тахаллуси. Бу йил у 24 ёшга тўлди. Голландияда туғилган, 14 ёшдан Ғарбий Германияда яшайди. Қўшиқ айтиш услуби машхур «Модерн Токинг»-нигига яқин.

Хонанданинг эстрада сахнасидаги парвози «Беҳаловат тун» деб номланган қўшиқдан бошланган. Шунга қарамай у гастроль сафарига чиқишга дарҳол журъат этмаган.

Илк пластинкаси шинавандаларга манзур бўлгачгина, Кетч дастлабки сафарга — Венгрия ва Туркияга отланди. Матбуот хабарларига кўра, Си Си Кетч азробика билан шуғулланади, чеварликни ёқтиради. Қора рангни севади. Севган композитори — Дитер Болен. Ғарбда нашр этиладиган «Браво» журналининг ёзишича, гўё Си Си Кетч бўлак музыка ютуқларига бепарво эмиш. Бу гап нечоғли тўғри-ноғўрилиги эса бизга қоронғу.






Олмалик шахридаги хунар-техника билим юртида кон ишларида ишлатиладиган экскаваторлар учун машинистлар тайёрланади. Бу йил билим юртидан ўттиз беш мутахас - сис маъдан, кўмир конларига йўл оладилар. Билим юртини Олмалик тоғ-металлургия комбинати оталиққа олган.

А. НУДРАШОВ ФОТОЛАРИ.







Ҳаёт мўъжизалари  
Х. САНАЕВ асари.





Хайратланишга бир лаҳзанинг ўзиёқ кифоя, лекин кишини хайратга солиб қўядиган нимадир яратиш учун қанчадан-қанча йиллар талаб қилинади.

Клод Гельвеций

Самарқанднинг кунботарида, кунботарининг Навойга туташиб кетган томонида Пахтачи деган райони бор. Районда Охунбобоев номли колхоз, унда Қизил аскар деган қишлоғи, юртимизнинг барча еридагидек шу қишлоқда ҳам турмушимиз ва табиатимиз яктолигини кўз-кўз қиладиган жойлари бор: Самарқанд тарафдан кириб келаверишда худди ана шу ерларнинг ўнгида Оқтоғ, сўлида Қоратогъ этаклари узала тушиб ётади. То унга етиб келгунча кичик бир сойга айланиб қоладиган Зарафшон дарёси ҳориган йўловчидай оғир-оғир сўлиш олиб, далаларга таралади-да, она тупроқ оғушига сингиб кетади... Қоратогъ ёқдан Қизил чўққиси бу жаннатий жойларнинг шундоққина биқинида. Ҳай, ана шу чўққининг тўшига кўтарилиб теварак-атрофга назар солсангиз борми... Пасдалигингизда кўрганнингиз: бири-биридан таърифи дoston қишлоқлар, боғироглар, қаҳқашон фазилатлилару кошоналар, пиру бадавлатлиги ибратли нурунийлар, ўғитлари анқонинг уруғига тенг бувилар, даврини орқада қолдирган фидойилар...

Кўз ўнгингиздан ўта бошлайди. Ғурурдан кўксингиз Қизил чўққиси қадар кўтарилади, ширин туйгулар ўровида қоласиз... Келинг, яхшиси, бу манзараларни кўргингиз келса менинг мужмал таърифларимдан кўра ўлкамизнинг ёш, иқтидорли рассомларидан бири Хайдар Санаев чизган картиналар оламига назар сола қолинг. Негаки, Хайдар худди мана шу ерларда туғилиб-ўсган, Қизил чўққисидан туриб она Ватан, она табиат жамолига минг бор мафтун бўлган, қалбида тошган туйгуларини тўкиб солгиси келганидан не қиларини билмай оқибатда қўлига мўйқалам олган...

Боя, Қизил аскар, деганимиз — қишлоқда ёшани яшаб, ошини ошаб, кўпларни эгуликка бошлаб ўтганлардан Сано бобо билан Иқбол буви ҳам ҳамон кўпчилик ёдида. Улардан тўрт ўғил қолди. Тўнғичлари Мурод ўқитувчи эди. Умри қисқа экан... Энди унинг ўғли Иброҳим ота касбини давом эттиряпти. Муроддан кейин Исмаи, сўнг Умар туғилганди. Хайдар бўлса кенжа ўғил. Исмаи партия ходими, Умар санъаткор, Хайдар бўлса рассомлик оламига ошно тутинди. Уччови ҳам оилали, тутимли, интилишлари одамий, оламий, ҳавасли...

Тун ярмидан оғиб қизчаси Гулноза тимсолида «Интилиш» деб номланган ишига сўнгги сайқал бераётган Хайдар шуларни эслаб кетди. Исмаи акасининг ота-онаси ўрнини билдирмай укаларига бош-қош бўлаётганидан, ўғитларидан кўнглида яна ғурур туйди. Акасининг ўзи ҳам шоирда... Хайдар битираётган картинасига ҳар томондан назар солди-да, енгил нафас олди. Кўнгли тўлгандай бўлди. Акасининг янги чиққан китобини варақлади. Айни шу пайти кичик акаси Умарнинг хониши кулоқларига кириб келгандай бўлди. Бир пайтлар санъаткор ака-укалар Ўзбекистон телевидениесига бир неча бор чиқиб туришгани, гоҳида ўзи ҳам аккардеонда жўр бўлганини эслади. Мийиғида жилмайди. Қизчалари Гулноза ва Нафиса, ширин уйқуда ётган рафиқаси Гулстониға миннатдор назар ташлади. Тошкент Маданий институтининг сиртки бўлимида таҳсил олаётган кутубхоначи шу аёл унга қанча

илҳом бахш этмади, дейсиз. Оилада бир-бирингни қалбан тушуниб, бир-биринга мадад бўлиб яшай билишдан ортиқроқ бахт бўлмас экан-да, ўзи...

Хайдарнинг уйқуси қочди. Олис хотиралар олами тинчлик бермай қўйди...

Унинг диплом иши «1941 йил. Сўнгги ахборот» деб номланган эди. Унда қорамтир, кулранг, зангори рангларда уруш ортидаги мусибат акс этган бўлиб, картинада Хумсон қишлоқларининг бири, болаҳонали уйлар, каллакланган тут, чоллар, кетмон, ҳасса, тоғ этагидан тушиб кетган сўқмоқлар сингари деталлар, симёғоч ва унга суяниб умр йўлдошларини илҳақ кутаётган жувонларнинг диктор сўзига жон қулогини бериб туриши, қир-адирлар, уруш ортидаги ташвишлар турмуш ўз характерида аён бўлган эди. Хайдарнинг бу иши ўша йили Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган ва бу ижодкор йўналишини белгилаб берган эди...

Баҳорда ғалати кунлар бўлади: тўполовли, чанг-тўзонли лаҳзалар етиб келади. Киши-кишини танимайди. Бор-шудинг кўкка учиб кетаётгандай бўлади...

Ёки... уруш пайтидаги манзара: нимжон отга қўшилган аравага юкланган пахта билан лиқ тўла қанорлар, адирли йўллар, паға-паға булутли осмон...

## ОТАЁР

# ИСТЕЪДОД КЎЗГУСИ

Хайдар яратган йирик полотнолардан бири 1983—84 йиллари юзага келди. «Сен етим эмасан» деб номланган бу асарда Ғафур Гуломнинг «Сен етим эмасан» шеърини ўқийётган ҳолатида дунё маъно, дунё характерлар акс ётади. Қаранг: вокзал, шоир шеър ўқияпти. Вагонлардан эвакуация қилинган болалар эндигина тушиб келган, республика арбоблари Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов, Ҳамид Олимжон, кўп бола асраб олган Шомаҳмудов ва бошқалар ҳозир бўлган. Кампирлар, аёллар болаларга кийим-кечак олиб чиққан. Эвакуация қилинган болаларга қўшилиб оёғидан ажраган бир солдат ҳам келган. Очиқ вагондан тушаётганлар, шпорлар, уруш пайтидаги вокзал кўриниши... Шоирдан «Сен етим эмасан»ни тинглаётганларнинг чехраларида (ҳолатнинг мушкуллигидан қатъий назар) умид, ишонч шундайгина кўриниб турар...

Рассомнинг кейинги кўпгина асарлари тақдири Хумсон томонлар билан боғлиқ бўлди. Чунки бу ерлар Хайдарнинг иккинчи ижодхонаси — табиатнинг ўзи инъом этган ижодий лабораторияси бўлди. Вўш қолди дегунча Хумсонга, унинг атрофидаги Юсуфхона, Сижжак, Нанай, Бўстонлиқ, Бурчмулла каби жойларга чиқиб кетади. «Хумсон манзаралари» туркумидан жой оладиган янги картинасининг қораламасини ишлаб бошлайди. Бу туркумдаги «Ойдин кеча», «Куз неъматлари», «Бўлажак курашчилар», «Кўчма кутубхона», «Хумсон манзаралари», «Бурчмуллалик кампир», «Баҳорнинг ғалаёнли куни» сингари кўпгина асарлар Хайдар ижодининг салобатига салобат қўшди.



— Шу кунлардаги ниятларим Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» асари асосида «Номоз полвон» номли полотно яратиш, тарихий ва замонавий мавзуларда портретлар чизиш, Ленин ва Туркистон мавзуидаги картиналарим сафини кенгайтириш, Ўзбекистонда рўй берган катта воқеалар ҳамда халқ қаҳрамонлари, атоқли бахшилар менинг диққат эътиборимда, — дейди Хайдар.

Хайдар гапираяпти-ю, менинг кўз ўнгимдан унинг «Бобур», «Эски шаҳар», она ва бола тимсолида беролган «Бизга тинчлик керак», «Ленин «Правда» мутолаасида», «Ленин ва Крупская болалар билан арча атрофида», «Беҳзод портрети», «Шамси Назаров», «Самарқандлик Пирмат бобо», «Ал Хоразмий портрети» сингари ижоди намуналари ўта бошлайди. Бирдан Бобурнинг Ватанга интиқ чехраси, ғалаёнли эски шаҳар манзаралари, она ва боланинг тинч-тотув ҳаётга бўлган ташналиги, бир умрлик хаёл оғушига чўмган кампир, Лениннинг боқий сиймоси, Ленин ва болалар, умри ва ижодини халқига бахш этганлардан бири Беҳзод шухрати, Шамси Назаровнинг ҳеч кимга ўхшамаган характери, Хоразмийнинг дунёвий сиймоси намоён бўлади. Негаки, бу сиймолар Хайдар картиналарида ўз рангида, ўз фазилатида, оддий ва боқий борлиғи билан намоён бўлган.

— Саккизинчини битириб келган Хайдар 1970 йили Беньков номидаги республика билим юртига ўқишга кирганидаёқ диққатни тортган эди, — дейди Баҳодир Жалолов. — Тенгқурлари орасида тилга тушди. Тошкентдаги Маданий орқартув техникумида рассомлик санъатидан дарс ҳам берди. Кейин Островский номидаги Театр ва рассомлик институтида таҳсил олди. Бу ерда Раҳим Аҳмедов раҳбарлигида юзага чиқарган ишлари кўргазмаларда, рассомлар давраларида оғизга тушди. Мана у 1980 йилдан буён сеvimли касби — ўқитувчиликни ҳам давом эттиряпти, Низомий номидаги Педагогика институтида республика живописидан дарс бериб келади.

Пикассо шундай деб кетган экан: «Қуёшни сарик доғга айлантириб қўядиган рассомлар бор. Лекин ўзининг маҳорати ва тафаккури билан сарик доғни қуёшга айлантирадиган рассомлар ҳам бор». Шундай қилиб зангори, кулранг, қорамтир, қизғиш-қоришиқ ранглар Хайдар мўйқаламида ҳам «тилга киради», кишини хаёлга толдиради. Мен унинг яна бир-икки иши устида тўхтай. Унинг «Кўчма кутубхона» номли картинаси бор. Унда тахминан экишга созланган шудгор далалар фонида дала шийони акс этган. Шийонда тушлик чоғи. Кўчма кутубхона ҳордик олувчилари хузурида. Кутубхоначи қиз ўртада, механизатор қизлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, колхоз раиси, орқа фонда эса далада трактор, куртак отаётган дарахтлар... Унга қараб туриб, яна бўёқлар ҳикоясини тинглайсиз, руҳингизда яратувчи бир кайфият туясиз... Шунинг учун ҳам бу картина «Хужум»нинг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган республика бадий кўргазмасида иштирок этган эди.

Хайдарнинг картиналарини республика кўргазмаларида, ўз ижодхонасида, «Ешлик» ва «Гулистон», «Совет Ўзбекистони санъати» каби журналларда кўп бор кўрганимда хузурубаш ҳолатга тушганимни эслайман. Унинг шогирдларидан бири, Низомий номидаги Тошкент Педагогика институтини ўқитувчиси рассом Беҳзод Маҳмудов сўзлари ёдимга тушади: «Хайрат хайратланишдан туғилар экан. Йўқ, жўнгина тушунтиролмадим шекилли. Нима десам экан? Фақат хайратланишдан эмас, хайратланиш бўлганда ҳам истеъдоднинг мусаффо кўзгусидан, қалб кўзи билан кўрилган хайратдангина хайрат туғилар экан. Мен худди шу ҳислатни Хайдар акадан ўргандим...»





# "ДУЖЕ БИЛАН БИР ЭДИ"

Михаил Лермонтовнинг шеърлари билан илк бор танишганимда ўн беш ёшларда эдим. У пайтда мени кўпчилик англамас ва мен ҳам уларни тушунмасдим. Нега одамлар ердаги ўткинчи ҳаётга бу қадар меҳр қўйганлар? Нега улар мангу туйғулар ҳақида ўйламайдилар? — каби саволлар мени эртаю-кеч тинч қўймас ва абадийликка эришиш учун нима қилиш лозимлигини билломай ёруғ олам кўзимга қоронғи кўриниб турган бир пайтда «Илтижо» шеърини ўқиб қолдим:

*Ернинг қабристондек зулматини  
Оташлари билан севганим учун  
Жонли сўзларингнинг ҳаёт тотини  
Кўп марта лаб мен рад қилганим учун  
Менинг ақл-идроким сендан олисда  
Йўл топмай, адашиб юргани учун,  
Илҳомнинг олови ловиллаб ҳисда  
Лоладек гупириб тургани учун,  
Менинг кўзларимнинг пок шижасини  
Ҳислар хира қилиб кутгани учун,  
Узимга тор сезиб ер куррасини,  
Сенга талпинмоққа кўрққанам учун,  
Гуноҳкор кўнгилнинг куйи остида  
Узгага сиғиниб турганим учун,  
Илтижо қиламан, эй, парвардигор,  
Гуноҳкор этмагил, қилмагин абгор.*

Қаранг! Етмиш ёшли мўйсафид эмас, ўн беш ёшли «болакай» худого нола қилиб, комил бўлмагани учун узр сўраб турибди. У севган. Ахир гўзал ҳаётни, ажойиб инсонларни ва ниҳоят, беғубор бир малакни севмай бўладими!! Булар ҳақда жўшиб-жўшиб куйламаслик, бу лаззатларга берилмаслик мумкинми! Аммо у буларнинг бари оний, ўткинчи эканидан қайғуради, абадийликни кўмсайди:

*Аммо ҳар нарсани этгучи ҳазон  
Бу ажиб оташни ўчиргил, раббим,  
Ташна боқшингга бўлгил бежон,  
Мадад бергил, тошга айлансин қалбим.  
Куй айтиш чанқоғи — даҳшатли чанқоқ,  
Шундай халос бўлай, эй парвардигор,  
Қутғилиш йўлини сен кўрсатган чоқ,  
Даргоҳингга қайғиб бораман такрор.*

Унинг ҳаётга бу даражада зийрак нигоҳ билан қарай олганига сабаб анча ёшлигиданоқ Гейне, Байрон каби буюк шоирларни севиб мутолаа қилгани ҳам сабабдир.

Бу нидо ёшгина ўспириннинг шунчаки олифталиги ёки телбаллиги эмасди. Зеро орадан ўн йил ўтгач, ҳаётнинг аччиқ-чучигини анчагина тотган Михаил Лермонтов дўстлари даврасида ўтирар экан:

*О, менинг дўстларим, яйранг беармон!  
Сизга чирик олам тақдирини нима?.. —  
дея ўткинчи лаззат билан маст бўлган кимсалар  
ҳолига ачинади. Мангулик ҳақида ўйламаган  
зотларнинг ўлимидан сўнг йўқликка маҳкум  
эканларини қайғу билан таъкидлайди:  
Уйнар бошингизда болта... кўрарман  
Орангизда уни ёлғиз менгина.*

Бу болта тақдир қуроли. У мангулик ва лаҳзалик умр ўртасидаги кўприкни олиб ташловчи восита. Умр ўтиб кетаверади. Мангуликни ўйла-

ганлар мангу яшайдилар. Олтмиш-етмиш йиллик умрининг ғамини еганлар мангулик остонасида йиқилиб қолаверади. Аслида, ким қанча хоҳласа шунча умр кўради.

Ҳаётга шу даражада зийрак нигоҳ билан қарай олган шоир ер юзидаги турмушга бефарқ бўлгани йўқ. Аксинча:

*Мен яшаиш истайман! Истайман ғамни,  
Муҳаббат ва бахтга аччиқма-аччиқ, —  
дея бу гўзал ҳаётни куйлади. Лекин у шунчаки  
лаззат оғушида яшаб ўтишни ўйлагани ҳам йўқ.*

У ўзига тухфа этилган шоирлик истеъдодини бўрондек ёниб ўтиш, ҳар қандай номукамалликка қарши аёвсиз курашиш учун берилган бир имкон деб билди:

*Надир шоир умри беташвиш бутун?  
Океан океанми бўлмаса бўрон? —  
Кулфат эвазига у яшаиш истар,  
Оғир азобларга бўлса ҳам ошно.  
Оҳанглари кўкдан у харид этар,  
Беҳуда олмайди шўҳратни асло.*

Бу фикрлар унинг «Шоир» шеърда янада аниқроқ айтилган. Маақур шеърда шоирнинг сўзи халққа зарур экани, у халқнинг хурсандчилигида ҳам, қайғусида ҳам унга ҳамдард бўлиши зарурлиги таъкидланади. Унинг фақат шахсий туйғулар билан ўралашиб қолмаслиги, аниқроғи, шахсий туйғуларини умум дардидан ажратмаслиги лозим экани уқтирилади. Лермонтовнинг ўзи бу фикрларга бир умр содиқ қола олди. Шунинг учун ҳам унинг ижодида ягона бир кимсагагина тааллуқли фикрлардан кўра ижтимоий дард акс этган шеърлар кўпроқ учрайди. Хусусан, «Ўйлар» шеърдаги ёрқин гражданлик руҳи бугунги кунда ҳам ибратлидир:

*Яхши-ёмонликка бешарму бефарқ,  
Умр бошидаёқ жангсиз сўлармиз.  
Хавфлар қаршида шарманда-кўрқоқ,  
Ҳокимлар қошида манфур қўлармиз.*

Вугина эмас. Лермонтов ушбу шеърда одамлардаги лоқайдлик ва калтабинлик ҳақида ҳам аччиқ изтироб билан ёзади:

*Санъат дурдонаси, шеърини орзулар  
Завқидан уйғонмас бизнинг фаросат.  
Ҳаётга энгил-елпи муносабатда бўлувчи, ўз  
бахти учун, эзгу туйғулар учун кураша олмайди-  
ган ночор кимсалар ҳақида:*

*Севгимиз — тасодиф, нафратимиз ҳам,  
Йўлида ҳеч нарса қилмаймиз қурбон.  
Қонда ёшлик ўти қайнаб турган дам  
Сирли бир совуқлик унда ҳукмрон, —*

дея истеҳзо аралаш куйиниб сўзлайди. Воожаб, бу гаплар маълум даражада бугунги кунга ҳам тўғри келмайдими?! Ахир бугунги кунда ҳам «Санъат дурдонаси, шеърини орзулар завқидан» бебаҳра, бефаросат кимсалар эзгу, пок туйғулар учун курашмайдиган ночор зотлар тўлиб ётибди-ку! Лермонтов бу кимсаларнинг ночор ва нотавонлиги уларнинг фақат шу бугун билангина яшаб, ўтмиш ва келажакни ўйламасликда деб билади:

*...Ўтмишга мазахли назар ташлаб, сўнг  
Тобутга шошамиз бахтсиз, шарафсиз.  
Тез унут бўлгучи мунгли тўдадай,  
Давр учун бирорта доҳиёна иш,  
Бирор самарали фикр қолдирмай,  
Дунёдан ўтамиз беиз, беташвиш.*

Шоирнинг бу қадар изтироб чекишига сабаб, у келажак авлод олдидаги масъуллик туйғусини бир дақиқа бўлсин ёддан чиқармайди. Биз бугунги кунда тўғри сўзни айта олмаганимиз, юксак туйғулар билан яшамаганимиз учун, ўтмишни унутганимиз ва келажакни ўйламаганимиз учун келгуси авлодларимиз олдида гуноҳоримиз деган фикр «Ўйлар» шеърининг мазмуний якуни бўлиб янграйди:

*Мулкин сотиб ичган ота қабрида  
Аламли кулгандай алданган ўғил,  
Гражданлик ҳаққи билан, ҳокимиз узра  
Нафратли шеър ўқир келгуси бўгин.*

Лермонтов ижодида ижтимоийлик, халқчилик бакироқ хитоблар ва яланғоч, юзаки тасвирдан иборат эмас. Аксинча бу шахсий дардга айланган ижтимоийликдир. Гўё шоир ҳар вақт жамиятнинг энг онгли қисми тилидан гапирди Шунинг учун ҳам унинг асарлари дунёни чуқурроқ, яхшироқ англашга интилган, ҳаётнинг том мазмунини ахтарган барча одамларга ҳеч бир изоҳсиз ҳам тушунарлидир.

Лермонтов ижодидаги бу умуминсоний туйғулар Абдулла Ориповнинг куйидаги мисраларини беихтиёр ёдга солади:

*У на шоир эди ва на буюк зот  
Лекин дунё билан бир эди дарди.*

Албатта, бу мисралар Лермонтов ҳақида битилмаган. Аммо Лермонтовнинг бутун ҳаёти ва ижоди унинг ҳам дунё билан дарди бир эканини кўрсатади. Унинг асарларида исёнкорлик, қоникмаслик руҳининг кучли эканига ҳам шоирнинг инсон ҳаётини ҳаминиша юксак мазмун излагани, кўпларнинг бири бўлаб яшаш фикри билан мутлақо келиша олмагани сабабдир.

Шоир асарларининг аксарияти ва хусусан «Замонамиз қахрамони» романининг асосида бемақсад, бемазмун турмуш инсонни маънавий ҳалокатга етаклайди деган фикр ётади. Бу романинг бош қахрамони Печорин ёш, жуда бой, шу билан бирга ақлли, истеъдодли шахс. Аммо у ҳаётда эътиқодсиз, маслакисиз ва бир мақсадсиз яшагани учун ҳам бахтли бўла олмайди. Яшайдан бир мазмун кўра олмагани учун севганига етишиши ёки кимнингдир уни қаттиқ севгани, ёйинки дўстлар дийдори ҳам бу гўзал қалбли кимсага тугал шодлик, ором бағишламайди. Ҳар қандай хурсандчилик уни ночорликдан қутқара олмайди. Чунки эътиқодсиз кимса чинакам бахтли бўлиши мумкин эмас.

...Жаҳон адабиёти дурдоналарини неча қайта ўқисангиз илгари пайкамаган гўзалликларидан яна баҳра топаверасиз. Такрор ва такрор мутолаа қиласиз. Михаил Лермонтовнинг ўлмас ижоди ҳам ана шундай такрор ўқиладиган гўзал сўз санъатларидан саналади.

## Комсомол зарбдор қурилишларида

Рассом Берта Штин узоқ йиллар республика матбуотида ишлади. Пенсияга уни «Ёш ленинчи» газетаси кузатиб қолганлиги бежиз эмас, негаки ёшлик ғайрати тўфайли Берта Штин ҳар йили Ўзбекистонлик ёшлар меҳнат қиладиган Бутуниттифоқ қурилишларида бориб туришни тарк этмади. У 1987 йилнинг ёзини Фарғона политехника институти студент қурилиш отряди меҳнат қилган Саянск (Иркутск области)да ўтказди.

Расмларда: инженерлик-иқтисод факультетининг III-курс студенти Маҳмуд Назиров: бетон ётқизиш ҳақиқий йигитнинг иши.





# РУС ТУЗУ СЎБОҚИ

Бешинчи сабоқ

Азиз ўқувчилар, ўтган сабоқларда рус тилидаги айрим кўмакчиларнинг кишилик олмошлари билан қўлланиши, русча санашни ва саломлашишни ўргангандингиз.

Бу сабоқда рус тилидаги «Ц», «Щ» товушларининг талаффузини, кишилик олмошларининг «близ» сўзи билан ишлатилиши ҳақида маълумотни ва русча хайрлашишни билиб оласиз.

«Ц» товушини айтиш учун нутқ органлари қаттиқ «т»ни талаффуз қилишга тайёрланиб, бирдан «с» айтилади — натижада «Ц» товуши вужудга келади; «Щ» қаттиқ бўлгани учун ундан кейинги унли ҳам қаттиқ айтилади:

цирк — цирк  
цинк — рух  
цикуль — паргор  
цифра — рақам  
мотоцикл — мотоцикл  
рацион — егулик  
пациент — қаровдаги касал  
лекция — лекция  
станция — станция

Қуйидаги мақол ва маталларда (пословицы и поговорки) «ц» товушининг айтилишига эътибор бериб, уларни эслаб қолишга ҳаракат қилинг:

Лучше иметь ум с пуговицу, чем рост с верблюдину — Туядек бўйинг бўлгунча, тугмачадек ақлинг бўлсин.

Настоящему молодцу сто профессий к лицу — Бир йигитга етмиш ҳунар оз.

Дом с детьми — светлица, дом без детей — темница. — Болалик уй — бозор, боласиз уй — мозор.

Что в сердце варится, на лице не утаится — Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади.

Любому молодцу скромность к лицу — Камтарга — камол, манманга — завол.

Сердце веселится, и лицо цветёт — Кулги умрга умр қўшади.

Краса до венца, а ум до конца. — Ҳусн тўйда керак, ақл кунда керак.

Сын — соловушка в светлице, дочь — цветочек в той светлице — Ўғил — уйнинг булбули, қиз бўлса — уйнинг гули.

Всякий молодец на свой образец — Ҳар бир шоирнинг ўз сози бор.

Рус тилидаги «Щ» товушини талаффуз қилишда тилнинг олд қисми юқори тиш, милк ва қаттиқ танглайга яқинлашади, тил учи эса милкка салгина тақалади, тилнинг ўрта қисми қаттиқ танглайга кўтарилади; тил ёнлари тишлар билан жипслашади ва чўзиқ «Ш» каби айтилади, масалан:

щука (ш'ука) — чўртанбалиқ  
щепка (ш'эпка) — пайраҳа  
щель — (ш'эль) — тирқиш, ёриқ  
ящик — (йаш'ик) — қути, тортма  
пицца — (пиш'а) — овқат  
роща (рош'а) — дарахтзор

Ушбу мақол ва маталларни ёдлаб, «Щ» товушининг айтилишига эътиборни қаратинг:

1: — чўзиқлик белгиси.

Если говорящий — дурак, слушающий должен быть мудрым — Айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно бўлмоғи керак.

Куда обращены глаза, туда обращена и любовь — Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам шу ерда бўлади.

Пока размышляющий размышляет, рискующий дело завершает — Ўйчи ўйига етгунча, таваккалчи ишини битирар.

Малая пицца — лучшая пицца. — Оз-оз емак — соз емак.

Снаружи блестяще, а внутри дрожаще. — Усти ялтироқ, ичи қалтироқ.

Идущий — поток, сидящий — половик. — Юрган — дарё, ўтирган — бўйра.

Кишилик олмошларининг иккинчи шакли, яъни «меня», «тебя», «него», «неё», «нас», «вас», «них», «близ» кўмакчиси билан ҳам ишлатилади:

близ меня (близмина) — менинг яқинимда, ёнимда, олдимда;

близ тебя (близтиба) — сенинг яқинингда, ёнингда, олдингда;

близ него (близнивў) — унинг яқинида, ёнида, олдида;

близ неё (близнийў) — унинг яқинида, ёнида, олдида;

близ нас (близнас) — бизнинг яқинимизда, ёнимизда, олдимизда;

близ вас (близвас) — сизнинг яқинингизда, ёнингизда, олдингизда;

близ них (близних) — уларнинг яқинида, ёнида, олдида.

Мисоллар: близ тебя (близ меня, близ него, близ неё, близ нас, близ вас, близ них) живёт мой брат. — Сенинг яқинингда (менинг яқинимда, унинг яқинида, бизнинг яқинимизда, сизнинг яқинингизда, уларнинг яқинида) акам туради.

Близ нас (близ вас, близ них) строят детский городок. — Бизнинг ёнимизда (сизнинг ёнингизда, уларнинг ёнида) болалар шаҳарчаси қуришяпти.

Близ них (близ нас, близ вас) находится политехнический институт. — Уларнинг яқинида (бизнинг яқинимизда, сизнинг яқинингизда) Политехника институти жойлашган.

Близ него (близ меня, близ тебя, близ неё, близ нас, близ вас, близ них) проходила колонна автомашин. Унинг олдидан (менинг олдимдан, сенинг олдиндан, бизнинг олдимдан, сизнинг олдингиздан уларнинг олдидан) автомашиналар колоннаси ўтарди.

Энди санашни давом эттирайлик. Йигирмагача санашни олдинги сабоқлардан билдик. Рус тилида ҳам ўзбек тилидаги каби йигирмадан кейин бирликлар алоҳида ёзилади:

двадцать (двадцет) — йигирма  
двадцать один (одна, одно) — йигирма бир  
двадцать два (две) — йигирма икки  
двадцать три — йигирма уч  
двадцать четыре — йигирма тўрт  
двадцать пять — йигирма беш  
двадцать шесть — йигирма олти  
двадцать семь — йигирма етти  
двадцать восемь — йигирма саккиз  
двадцать девять — йигирма тўққиз

Қолган ўнликлардан (тридцать, сорок, пятьдесят, шестьдесят, семьдесят, восемьдесят, девяносто) кейин ҳам одна, одно, два, две, три, четыре, пять, шесть, семь, восемь, девять каби бирликлар йигирма (двадцать) билан келгандагидек бўлади; қолган ўнликлар рус тилида қуйидагичадир:

тридцать — (трицит) — ўттиз  
сорок (сорик) — қирқ  
пятьдесят (пидисат) — эллик  
шестьдесят (шисдисат) — олтмиш  
семьдесят (сэмдисит) — етмиш  
восемьдесят (вўсэмдисит) — саксон  
девяносто (дивиноста) — тўқсон  
Рус тилида юз «сто» дейилади.

Ҳурматли ўқувчилар, энди русча хайрлашишга оид сўз ва гаплар билан танишиб, сабоғимизни яқунлаймиз;

До свидания. — Хайр.

До скорого свидания. — Тез фурсатда дийдор кўришайлик.

До скорой встречи — Тез кунда кўришгунча хайр.

Да завтра — Эртагача хайр.

Счастливого пути! —

Оқ йўл!

Сафарингиз бехатар бўлсин.

Всего хорошего — Хайр, кўришгунча омон бўлинг

Передайте всем привет — Ҳаммаларига салом айтинг.

Сабоқни С. АБДУЛЛАЕВ тайёрлади







## Равшан ФАЙЗИЕВ

\* \* \*

Мана бу ҳовелига уруш тош отган —  
Дераза боқади кўзлари синиб.  
Кампир, она эса сандиқда ётган  
Учбурчак хатларга яшар исиниб.

Унинг дарвозада отади тонги,  
Кунни ҳам дарвоза олдида тугар.  
Уйламоқчи бўлган уч пахлавони  
Қирқ йилки қайдадир урушни қувар.

## Вақт ранглари

Мен ўйнаб қолибман болалик билан...

Дунёга боқдимиз кўзларим йириб  
Ҳаётда яшашга шошилдим бирдан.  
Мен ахир йигирма олтига кириб  
Хайрлашолмапман-ку, эртақлар билан.

Самовий хаёллар кўнглим олибди  
Турибман, ҳаётим — бенаф, бесамар.  
Йиллар — имконларим кетиб қолибди.  
Йиллар рангларимни ўғирлабдилар.

Соядай судралиб қишлоққа қайтсам  
Ундан иссиқ кунлар бўлибди бадар.  
Мен ўзимча ўрик, узум тусасам  
Онам менга туршак, майиз бердилар.

## Остонада

Кўк эшик.  
Оҳорин сақлаган шарқона нақши,  
Рақами... йўқ шекил...  
Кимлигинг кўргали тугмадай тешик  
ва ити йўқлиги яна ҳам яхши.  
Афсус — пойабзаллар уч эшакка юк.

Узга уй. Кўк эшик.  
12 нинг ўнг томонида  
ўқ еган юракниг сурати турар —  
бўйга етган қиз. Исми Дилафрўз.  
(Ижарага қўймайди улар).

Биринчи қават.  
Оддий ва жўн оқ эшик.  
Ярақлайди қизғиш рангли — 1.  
Кўнгироқ тугмаси — булбулнинг тили  
Сайратсанг... марҳамат.  
чиқиб келар ё чол, ё кампир.

Мадад бер бобомнинг мероси — журъат!

## Умр

Тетапоя бўлиб, қаддингни тугиб,  
Гурпак гурпроқларга ботдинг, беландинг.  
Тўйларда — олишда ютқазиб, ютиб,  
Кимларни эладинг, кимдан эландинг.

Бугун сен йўлимга эш эмас, элмас.  
Бугун бош сараклаб сени ўйлагум.  
Ювиб киймоқлик ҳам қўлимдан келмас.  
Менинг болалагим — алвон қўйлагум.

Кия-кия кир қилдим сени.

Улоқда дулдуллар чопди пишқириб,  
Давраларга кирдинг, дадил от солдинг  
Борица талашдинг, торгдинг. Ишқилиб  
Каттами-кичикми солимлар олдинг.

Ва бугун вужудим шамолмас, елмас,  
Бугун кўпкарига четдан бўйлагум.  
Янгисин тикмоқлик қўлимдан келмас,  
Ешлик — менинг йиртиқ-ямоқ қўйлагум...

Кийиб-кийиб кўнарғим<sup>1</sup> сени.

## Кўзлар

Мен балки қад кериб юра олмасдим.  
Балки яшармидим сал бошқачароқ.  
Хатти-ҳаракатим баланду настин  
Еритиб турмаса минг битта нигоҳ.

Мункиб кетишга ҳеч ҳаққим қолмайди,  
Мажбур бўладурман тўғри юришга.  
Кетиб қололмайман саланглаб, дайдиб,  
Имкон ҳам бўлмайди жим ўтиришга.

Шундан кўп нарсага етади вақтим,  
Бормаслик гуноҳдир, кечикиш уят.  
Қизармоқ,

оқармоқ,  
сарғаймоқ бахти

Мени бу ҳаётда туради суяб.



\* \* \*

Янги йил кирмоқда, янги йил.  
Ўтирибман  
ўтган-кетган кунларни эслаб.  
Давра хурсанд, давра муттасил  
Гап чайнайди ақлини пешлаб.

Янги йил  
Кутаяпмиз сени  
арчалар безаб.  
Барча уйғоқ, барча оёқда.  
Фақат менинг акамлар эса  
Ухлаб қолди ҳозир қишлоқда.

Баҳор инжиқ келди,  
Ез инжиқ келди.  
Кузак сернам бўлди,  
Пахта кеч тўлди.  
Элнинг оёқ чўзганига  
бўлса тўрт-беш кун бўлди.

Шундай... пахтазорнинг шартлари оғир.  
Киприкларга қўнган гардлари оғир.  
Кўзларингни шундай юмиб юборар  
Ҳалиям шу элнинг мардлари оғир.

## Чўлқуварга

«Ер ҳайдасанг куз ҳайда,  
Куз бўлмаса юз ҳайда...»  
Далангни шудгор қилдинг  
Қўшигинг айта-айта.

Сўнг қишлоқ келиб гавжум  
Чўлларга қилдинг хужум.  
Кимлардир эргашдилар  
Тақдирдан бўлиб мамнун.

Пешонангни тер қилдинг,  
Қўриқ очдинг, ер қилдинг.  
Меҳнатингни маддоҳлар  
Достон, қўшиқ, шеър қилди.

<sup>1</sup> Кўна — шевада кўҳна маъносида.

# Шеърнама

Сен бунга кериб кўкрак,  
Ол, дея менадан ўрнак  
Суратларга тушдинг-ей,  
Қўлингда пахта-кўрак.

Қишларда шўрни ювдинг,  
Баҳорда чўлни қувдинг,  
Оқа-оқа ортингдан  
Аранг улгурди сувинг.

Тош, метинга айландинг,  
Далангни куз ҳайдадинг.  
Гар кузда улгурмасанг  
Баҳорда юз ҳайдадинг.

Пўлат отларга миндинг,  
Чўллар чўчиб чекинди.  
Минг йиллик у кўчманчи  
Барханлар ҳам бекинди.

Пахта бўлиб чорбоғинг,  
Даланг, ҳовлинг, сўл-соғинг,  
Бугун ётсанг кўрпангдан  
Чиқиб қолди оёғинг.

Сен айтдингки: «Бўл, хо бўл»...  
Чидайберди Орол — кўл.  
У ҳали ҳам жим, лекин  
Энди у-чи, Оролчўл.

Энди сен-да турмай тек  
Ҳаракат қил, қаддинг эг.  
Ортингдан эл тўзитиб  
Оролчўлга чигит эк.

Фақат сен ясаиб мўй  
Гар кўчмоқни қилсанг ўй,  
Бўйинг, энинг ва хатто  
Кўрпангни ҳам ўлчаб қўй.

Сўнг қадам олиб майда  
Ер ҳайдасанг куз ҳайда.  
Гар кузда улгурмасанг  
Баҳорларда юз ҳайда.

\* \* \*

Биров айбситади — ўзида гард йўқ.  
Биров сув юқтирмас сиртига — дард йўқ.  
Ҳамма ҳақиқатгўй ўртада битта  
Балки мен ноҳақман дейдиган мард йўқ.

\* \* \*

Бир кунни меники бўлади осмон.  
Юмшайди бир кунни бағритош шу ер.  
Ҳозирча тирикман  
Ҳозирча омон.  
Ҳозирча кўк олис, замин қаттиқдир.

Бир кунни меники бўлади осмон,  
Юлдуздан юлдузга кўчади руҳим.  
Ортидан анграйиб боқадир ҳайрон  
Тош каби вужудим,  
тошдай андуҳим.

Меники бўлади бир кунни шу ер.  
Қайтмас руҳим кутиб жимжит ётаман.  
Шунда дийдалари ернинг юмшайдир  
Ва мен оғушига ботиб кетаман.

Меники бўлади шу ер, шу осмон...





Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида ёзиладиган иншолар тематикасида образларга характеристика бериш назарда тутилган мавзулар салмоқли ўринни эгаллайди. Бундай иншолар шартли равишда уч турга бўлинади:

- а) якка образга характеристика берувчи;
  - б) гуруҳий образларга характеристика берувчи;
  - в) образларга қиёсий характеристика берувчи.
- «Алишер Навоийнинг Фарҳод ва Ширин достонидаги Фарҳод образига характеристика», «М. Горькийнинг «Она» романидаги Пелагея Ниловна образига характеристика» темасидаги иншоларда якка образга характеристика бериш талаб қилинади. «Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод ва Ширин образларига характеристика», «Ойбекнинг «Қутлуг қон» романидаги меҳнаткашлар образи» каби мавзуларда гуруҳий образларга характеристика берилади. «Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Ғофир ва Солиҳбой образларига қиёсий характеристика», «Ойбекнинг «Қутлуг қон» романидаги Гулнор ва Нури образларига қиёсий характеристика» каби темаларни ёритишда икки қарама-қарши феъл-атвордаги қаҳрамонларнинг хусусиятлари қиёсланади.

Абитуриентлар образларга характеристика бериладиган иншоларда кўпинча асарнинг мазмунини баён қилишга киришиб кетадилар. Еки қаҳрамонлар ҳақидаги фикрларини асарда воқеалар тизмаси тартибда баён этадилар. Вазифани бу тарзда бажаришга киришиш мақсадга мувофиқ эмас. Кўпчилик абитуриентлар образларга характеристика беришда мутлақо темадан четга чиқиб кетадилар. Иншо бошланишидан то охирига қадар асарнинг мазмунини баён қилишдан иборат бўлиб қолади. Образларга характеристика бериш шундай бадий ифода талб қиладики, абитуриент асарнинг социалистик реализм принципларига амал қилган ҳолда ёзилганлигига эътиборни жалб қилиши лозим. Ана шундагина бирор конкрет образга ёки образлар гуруҳига тўлақонли характеристика бериш мумкин. Кейинги пайтларда образ ҳақида ёзиладиган иншоларда яна бир камчилик кенг тус олмақда. Хусусан, А. Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги Анвар ҳақида фикр юритганда асардаги «Бахмалбофда фақир бир оила», «Танисанми шу жажжи қизни» бобларидан парчалар кўчириб ёзилмоқда. Асардаги қаҳрамоннинг хусусиятлари юзасидан мулоҳаза юритишнинг бу кўриниши ҳам тўғри эмас.

Якка образларга характеристика беришда асар қаҳрамонининг асосий ҳислатлари иншо мазмунининг таянч нуқталари бўлиб ҳисобланиши лозимдир. Иншонинг тексти асар воқеаларининг эмас, планда қайд этилган хусусиятларнинг тартибига биноан ёзилади. Масалан, Фурқатнинг «Суворов» поэмасидаги Суворов образига характеристика» темасида иншо ёзилиши талаб этилди, дейлик. Иншонинг планида А. В. Суворовнинг ватанпарварлигини ёритиш назарда тутилган модда киритилиши табиий. Қаҳрамоннинг бу ҳислатини ифодалаш учун бир вақтнинг ўзида ҳам дostonнинг дастлабки қисмидаги воқеаларга, ҳам ўрта ва сўнгги қисмлардаги ифодаларга мурожаат қилинаверади. Хусусан, дostonда Суворовнинг подшо Павел билан муроасага келишмаслиги, Кончанское қишлоғида болаларга ҳарбий таълимдан машғулотлар ўтказиш, подшога бўлган аламини унутиб яна қўшинларга қўмондонлик қилишга розилик билдириши, Италияда Наполеон қўшинларини тор-мор келтириши воқеалари ундаги ватанпарварликни ифодалаш мақсадида тасвирланган. Демак, қаҳрамондаги бу хусусиятни ёритиш учун қайд этилган эпизодларга бир моддага жавоб бериш процессида мурожаат қилиш мумкин. Қаҳрамоннинг камтарлиги ҳақидаги далилларни ҳам шу йўсинда ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Совет адабиётига мансуб бўлган асарлардаги образларга характеристика беришда кўпроқ қаҳрамондаги динамика ўзгаришга эътибор бериш яхши бўлади. Айрим абитуриентлар образдаги динамика тараққиётни механик равишда баён этадилар. Қаҳрамон асарнинг дастлабки саҳифаларида ундай эди, сўнггида бундай даражага кўтарилди, дейиш билан чегараланадилар. Ваҳоланки, ёзувчи асар қаҳрамондаги руҳий ўзгаришларни психологик жиҳатдан асослашга ҳамиша алоҳида эътибор билан қарайди. Масалан, М. Горькийнинг «Она» романидаги Пелагея Ниловна дастлаб XX аср бошларидаги меҳнаткаш рус аёлларидан фарқ қилмайди. Унинг кундалик машғулиги уй-рўзғорига қарашдан ташқарига чиқмасди. Аммо асарнинг сўнгги саҳифаларида у тажрибали, революция ишига фидойи рус аёли даражасига кўтарилди. Хўш, бу ўзгариш ёзувчи томонидан қандай асосланган? Бу саволга жавоб бериш учун «Она» романининг тўла тексти мукаммал равишда ўқиб чиқилган бўлмоғи лозим. Агар эътибор билан қаралса, асарни ташкил этувчи икки бўлимдан биттаси Ниловнанинг революцион ҳаракатга онгли иштирок этишини эндигина бошлаганига қадар унда рўй берган ўзгаришларнинг тавсифига бағишланади. Дастлаб Павелнинг хатти-



## ИНШОДА ОБРАЗЛАРГА ХАРАКТЕРИСТИКА БЕРИШ

ҳаракатидаги ижобий ўзгаришлар уни хавотирга солади. Павел уйга ҳушёр кела бошлайди, ўринларини ўзи йиғиштиради, бежирим кийинишга уринади. Бу ҳолат онани кўрқувга солади. Уғлидаги кескин ўзгаришларни қабул қилишга у тайёр эмасди. Ниловнанинг уйда китоблар пайдо бўла бошлайди. Ниҳоят, сирли меҳмонлар келишади. Уларнинг сўхбатларига ногоҳ қулоқ солган она ҳаёт ҳақида мулоҳаза юритишни ўрганади. Павелни биринчи марта қамоққа олганларида, она заводда яширин варақа тарқатишга розилик беради. Аммо бу ҳаракат фақат ўғлига бўлган муҳаббатининг самараси эди. Заводда варақалар тарқатилишининг давом этиши Павелнинг қамоқдан чиқшини тезлатарди. Кейинчалик Ниловна ўғлини муҳофаза қилиш мақсадида Павел қатнашган митингда, намойишда иштирок этади. Сашенька, Андрей Находка, ака-ука Гусевлар, Рибин билан сўхбатда бўлади. Бу воқеа-ҳодисаларнинг тадрижий равишда амалга ошириши натижасида Пелагея Ниловнада руҳий ўзгариш рўй беради.

Маълум бўладикки, қаҳрамон характеридаги

ҳар бир янги хусусият, фазилат ёзувчи томонидан бадий асарда асослаб борилади. Ёзилаётган иншода масаланинг бу томони ҳам ўз ифодасини топиши зарурдир.

Гуруҳий образларга характеристика беришда фикр юритилаётган персонажларнинг умумий хусусиятларини аниқлаб олиш керак. Аввало уларнинг ижобий ёки салбий қаҳрамон эканлигига эътибор берамиз. Ундан сўнг қандай хусусиятлар улар учун умумий эканлигини аниқлаб оламиз. Шундан кейингина тема хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ўзига хослигини ёритишга уринамиз. Масалан, Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасидаги Зайнаб ва Омон образига характеристика беришда бу икки қаҳрамоннинг совет даврида бахт топган ёшлар экани, уларнинг меҳнатсеварлиги, янгича дунёқараш асосида тарбияланганлиги, муҳаббатга бўлган муносабатлари ёритилади. Шоир томонидан Зайнабнинг фаолроқ тасвирланганига эътибор берилади. Бу билан шоир 30-йиллардаги совет хотин-қизлари онгидаги ўзгаришларни тасвирламоқчи экани айтилади.

Бу турдаги иншоларда бадий асардаги иккинчи даражали образлар гуруҳига характеристика бериш мураккаброқ ҳисобланади. «Она» романидаги революционер ёшлар, «Қутлуг қон» романидаги меҳнаткашлар образлари ҳақида фикр юритишда кўпроқ иккинчи даражадаги персонажларга эътибор бериш назарда тутилади. Асосий қаҳрамонларнинг номлари тилга олинса-да, уларнинг характери мукаммал ёритилмайди. Жумладан, «Она» романидаги революционер ёшлар образини ёритишга бағишланган ёзма ишда Сашенька, Андрей Находка, ака-ука Гусевларнинг маънавий қиёфалари юзасидан мулоҳазалар баён этилади. Уларнинг меҳнаткашлар синфи вакили экани, революция ишига фидойилиги, иродаси кучли ва жасур эканликлари ёзилади. Павел Власов эса зарур ўринлардагина тилга олинади. Чунки иншо темаларида Павел Власов образига алоҳида бағишланган мавзу ҳам бор бўлиб, ўша темани ёритишда Павел характери иншонинг асосий мазмунини ташкил этишни унутмаслигимиз лозим.

Абитуриентларнинг кўпчилиги қиёсий характеристика беришга оид иншоларни ёзишга қийналадилар. Уларнинг бу темани ёритиш учун тузган планлари ҳам, ёзган иншолари ҳам икки қисмдан иборат бўлиб қолади. Хусусан, Ғофир ва Солиҳбой образларига қиёсий характеристика ёзган абитуриентлар аввал Ғофир, сўнгга Солиҳбой ҳақида фикр юритадилар. Ўз навбатида иншода ҳам ўқитувчи ўқишга кирувчининг дастлаб ижобий, кейинчалик салбий қаҳрамон дунёқарашини ҳақидаги мулоҳазаларни ўқийди. Бу тўғри эмас. Бундай иншоларда мусбат ва манфий характердаги шахсларнинг бир масалага икки хил муносабатларини ифодаловчи нуқталарни аниқлаш лозим. Масалан, назарда тутаятган темамиздаги ёзма ишнинг асосий қисми тахминан қуйидаги кўринишга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир:

1. Ғофир ва Солиҳбойнинг меҳнатга бўлган муносабати:

- а) Ғофир — меҳнаткаш халқ вакили;
- б) Солиҳбой — ўзгалар меҳнати эвазига бойлик орттирувчи текинхўр;

2. Ғофир ва Солиҳбойнинг халққа бўлган муносабати:

- а) Ғофир — халқ манфаатини ҳимоя қилувчи, унинг номидан сўзловчи инсон;
- б) Солиҳбой — халқ душмани.

3. Ғофир ва Солиҳбойнинг аёлларга бўлган муносабати:

- а) аёлларни ҳурмат қилиш Ғофирнинг асосий фазилатларидандир;
- б) Солиҳбой — аёлларга бой-феодалларча муносабатда бўлувчи мунофиқ шахс.

Кўрсатиб ўтилган план асосида ёзилган иншода Ғофир ва Солиҳбой ҳақидаги фикрлар олдинмакейин баён этилади ва тема ўзининг изчил ифодасини топади.

Образларга характеристика бериш талаб қилинадиган ёзма ишларда абитуриент албатта ўз фикрларини бадий асардан парчалар келтирган ҳолда исботлаши лозим. Айрим абитуриентлар қаҳрамонлар нуқталаридан, лиро-эпик асарлардан парчалар келтириш лозимлигини унутиб қўядилар. Еки қаҳрамонлар нуқталаридан нотўғри цитаталар олиб, кўчирма гап тарзида бераверадилар. Масалан, иншода «Фарҳод: — Ҳунарни асраб нима қиламан,— дейди ва тоғ қазнига киришиб кетади» тарзидаги гапларни ўқишга тўғри келади. Ваҳоланки, Фарҳод ўз фикрини бундай ифодаламайди. У: «Ҳунарни асрабон неткумдур охир, Олиб тупроққа кеткумдур охир»,— деган эди. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, абитуриентларнинг иншоларида учрайдиган бир қатор орфографик хатолар асарлардан олинган цитаталарга тўғри келади. Шунинг учун асардан олинган парчаларни имло жиҳатдан аниқ ёза олиш даражасида ёдлашга ҳаракат қилиш керак.

филология фанлари кандидати  
Р. САИДОВА.





(ижодкор ва лирик қаҳрамоннинг маънавий ҳуқуқи)

Бугун ижодкорнинг гражданлик бурчи инсон руҳидаги ана шу мураккаб ҳолатни, қарама-қаршиликларни қай даражада ифода этиши, ҳақиқатга муносабати ва ўз асарларига танқидий назар ташлаши билан ўлчанапти. Лирик қаҳрамоннинг ҳаётгиллиги ва табиийлиги асардаги қаҳрамоннинг кечинмаларига, ўйлари ва дардига ишониш ва ишонмасликдан ташқари яна унинг шундай мулоҳаза юритишга маънавий ҳуқуқи борми, деган масаланинг ижодий ҳал қилиниши билан ҳам баҳоланапти. Шу нуқтан назардан бугунги шеърятимизга назар ташласак, бизни кувонтирадиган, чинакам поэтик асар деб айтишга арзийдиган намуналарига ва яна унинг акси бўлган қуруқ, баландпарвоз ҳайқириқлардан нарига ўтмаган ҳисси мисралар йиғиндиларига дуч келишимиз.

Мирза Кенжабоевнинг «Акс садо» деб аталган шеърдаги куйидаги парчага эътибор қилайлик.

*Кўз оч — эй ҳаётнинг ёзиғини буз,  
Инсоннинг инсонга тазийғини буз,  
Сенда бир тўшингни тигларга тигдир.  
Улдири чингдига хонини ўлдир.  
Кўрдинг, учиб турган отлар қулади,  
Тирик қуламаган зотлар қулади:  
Мансабу инвонлар бари бир пулдир!  
Улдири чингдига хонини ўлдир.*

Юқоридаги парчада кечаги ҳаёт ҳақидаги алам-ли нидо, шоир лирик қаҳрамонининг виждон қийноғи, «Покланиш даври кўшиғи» тарзида ўқувчининг қалбини титратувчи бир оҳангда ифода этиляпти. Шунинг учун ҳам шеърят мухлиси, бу мисралар замиридаги лирик қаҳрамоннинг ўйлари, ҳақиқатга ундовчи кечинмаларига ишонади.

Усмон Азим шеърларидаги лирик қаҳрамоннинг ўзини сўроқловчи бешафқат нидоларида ҳам бугуннинг руҳи, нафаси уфуриб турибди. Шоир инсон ҳақиқат билан юзма-юз келганида у билан ёнма-ён тура олиши унчалик осон эмаслигини, одам ўз бўлагининг разил қисмига аёвсиз муносабатда бўлсагина шу ерда самимият, поклик туғилишини лирик қаҳрамон нутқида сингдиради ва шу орқали унинг кечинмаларини баён этади.

*Узингни аяма,  
Бешафқат бўлгин.  
Жонингга солиб тургин гоҳида буров,  
Шунда топилади  
Хонин бўлагини.  
Унга раҳм қилма,  
Қатл қил дарров.  
Узингни аяма  
Бешафқат бўлгин.  
Жанг қил  
Била туриб  
мағлубиятни,  
Шунда  
чекинади  
Сотқин бўлагини.*

Азим Сузон ўтмишнинг аламли ноҳақликларидан куйиниб, оғир дард билан мулоҳаза юритар экан, даврининг ҳар бир ноҳақ қадами, «улуғ»ларнинг «халқ манфаати» деб халқ бошига келтирган мусибатлари, уларнинг юрагига ўчмас, аянчли из қолдирганини ҳаяжон билан қаламга олади. Покланиш деб аталган даврининг моҳиятини лирик қаҳрамон руҳидаги тўқнашувлар орқали изоҳлайди.

*Жасорат уммонининг  
Тошадир қаҳри  
Ва лекин Азроил қўллари озод.  
Еп-ёруғ дунёнинг  
борлиги ёлгон,  
Бетон катаклардан иборат дунё.  
Ул ёвуз тўхтади...  
Бу — Фитрат, Чўлпон...  
Аламлар карвонлар тизими гўё!  
Пайт етди жўралар,  
Куйлайлик бугун  
Қўшиқларга қўшиб улар номини.  
Оқ, оппоқ бўзалар  
Кўпирсин гулгун,  
Тугдайин тугайлик пок каломини!*

Бундай шеърлар эндиликда устоз шоирларимиздан тортиб, ёш ижодкорларимизгача бўлган қалам аҳлининг асарларига ҳаётгиллик, таъсирчанлик, чуқур мушоҳадалик ва бадиийлик бахш этипти. Буни шубҳасиз давр руҳидан келиб чиқётган фикрлашдаги ошкораликнинг бадиий ижоддаги кўриниши деб изоҳлаш мумкин.

Афсуски ҳали ҳам қайта қуриш руҳини англаб етмаслик, англаб етсакда, уни шунчаки мадҳ этишдан иборат бир мазмунга айлантириб олиш, поэзиямиздаги тантанавор, баландпарвоз, ҳиссиз ижоднинг «гуллаб-яшнаши» га сабаб бўляпти. Бундай шеърларда сунъий оҳанг, сохталик, баъзида расман ёлгон унинг бутун моҳиятига сингиб бораёпти. Ҳатто иқтидорли деб тилга олинаётган айрим ёш шоирлар ижодида ҳам бу каби нуқсонлар учраб турибди.

Назаримизда бугун айрим ижодкорлар асарларида илгари содир бўлган офаринчиликка ўзларини ҳам даҳлдор ҳисоблаб, улардан нафратланиб, эндиликда гўё бирданга ёруғликка чиқиб қолган одамдай афсусланиб мулоҳаза юритаётган бўлсада улардаги сохталик, лирик қаҳрамоннинг сунъий ва носамимийлиги аниқ ва равшан сезилиб қоляпти.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (1987 йил 27 март) Рамз Бобожоннинг «Виждон овози» достонидан парча эълон қилинди. Агар шеърда баён қилинаётган фикр чинакам бадиий тарзда ифода этилганида, унинг номи ҳам «Виждон овози» эмас, «Виждон азоби» деб аталганида ўқувчи иккиланиб бўлсада шоирнинг айтганларига ишониши мумкин эди. Лекин китобхон ўзида пайдо бўлиши мумкин бўлган бундай ишонч учун шеърдаги мисраларидан таскин тополмайди.

*Бир оҳанг касб этар эди сўзимиз,  
Мақтовдан нарига ўтолмасдик ҳеч.  
«Офарин домла»лар бўлиб ўзимиз  
Ҳамду-сано ўқир эдик эрта кеч.*

Юқоридаги мисралардан англашиляптики, кечаги кун, турғунлик деб аталган даврда шеърини ижод намуналаридан оҳанглар бир хил бўлган, улар эртаю-куч ҳамду-сано ўқиш билан овоза бўлишган.

Жиддийроқ ўйлаб қарайлик ахир, наҳотки, шеърятимизнинг кечаги мазмунини шундай баҳолашга? Осонгина хулоса чиқариб қўя қолсак. Бундай мулоҳаза юритишга лирик қаҳрамоннинг ҳам, шоирнинг ҳам маънавий ҳуқуқи йўқ ахир. Бундай мулоҳазани фақат бутун ижоди мадҳия-бозликдан, ҳамду-сано ўқишдангина иборат бўлган шоир айтиши мумкин. Ваҳоланки Рамз Бобожоннинг ўзи ҳам ўша мадҳу-санолар ўқилаётган даврда яхшигани поэтик асарлар яратган эди. Шунинг учун шеърда шоир айтаётган фикрлар борган сари шиддатли тус олсада, у барибир ҳақиқат бўлиб жарангламайди.

*Қўлни қўл юварди...  
тавон ялашлар.  
Игво — таъмағирлик, сотқинлик  
миш, миш...  
Лаганбардорлигу, талон-тарождар  
қилмиш қидирмиш.*

Бу гаплар нақадар даҳшатли бўлса-да, рост. Лекин буларни лирик қаҳрамон халқ виждони бўлиб, азобланиб, куйиб, ёниб айтаётганига ўқувчи ишонмайди. Нега?

Негаки шеърда баён қилинаётган фикр чиндан ҳам салмоқли бўлишига қарамай, ҳатто у бугуннинг руҳидан келиб чиқиб айтилаётган бўлсада, унда шоирнинг ижодкор сифатида айтмоқчи бўлган фикрларига ишонтириши, ўқувчининг қалбини ларзага келтирадиган, поэтика хос бўлган ҳақиқатнинг бадиий ифодаси йўқ. Шеър шу турида кучаниб, ҳақиқатнинг тантанасига билдирилаётган ундальмалардан иборат бўлиб қолган.

Шоир шеърни яна давом эттиради:  
*Сархуш ел эсди-ю,  
уйғондим гўё  
Утган кунлар ўтди даҳшатли тушдай.  
Қайта яралганди кўринди дунё  
Узимни ҳис этдим енгил,  
бир қушдай.*

Энди ўзингиз ўйланг, кунни эрта-ю кеч мақтов, ҳамду-санолардан нарига ўтмаган, ўзи игво, таъмағирлик, сотқинлик, лаганбардорлигу, талон-тарождар гирдобига қолган лирик қаҳрамон сархуш бир елнинг (албатта қайта қуриш мусаффолигининг) эсиши билан уйғонган бўлса-ю, қайта яралгандай, ўзини енгил қушдай ҳис этса? Нима, бу эртасми, ё ҳақиқатнинг баёни шундай бўладими?

Наҳотки қаҳрамоннинг шунча маломатлардан чекиниши, вужудида бутунлай бир янгича ўзгариши сезиши шунчалик осонлик билан кўчса? Қаҳрамон ўйламаса, қийналмаса, иккиланмаса? Демак қаҳрамон кечинмалари шу қадар енгил-

елпи ниҳоясига етаётган экан, унинг бир зумда қанот чиқариб парвоз қилаётганига ҳам ишониб бўлмайди.

*Қани,  
ҳей, парвоз қил,  
қанотингни ёз.  
Сен энди аввалги тўғиқуш эмас,  
Бургутсан, лочинсан, калхатларни бос,  
Олақаргаларга олдирма нафас.*

Бу дабдабали, баландпарвоз ҳайқириқлардан ўқувчининг ҳижолатга тушмоғи аниқ. Лекин у бир нарсага — лирик қаҳрамоннинг ўзини койиб, ундан афсусланиб, аввал тўғиқуш эдинг деганига ишониши мумкин. Бироқ унинг бургут бўлиб, лочин бўлиб, калхатларни босаётганига, олақаргаларга нафас олдирмаётганига ишонмайди.

Муаллиф бизга: ахир бу дostonдан парча, унинг бир шингилни ўқиб, бундай хулоса чиқаришга ҳаққингиз йўқ, деб эътироз билдириши мумкин. Лекин мен бир ўқувчи сифатида катта қозондаги овқатдан бир қошиқ татиб унинг мазасини билдим. Агар шоир асарига юқоридаги парчада айтган фикрларидан қайтмаса, ўзинга-ўзи зид мулоҳаза юритмаса, бутун поэма мазмуни қайта қуришнинг шижоатли одамларига мадҳу-санолардан нарига ўтмаслигига ишонаман.

Барот Бойқобилоннинг «Совет Ўзбекистони», «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» да кейинги пайтларда эълон қилинаётган деярли кўпчилик шеърларида ҳам Рамз Бобожон поэмадаги парчада айтилган фикрларга ҳамоҳанг бўлган насихатбозлик, мадҳиягўйлик иллатлари аяққол сезилиб туради. Шоирнинг «Ҳақиқатга суикасд» («Шарқ юлдузи» 1987 йил 2-сон) номли шеърда худди шу ҳолатни кўраимиз.

Барот Бойқобилон ҳам мазкур шеърда булутлар тарқалганидан, куёш жилмайишидан, ҳақиқат эгилгану, лекин синмаганидан, аммо барибир ана шу эгилишнинг ўзи одил замон қалбига озор етказганидан куйинади.

*Булутлар тарқалди, жилмайди қуёш,  
Мусаффо ҳаводан олам беғубор.  
Ҳақиқат дардига бўлиб қайғудош  
Одил даврон боқди дилида озор.*

Албатта бу куйинишни ҳам самимиятга йўйиб бўлмайди. Негаки шеърнинг бошланишидаёқ ўқувчига шоирнинг нима демоқчи экани, яъни ўтмишдаги хатоларни қоралаб, бугуннинг шаънига яхши гаплар айтмоқчилиги сезилиб туради. Ҳатто шоир бир оз маҳоратни ишга солиб образли фикрлашга уриниб кўрса-да, барибир шеър таъсирчанлик, бадиийлик касб этмайди.

*Олий мақсад бўлиб, қалбга қувват,  
Даврон амри билан изига тушди.  
Унсурлар кўзини босганда гафлат,  
Адолат тоғидан кўчкилар кўчди.*

Бу мисраларда ҳам гарчи қайта қуриш шижоати адолат тоғидан кўчган кўчкиларга қиёс қилинсада барибир дабдабали, ҳайқириқнамо, баландпарвоз гапларга ўхшаб қолаверган. Албатта бунинг сабабларини қайта қуриш моҳиятини бадиий тарзда талқин этмаслик, ҳаёт мураккабликларини енгилли баён қилиш билан изоҳлаш мумкин. Чиндан ҳам шоир оғир дард билан, драматик тўқнашувлар, кечинмалар орқали баён қилиниши лозим бўлган фикрни ниҳоятда жўн, қўпол, ҳақоратнамо сўзларни қалаштириб ташлаш орқали ниҳоясига етказди.

*Кўчкнинг комида қолди малъунлар,  
Бўғзидан мардона тутди ҳақиқат.  
Инсон либосини кийган маймунлар  
Айбидан тонмас деб кутди ҳақиқат.*

Шу тариқа эллик мисрага яқин шеър ҳақиқатнинг эгилгани ва синмагани ҳақида, обрўли зотларнинг инсон қадрини топтатгани тўғрисида, оқни қора деб имзо чекилгани, қўшиб ёзишларнинг кўпайиб кетгани, айш-ишратнинг авжига мингани, катталарнинг айбига иқдор бўлмай ҳақиқатга суикасд қилгани хусусида боради. Агар гап шу тариқа давом этаверса бу шеърни яна юзлаб мисралар эвазига кўпайтириб дostonга айлантириш ҳам мумкин. Лекин барибир асосий мақсад ана шу шеърда баён қилинган фикрлардан нарига ўтмайди. Шу ўринда ҳар қачонгидай анъанавий савол туғилиши табиий. Нима, қайта қуришнинг шижоатли одимлари, ўтмиш қабоҳатлари ҳақида асар ёзиб бўлмайди? Шоирнинг вазифаси жадаллаштиришнинг дадил қадамларига ўз муносабатини билдиришдан иборат эмасми? Агар ёзилаётган асарлар ҳақида шундай мулоҳаза юрити-



ладиган бўлса, кўпчилик ижод аҳлига илгари эълон қилинган асарларига нисбатан таъна қилишдек нохуш кайфият турғилмайдими?

Шубҳасиз қайта қуришнинг шижоатли одимлари ҳақида, ўтмишда йўл қўйилган жиддий хатолар хусусида ёзиш керак. Ва яна ҳар бир қалам аҳли китобхоннинг таънасини кутмай, ўз ижодининг нохуш саҳифаларига танқидий назар ташлаб, тавба-тазарру қилмоғи ҳам зарур.

Шунинг учун ҳам биз юқорида танқидий мулоҳаза билдирган шеърларнинг муаллифларига қайта қуриш улғуворлиги ҳақида шеър ёзгани учун эмас, у ҳақда ёмон ёзгани учун, фикрлари юзаки, бадиийликдан маҳрум бўлиб қолаётгани учун эътироз билдираёмиз.

\* \* \*

Ижодкорнинг маънавий ҳуқуқи ҳам бугун қайта қуриш остонасида жуда зарур ва муҳим проблемалардан бири бўлиб турибди. Негаки ёзувчининг ҳақиқатни рўйи-рост айта олиши, фидойилик билан курашга бел боғлаши ҳамisha осон бўлмаган. Улар катта имкониятлардан, мукофотлар ва доний олқиш эҳтиромлардан кечиб бўлсада ўзлари ҳақиқат деб билган эътиқодини собит туриб ҳимоя қилган. Буни биз бугун устоз Абдулла Қаҳҳор ижоди ва фаолияти тимсолида кўриб турибмиз.

Кейинги пайтларда Абдулла Қаҳҳор ҳақида кўпгина хотиралар, эсселар ёзилди. Лекин буларнинг айримлари (ҳатто кўпчилиги) ўқувчида мазкур эсдаликларга нисбатан самимий кайфият уйғотяпти деб айтиш қийин. Ҳатто айрим эсдаликлардан китобхоннинг кўнгли тўлмай ҳайрон бўлса, баъзиларидан, ижодкорнинг маънавий ҳуқуқи деган олижаноб бир мезон ҳам борку деб таажжубга тушишяпти. Бу ҳайронлик ва таажжубларда шубҳасиз ҳақиқат бор.

Таниқли олимларимиздан бири Қаҳҳор ҳақида ёзган эсдаликлариде: «Абдулла Қаҳҳор бир ёзувчининг асари ҳақида гап кетганида, у дам емаган ошни эслатади» деган эди, деб ёзади. Яна бир оқсоқол ёзувларимиздан бири Абдулла Қаҳҳорнинг ўз асари ҳақида: «Бунингизни гўнгдан тозаласангиз яхши ҳикоя чиқар экан» деб айтганини мамнуният билан эслайди, танқидчиларимиздан

яна бири Абдулла Қаҳҳорнинг кимлар ҳақида нималар деганини, бирга расмга тушганини, докторга кўринишда ёрдам берганини, яна бошқалар эса эсига тушиб қолган шарпадек хотирасини ҳам илҳом ва маҳорат билан жонлантириб баён этишга киришяпти.

Жуда қизиқ бўляптики, таъна қилмасликнинг, шундай ифтихор билан ёзишга маънавий ҳуқуқларингиз бормиди? деб савол бермасликнинг иложи қолмаптаптику?..

Ахир, «дам емаган ошни» дам еди деб лаганга сузиб келганлар, лозим бўлиб қолган жойда Қаҳҳорни «устоз» деб айтишга журъат этолмаган, тили қалтираган одамлар ўша ёдномаларига ўзларининг ҳам ожизликларини қўшиб ёзишса яхши бўлмасмиди, ўшанда ўқувчи уларнинг тавба-тазаррусига ишонмасмиди?

Ахир ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ, кечагина оддий саноқ рўйхатларга Абдулла Қаҳҳор номи қўшилмай, ҳатто ўчирилиб юборилаётганида, Қаҳҳорнинг номини айтмаслик учун кўпчилик бор «маҳорат»ларини ишга солаётганларида, ўзлари минг бир расвогарчиликларни қилишдан тап тортмай, минбарларга чиқиб: Мен хотиним, синглим билан ёнма-ён ўтириб «Тобутдан товуш»ни қандай томоша қилишим мумкин, деб вазъхонлик қилаётганларида, ўқувчилар Сиздан—Матёқуб Қўшжонов, Сиздан—Ҳаким Назир, Сиздан—Умарали Норматов озгина бўлсада фидойиликни, рост гапни айтишларингизни кутган эди. Энди сизлар айтаётган ҳақиқатни ҳаммамиз ҳам бемалол айта оламиз.

Албатта, барча журъат этолмаган, сукут сақлаган эди, шунинг учун таъна ва таънали оҳангда гапиришнинг ҳожати йўқ эди дейиладиган бўлса, лозим ва зарур пайтда, имконлари бўла тургани ҳолда ҳақиқатни айтишга журъат этолмаган, сукут сақлаган одамлар. Қаҳҳор ҳақида хотира ёзиш учун қўлига қалам олишдан аввал элнинг, китобхоннинг таънасини ўйлаб, андишага бориши керак эди деб ўйлаймиз.

Ҳозир эълон қилинган (Кибриё Қаҳҳорова ҳамда Озод Шарафиддинов эсселарининг жамоатчиликка маъқул бўлганини қайд эта-миз) хотираларнинг деярлик кўпчилигида ана шу андиша эсдан кўтарилиб, Қаҳҳор ҳақида хотира

ёзиш билан ўз виждонининг поклигини кўрсатишга уринишдек хотирабозлик кайфияти сезилиб қоляпти. Шунинг учун ҳам бундай хотиралар устоз адибга нисбатан эҳтиром, муҳаббат туйғусидан кўра ўша ҳамма сукут сақлаган бир пайтда журъат этолмаган виждон қийноғи учун тавба-тазарру билдирилганга ўхшаб кўринаяпти.

Бундан бир неча йил муқаддам Ўзбекистон ёзувчиларининг VII съезди СССР ёзувчиларининг VI съезидега сайланган делегатларни эълон қилганидан сўнг, Озод Шарафиддинов сўз олиб, делегатлардан бирининг ўрнига Миртемир номзодини кўрсатган ва қайта овозга қўйишни талаб қилган эди. Ушанда мутлақ кўпчилик Миртемир номзодини қувватлаган, оқсоқол шоиримиз ҳаётида илк бор Ўзбекистон ёзувчилари номидан ҳақли равишда съездга делегат бўлишга сазовор бўлган эди. Бу жасорат, айти пайтда ҳақиқатнинг тантанаси ҳам эди. Шунинг учун адабий жамоатчилик олимнинг бу журъатини ҳануз мамнуният билан эслаб юради. Мабодо Озод Шарафиддинов шу бугун: Миртемирдай устоз шоирни бирон маротаба Москвага, СССР ёзувчиларининг съезидега делегат этиб сайламабмиз. Э, аттанг, ҳақиқат шунчалик оёқ ости бўлган экан, деб афсус чекканида олимнинг сўзи ҳам ўзи ҳам бевурд бўлиб қолмасмиди?..

Буларни таъкидлаётганимизнинг яна бир муҳим томони бор. Ижодкорнинг маънавий ҳуқуқи бу унинг ўзлигига, ўзи ҳақиқат деб билган эътиқодига садоқати билан алоқадордир. Агар инқилобдан кейин 70 йиллик тарихимизга назар ташласак Ленинча принципларимиз бир неча бор кўпол бузилишларга учради. Лекин бу синовлардан Ленин гоёларига чинакам садоқатли бўлган қалам аҳлларига мардонавор ўта олди. Бугун ёш ижодкорлар ҳаётнинг бу аччиқ тажрибаларидан хулоса чиқармоғи, даврнинг даъваткор руҳини куйлаш билан, енгил-елли ижод этишнинг моҳиятини чуқур англамоғи, шамол қайси томонга эсса, юзни шу томонга буришнинг оқибати ниҳоятда хунук натижаларга олиб келишни тушунмоқлари керак. Зеро, бу бугуннинг, қайта қуриш даврининг ижодкор олдига қўяётган талабидир.

Ёқуб ЯКВАЛХУЖАЕВ,  
филология фанлари кандидати.



Нодира РАШИДОВА

## Оққуш садоқати

(Андрей Дементьевдан)

Икки оққуш учар эди шўх,  
Кўркам эди нақадар ҳаёт.  
Бирдан кимдир ердан узди ўқ,  
Кўкни тутди аламли фарёд:

«Нелар бўлди севгилим, эркам  
Сенсиз дардга тўлмоқда осмон.  
Қайга кетдинг, қайтгил, маликам,  
Нафси кўркинг қалбимга дармон...»

У самода ахтарди ёрин,  
Ўз инидан чорлади бўзлаб,  
Ғариб қолди йўқотиб борин,  
Ўзга юртни кетмади кўзлаб.

«Кечир мени, кечир севгилим,  
Ёвузликлар борлиги учун,  
Кечир мени, кечир севгилим,  
Бу кенг олам торлиги учун.

Кечир, жоним, қанотларим-ла,  
Мен бахтимни сақлай олмадим.  
Кечир жоним, саботларим-ла  
Баҳоримни ёқлай олмадим...»

Парвоз қилди кўкларда оққуш,  
Учди булут ёнида нолон.  
Ҳайҳот, йиғиб қанотин ҳомуш,  
Отди ўзин ерга беомон!..

Истардим мен учса оққушлар,  
Тўлар эди нурга бу олам.  
Замин ўзра чарх урса улар,  
Ер юзиде қолмас эди ғам...

## Усмон Носир ҳақида сўз

(достондан парча)

Менинг жону-жаҳоним кемтикдир ҳамон  
сенсиз,  
Гулшан аро битта гул ўрталган ҳазон  
сенсиз.  
Сигмас бўлса оламга бу бемадор, лол юрак,  
Китобларинг қатидан топгайдир макон  
сенсиз...

\* \* \*

...Сезмоқдаман, ҳозир дилда  
Қанча-қанча дардинг бор.  
Юрак-бағринг бўлди тилка,  
Бу кенг олам бўлди тор.

Кел, иккимиз бир ўтмишга  
Одил назар солайлик.  
Саловат деб ўтган ишга  
Бир оқиллик қилайлик.

«Шеър юракнинг қони» деди,  
Юраги йўқ шоирлар.  
Ва Машрабни тутиб берди —  
Дорга тортдилар пирлар...»

«Бу дунёнинг кам-кўстларин  
Бунча кўрмаса экан» —  
Рудакийнинг чўғ кўзларин  
Ўйдилар бўлиб тикан...

Насимийнинг тириклайин  
Терисини шилдилар.  
У гофиллар лек билмайин  
Номин боқий қилдилар.

Дарбадарлик қаҳрин тортди  
Шоҳ Бобур, мазлум Фурқат.  
Шоирларда алам ортди,  
Юрагида мунг фақат...

Баъзан байтлар талашдилар,  
Кўпроқ талашдилар шон.  
Саройларда қалашдилар,  
Баъзан сотдилар имон.

Дерлар, қанча бўлса одам,  
Шунча бўлмиш феъл-атвор.  
Сиртдан улар ўхшашса ҳам,  
Руҳларида зидлик бор.

Шоир, кўпни эслама, қўй,  
Кел, тинглайлик овозинг.  
Қара, қуёш кўрсатди бўй,  
Кун бошлади пардозин.

Бу қуёшнинг ҳайратида  
Ҳароратинг бор, шоир.  
Еруғ куннинг ғайратида  
Маҳоратинг бор, шоир.

Бугун сенинг ҳар бир сўзинг  
Неча дилга бўлмиш жо.  
Бугун янграб яна созинг,  
Бахш этмоқда сенга жон.

Овозингни бериб кетдинг,  
Дилим этдинг сарафроз.  
«Кўзимга ойни беркитдинг,  
Юрагимга олтин соз»...





## МЕН СЕВИАН АДИБ

Шерлок Холмс... Бу афсонавий номни билмаган, унинг ажойиб саргузаштларини мириқиб ўқи-маган бирорта китобхон топилма-са керак. Езувчи Артур Конан Дойлнинг романлари, қиссалари, ҳикояларининг қаҳрамони бўл-ган бу машҳур изқуварнинг «дунёга келганига» юз йил тўл-ди. Таниқли инглиз ёзувчиси ва жаҳон адабиётининг бўлажак классиги Артур Конан Дойл 1887 йилда бош қаҳрамони — ажойиб анатом ва химик Шерлок Холмс бўлган «Алвон ранглар

ҳақида этюд» номли қиссасини чоп эттиради. Қисса кўпда омла-лашмайди. Лекин у 1889 йили Шерлок Холмс ҳақида иккинчи қиссасини ёзганда бу унга улкан шуҳрат келтирди. Шундан бери журналларда Шерлок Холмс ва унинг дўсти доктор Уотсон ҳақи-да бирор нарса босиладиган бўл-са, ҳамма китоб магазинларида ўзларининг сеvimли қаҳрамонла-ри янги саргузаштларини сабр-сизлик билан кутаётган китобхон-лар навбати пайдо бўларди. Конан Дойл бу эртакона шуҳрат-



га осонликча эришгани йўқ. Унинг ҳаёти оғир кечди. 1859 йилда Эдинбургда доимий муҳ-тожликда кун кечирадиган рас-сом оиласида дунёга келган Артур ёшлигидан ўз нонини ўзи топиб ейишга мажбур бўлди. Шундай қийинчиликлар бўлса ҳам, болада китобга, билимга ҳавас эрта уйғонди. У Майн Рид, Жюль Верн, Вальтер Скотт асар-ларини севиб мутолаа қиларди. Кейинчалик Эдинбург универ-ситетининг медицина факульте-тига ўқишга киради. Конан Дойл университетни 1881 йилда тугат-ди. Ўзининг квартирасига «Кўз врач» деган ёрлиқ осиб қўйиб, эрталабдан кечгача ўтирар, бе-морларни кутарди. Лекин ҳеч ким келмасди. Бўш вақтларида Артур журналлар учун ҳикоя, очерклар ёза бошлади. Бу асарлар билан ҳеч ким қизиқмасди. Кунлардан бирида у эски ўқитувчиси, Эдин-бург университетининг профессо-ри Жозер Беллни эслаб қолади. Бу киши студентларни ўзининг кам учрайдиган кузатувчанлиги, ўткир ақли билан ҳайратга со-лар, муолажага келган кишилар-ни эса ташқи белгиларига қараб, уларнинг ҳаёти, касби-корлари, характерларини айтиб бера олар-ди. Артур доктор Беллни ўзининг қиссасининг қаҳрамони қилиб олишга қарор қилади. «Бу фикр мени гоят тўлқинлантириб юбор-ди, — деб ҳикоя қилади Конан Дойл автобиографиясида. — Ле-кин уни кимнинг номи билан атайин? Езувчи уни крокет ўй-нидаги рақиб, америкалик жур-налист Оливер Вендель Холмс шарафига Шерлок Холмс деб атайди. 1954 йили Лондондаги Бейкерстрит кўчасидаги 109-уй-га қизиқ бир ёдгорлик ўрнатила-ди. Унда шу уйда 1881 йилдан 1903 йилгача машҳур изқувар Шерлок Холмс яшаганлиги қайд этилганди. Адабиёт тарихида бармоқ билан санарли қаҳрамон-ларгагина бундай ҳурмат кўрсатилганлигини назарда тутсак, бу жуда кам учрайдиган воқеа! Ҳар йили Лондонга минглаб сайёҳлар келишади. Лекин улар французми, грекми, руминми, ким бўлишидан қатъий назар, «сизларни қаёққа олиб борай-лик!» деб сўрашса, худди кели-шиб қўйишгандек, «Албатта Бейкер-стритга, Шерлок Холмс-нинг уйига-да!» деб жавоб бери-шади.

Конан Дойл ва унинг асарлари ҳақида кўп китоблар бор. Адиб-нинг асарларини қанчалик севиб ўқисак, унинг ўзи ҳақида ҳам кўпроқ билиб қўйсак ёмон бўл-майди.

**Азиз АБДУВАЛИЕВ,**  
Наманган шаҳар, мактаб ўқувчиси.

**Файзи ШОҲИСМОИЛ**

### Дўст тили

Маҳалламиз — Байналминал  
Шод яшаймиз.  
Кимда қандай юмуш бўлса  
Доим шаймиз.

Сафимизда бор украин,  
Бордир ўзбек.  
Қозоқ, қирғиз, бир-бирига  
Қошу кўздек.

Тожик дўстим Жўра келса  
Уйимизга,  
Рубоб чалиб жўр бўлади  
Куйимизга.

Рус Володя ҳамма билан  
Ажралмас дўст,  
Дўстларининг тилин билар  
Беками-кўст.

Орамизда воситадир  
Рус тилимиз  
Дўстлар тилин ўрганамиз  
Тенг билиб биз.

### Чўнтак

Ким ёқтирмас чўнтакни?  
Чўнтак ҳаммага керак!  
Чўнтаги бўлмаган шим  
Айтинг нимага керак?

Дастрўмол учун Холга  
Биз чўнтак тикиб берсак,  
Тўлдириб юрар қаранг.  
Чўнтакка темир-терсак.

Чўнтак керак Аҳмадга  
Писта солиб юргани.  
Раҳматга-чи? Раҳматга  
Кир қўлин яширгани.



**Ҳамидулла ЕҚУБОВ**

### Орзу

Баландроқ бўлиб олов,  
Сал қирмоч олди палов...  
Паққа ошадик ошни,  
Нима қилдик қирмочни?

Онамиз қира бошлар,  
Пўчоқ челакка ташлар:  
— Қозонга ўхшар олам,  
Бор яхши-ёмон одам...

Тинчлик, дўстлик ёвини,  
Қолдирмай бировини,  
Қирмочдек қиргим келар.  
Жарга иргитгим келар.



# Дунёси

Григоре ВИЕРУ  
Молдавия

Гўё хат билан бирга,  
Келган дўстимнинг ўзи.

Жонга бергудек малҳам,  
Нур қўнади юзимга.  
Дунё янада кўркам,  
Кўринади кўзимга.

Хатлар — иқбол элчиси,  
Йўлида ғов бўлмасин.  
Тинчлик, дўстлик тилчисин,  
Қанотлари толмасин!

Т. УБАЙДУЛЛО таржималари



Мирза АБДУЛЛА

## Кўзиқорин

Емгир қуйди,  
Кўкатлар  
Яшнар энди кўкариб.  
Кўзиқорин чиқади  
Зонтигини кўтариб...

## Хўрозқандим

Хўрозқандим кўп ширин...  
Шимавердим хўп-хўп...  
— Қайга кетди,  
Айт, сирин?  
Оғзимда қолдириб чўп?

## Тарвуз (лоф)

— Колхозимиз боғида катта тарвуз етилди. Уни на кўтариб, на бирон бир транспортга жойлаб бўлди. Зўрға иккига бўлиб, ярмини болалар боғчасига, ярмини пионерлар лагерига берган эдик, болалар бир ой тарвузхўрлик қилишибди. Сўнг тарвуз палласига сув солиб, катта тоғорадай чўмилиб юришибди.

— Иккинчи ярми нима бўлди?  
— Лагерь болалари ярим палласининг сувида сузиш бўйича мусобақа ўтказишибди. «Қизил денгиз» мусобақасининг голибларини тақдирлаш учун моторли қайиқ сотиб олгани базага кетаяпмиз.

— Жуда яхши. Қайиқни каттароғидан олинглар. Унда далага селитра ташиймиз...

## Сўраб нима қилади?

— Уқитувчимизга хайрон қоламан, — деди Аъзамжон ўртоғига. — Ўзи дарсларни бизга яхши тушунтиради. Аммо эртасига бизни ҳам тушунтириб беришимизни сўрайди.

— Шунинг учун ҳам у ўқитувчи-да!

— Нима, биз институтда ўқиб-мизмики, у каби тушунтириб бера олсак!..

## Анваржоннинг тойчоғи

Анваржон туш кўриб уйғониб кетди.

— Ойи, ҳозир мен минган тойчоқ жудаям чиройли экан-а? — деди кўрган тушини хотирлаб.

— Тойчоқни сен кўрибсан, мен уни қайдан билай? — кулди ойиси.

— Сиз шундоқ ёнимда турув-дингиз-ку...

Собит ҒАФУРОВ

## Топишмоқлар

Кичкина қудук,  
Лекин суви йўқ.

(ангишвона)

Тўсган эдим туриб қолди,  
Тўсиғимни суриб қолди.

(сув)

Айлангириб бошини,  
Оладилар ошини.

(тегирмон)

Юрган билан оёғи йўқ,  
Синдиради, таёғи йўқ.

(шамол)

Роса оловда пишди,  
Янги уйларга тушди.

(ғишт)

Қатор бўлиб туришар,  
Ухлаганда кўришар.

(киприк)

Ҳаммага қилиб зўрлик,  
Эрталаб кетди шўрлик.

(уйқу)

Ипни тишлаб тикади,  
Тешикни бекитади.

(бигиз)

Юк кўтарар бўйнида,  
Қурилишнинг кўйнида.

(кран)

Учоғида ёнмас олов,  
Кулни тўқар унга биров.

(кулдон)

Тешиклари сув сочади,  
Гуллар чиройин очади.

(лейка)

Битта қатор тиши бор,  
Бошимизда иши бор.

(тароқ)

Оқ ўтов, оппоқ ўтов,  
Эшиксиз, кирмас биров.

(тухум)

Тўпловчи  
Ўроқ ҚИЛИЧЕВ

## Туш

— Нима бўлди, ойижон,  
Ухламайсиз ҳеч?  
— Сен тушимга кирибсан,  
Ўғлоним, шу кеч.

— Тушингизда қай боғда  
Ўйнаб юрибман?  
— Утирволиб бутоқда  
Олча терибсан.

— Эслайсизми, ким учун,  
Тердим олчани?  
— Эслолмайман сира ҳам,  
Қистама мени.

— Сиз учун терган эдим,  
Уни онажон.  
— Усиб улгай, бахтимга  
Ширин болажон!

## Она

Эркалар бизни она,  
Қуёш самода ёнар.  
Қуёш ҳам оналардек  
Танҳо, якка-ягона.

Холмурод САФАРОВ  
Қорақалпоғистон АССР Бердах  
мукофоти лауреати

## Хат

Тўлиқ эзгу тилакка,  
Узоқдан хат келади.  
Ўқиган дам юракка  
Эзгу ҳислар тўлади.

Ўқиб тўймайман сира,  
Ширин-шакар ҳар сўзи.



## ЭРТАКЧИ МАРКАЛАР

Ҳурматли муштарийлар! Маркаларга ҳеч жиддий тикилиб қараганмисиз? Улар инсон қўли билан бунёд бўлган оламнинг гўзаллигини акс эттиради. Бу ойнада цивилизациянинг буюк ютуқлари — санъат мўъжизалари, фан, машинасозлик, қишлоқ ҳўжалигининг тараққиёт одимлари акс этган.

Улар орасида маълум бир мавзуга оид туркумланган маркалар алоҳида ўрин тутати. Халқ афсоналари ва эртаклари... Дунёда қанча халқ яшаса, ҳар бирининг ўз эр-

таклари бор. «Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи» деган шоирона иборани «эртаклар боқийдир, умр ўткинчи» деб ҳам ўзгартириб айтиш мумкин.

Кўп вақтдан буён эртак қаҳрамонлари маркаларда яшаб келмоқда.

Рус халқ эртакларига оид қуйидаги маркаларни рассом И. Билибин ишлаган.

«Гўзал Василаса» эртагига бағишланган маркада маликанинг оқ отли чавандоз билан учрашуви муҳрланган бўлса, бошқа маркада «Марья Моревна» эртаги сюжетидан бир лавҳа акс этган.

А. С. Пушкиннинг «Шоҳ Султон

ҳақида эртак», «Олтин хўрозча» каби асарларига бағишлаб ишланган маркаларда рассом меҳнати туфайли ўқувчилар эртак лавҳаларини ёдга оладилар.

Эртакчи маркалар доим ҳам фақат туркум ҳолида чиқарилмайди. Баъзан қатор эртаклардан бир лавҳа Алоқа министрлиги чиқардиган конверт маркаларида ҳам акс этади.

Социалистик мамлакатларда ҳам эртак мавзуи оммалашган. Андерсен, Шарль Перро, ака-ука Гриммлар, қолаверса, «Этик кийган мушукча», «Уйқудаги гўзал», «Бременлик созандалар» каби халқ эртакларига оид кўпгина маркалар чиқарилган.

Эртак ва афсоналарга бағишлаб 600 та почта маркаси чиқарилган. Кўпгина ёшлар ўз дунёқарашларини, билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш учун марка йиғадилар. Бу — бўш вақтни самарали сарф қилишнинг оқилона йўллари-дан бири ҳисобланади.

А. ОКУНЕВ





## Сарғайган саҳифалардаги сабоқлар

Иккинчи лекция

Миттельшпил ҳақидаги бу лекция 1934 йил, 29 июнда ўқилган эди. Б. Блюменфельд лекцияга тагин кечиқиб келди, лекин ҳамма уни кутарди. У ҳозир бўлганларнинг диққат-этиборини шундай имкониятга жалб қилди:

1. e4e5. 2. Kf3 Kc6 3. Cc4 Kd4 (бу тузоққа мен ёшлигимда илинганим бор) 4. K:e5? Фг5 (e5 даги от ҳамда g2 даги пиёдага бир варакайига, яъни икки ёқлама зарба берилмоқда) 5. K:f7 Ф:g2 6. Lf1 Ф:e4+ 7. Ce2 Kf3x Бу мисол фарзин билан бериладиган икки ёқлама зарбанинг кучини яққол кўрсатиб беради. Худди шунга ўхшаш тузоқ сицилианча ҳимояда ҳам бўлиши мумкин: 1. e4c5 2. d4 cd 3. Kf3 e5. (тузоқ) 4. K:e5? Фа5, ва қоралар ютади.

Энди бир партияни кўриб чиқайлик.

Рабинович — Блюменфельд  
Москва — Ленинград матчи,  
1926 йил

Нимцович дебюти

1. Kf3 Kf6 2. b3 d6 3. g3 Cf5 4. Cg2 Kc6 5. Kh4 Ce4 6. f3 g5 7. fe gh 8. Cb2 Lg8 9. C:f6 ef 10. e3 hg 11. Kc3 gh 12. Фе2.

Мен қийин аҳволда қолдим, ярим соатча ўйнаб, қизиқ бир нарсани топдим.

12... Kb4! 13. o-o-o c6 14. L:h2. Бу руҳнинг ҳомийсиз қолганлиги қуйидаги комбинациянинг амалга ошишига имкон беради: 14... Фа5 15. Kpb2 (15. Kpb1 бўлса, 15... Фа3 сўнгра a7-a5-a4) энди икки ёқлама зарба беришга мотив пайдо бўлди. 15... K:a2 16. Ла1 (16. K-a2 га 16... Фе5+ ва 17. Ф:h2) 16... K:c3 17. dc Фе5! Бундан ортиқ нима керак қораларга!

Сизларни тахтага диққат билан разм солишга ва комбинацияларни топишга ўргатмоқчиман.

Фарзинлар борлигида ҳомийсиз сипоҳ икки ёқлама зарба мотивига асосланган комбинацияни излашга сабаб бўлади.

Готгильф — Блюменфельд  
Москва — Ленинград матчи,  
1927 йил

Эски ҳиндча ҳимоя

1. d4 Kf6 2. C4 g6 3. g3 Cg7 4. Cg2 o-o 5. Kc3 c6 6. e4 d6 7. Kge2 Ce6 8. b3 Фc8 9. o-o Ch3 10. Ca3.

Бу билан e7 пунктига тазйиқ кўрсатиш назарда тутилмоқда, бироқ ҳомийсиз сипоҳ пайдо бўлиб қолди! Икки ёқлама зарба мотивига асосланган комбинация бўлади.

10... C:g2 11. Kp:g2 b5 Оқлар 12. e5 Ke8, сўнгра b5 ни икки бор урса, Фc8 — b7 дан кейин отидан айрилади. Бундан ташқари мен C ни уриб, Фа6 юриши билан ҳам a3 даги филга, ҳам C4 даги пиёдага ҳужум қилмоқчиман.

12. Фd3 Фа6 Кейин Готгильф филини b4 га юриб, ёмон аҳволда қолди. Ҳаммаси икки ёқлама зарба мотивига асосланади. Шундай қилиб, агар тахтада ҳомийсиз сипоҳ бўлса, кўпинча шундан фойдаланиш мумкин.

Эд. Ласкер — Маршалл  
Нью-Йорк, 1924 йил

Бу партияда оқларнинг 18-ёришидан сўнг тахтада қуйидаги позиция вужудга келган эди:



(1-диаграмма)

а6 даги филнинг ҳомийсизлигидан қандай фойдаланса бўларкин? Маршалл 18... f5! ўйнади. Агар 19. gf бўлса, 19... C:f5 ва ҳамма нарсанинг дабдаласи чиқиёт кетади. Бу оддий мисолга ўхшайди, аслида эса жуда мураккаб. Тахта ёнида ўтирганинда бундай юришлар хаёлингга келмайди. f5 пункти-

ни оқлар уч карра зарбага олиб турибди, бинобарин, 18... f5! ўйнаш — деворга калла қўйишдек гап. Фарзинлар борлигида ҳомийсиз сипоҳ албатта диққатимизни жалб қилмоғи лозим.

Эндиги мисол жуда мураккаб. Бунда икки ёқлама зарба мотиви комбинация жараёнида барпо этилади.

Чистяков — Баранов  
Рабпрос биринчилиги, 1933 йил



(2-диаграмма)

Юриш қоралардан. Улар 1... ef ўйнади, бунга 2. L:d5 C:e2 (битта ёмон ҳимояланган сипоҳ — e2 даги фил пайдо бўлди; 2... L:d5 га 3. K:f4 бўлар ва оқлар бир руҳ эвазига икки сипоҳни ютиб оларди) 3. L:d8+K:d8 4. C:d7 fg 5. hd Lb5 (иккинчи ҳомийсиз сипоҳ — d6 даги от пайдо бўлди) 6. Фd2! (икки ёқлама зарба ҳам тайёр) 6... Фе7 7. Ф:e2 ва оқлар ютди.




Бошида фил ҳам, от ҳам ҳомийсиз эмасди. Улар комбинация жараёнида хавфли хоналарга жалб қилинди. Бу мисолнинг ажойиблиги ҳам ана шунда.

Фарзиннинг икки ёқлама зарба кучи шоҳу фарзин шоҳу руҳга қарши эндшпилда айниқса яққол намоён бўлади. Ютишининг асосий ғояси шундай иборатки, руҳни шундай бир хонани эгаллашга мажбур этиладик, ўша ердан қаёққа юрмасин у фарзиннинг икки ёқлама зарбасига тушади, албатта.

Мен Бернштейн билан бир партия ўйнаганман. Менда фарзин, унда эса руҳ, қолди. «Хўш, — дейман, — таслим бўласизми?» У:

«Йўқ, ўйнаб кўрайлик», — дейди. Бундай эндшпилни ютиш учун осон эмас. Эндшпилни-ку ютдим-а, лекин бунинг учун 44 юриш қилишга тўғри келганди! Шу билан икки ёқлама зарба ғоясини тугалтайман.

Навбатдаги топшириқлар  
(1, 2, 3-диаграммалар)  
Ҳаммасида ҳам оқлар бошлаб икки юришда мот қилади.



## Кунларнинг бирида

## Иқтисодий келишув

Ҳовлимизнинг ёнидаги симёғочга олақарга келиб кўнди-ю, қаттиқ қа-



ғиллаб ҳаммамизни безовта қила бошлади. Уни қувлаб юбордик. Лекин қуш ҳам ўжар экан, кўп ўтмай қайтиб келиб, симёғоч тепасида қағиллашни бошлади.

Навбатдаги қувғиндан сўнг тагин қайтиб келгач, диққат билан боқдим. У оғзидан юмалоқ бир нарсани чиқариб, оёқларининг узун тирноқлари билан маҳкам қисганича яна қағиллай кетди. Бирон нарсани кутаётгандек, ҳовлимиз томонга олазарак тикилаётганди. Шу пайт уйдан олти яшар Уроқбой югуриб чиқди-ю, симёғочга қараб чопқиллаб кетди. Олақарга болакайини олқишлагандек қанотларини шапиллатди. Уроқбой ҳам қушга қараб ўнг қўлини бир силтаб кўйди-да, қўйнидан бир парча нон чиқариб, симёғоч ёнига қўйди. Шу пайт олақарга чангалларини очиб юборганди, бир дон аёғоқ чарсиллаб ерга тушди. Уроқбой ёнғоқни «кўз-кўз»лаб уйга югурди. Олақарга эса пастлаб келиб, ердаги нонни олди-ю, кўздан ғойиб бўлди...

Ҳамдам ФАРМОНОВ,  
журналист.

## Шеър ва тиниш белгилари

Немис ёзувчиси ва редактор Теодор Фантанье [1819—1898 й] бир кун хат орқали шеър олди. Хатда жумладан бундай ёзилган эди: «Мен ҳеч қачон тиниш белгилар қўйган эмасман, ҳам уларни мутлақо кераксиз деб билман. Зарурияти бўлган ўринларга тиниш белгиларини ўзингиз қўйишингизни сўрайман».

Фантанье шеърни авторга қайта жўнатар экан: «Келгуси сафар менга тиниш белгиларининг ўзини юборсангиз кифоя. Шеърини ўзим тўқийман» деб жавоб ёзибди.

## Қайси тилда

Машҳур венгер олими Лео Сциллард ўзининг докладларидан бирини инглиз тилида ўқиди. Докладдан сўнг физик Джексон олимнинг олдига келиб:

— Уэр, Сциллард, докладингиз хусусан қайси тилда ўқилди, — дея сўради.

Ҳайрон қолган Сциллард ҳеч иккинчидан жавоб берди.

— Табиийки венгер тилида, наҳотки сиз бу тилини тушунмасангиз!

— Бу тилини билишим шубҳасизку-я, сиз унга инглиз тилини бунчалик тикиштиришингизнинг боиси нима! — дея жавоб қайтарди Джексон.

## Перо билан

...Француз ёзувчиси Виктор Гюго Пруссияга йўл олди. Шунда анкетани тўлдирувчи жандарма ходими ундан сўради:

— Нима билан шуғулланасиз?  
— Езиш билан.  
— Мен сиздан сўраётиман, яшаш учун лозим бўлган моддий имкониятни қандай йўл билан топасиз.  
— Перо билан.  
— Демак, Гюго перо билан савдо қилади, деб ёзиб қўямиз, — деди бефаҳм жандарма ходими.



## МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Амалдаги қонунга кўра ота-оналар боланин ҳар қандай жиноятга бош қўшгани, ёмон тарбияси, болани назорат қилмагани натижасида қонун бузилиши содир қилгани учун жавобгардирлар.

Бундай машғум оқибатлар ёмон тарбия «мева-си» ҳисобланади.

...Кечкурун, алламаҳалда икки ўсмир шум ниятлар билан болалар боғчасига кириб у ердаги жиҳозларни, идиш-товокларни синдиришиб, ўйинчоқларни бузишди. Шу атрофдаги бундан боқабар дружиначилар уларни ушлаб олишди. Аниқлашса иккала ўсмир ҳам ўн уч ёшда экан. Қонун бўйича уларни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Ўсмирлар устидан тўпланган материаллар тарбиявий таъсир чораларини кўриш учун балоғатга етмаганларнинг иши билан шуғулланувчи комиссияга топширилди.

Шундай вазиятларда моддий зарарни ким тўлайди?.. Унинг ўрнини қандай қоплаш мумкин?

Ушбу воқеада етказилган моддий зарарни тўлаш ўсмирларнинг ота-онасига юклатилди. 15 ёшгача бўлган болалар етказган зарар ота-онасидан, бола қилиб олувчиси, ҳомийси, шунингдек, зиён етказган даврида уни назоратга олиб турган ўқув, тарбия ва даволаш муассасидан ундириб олинади. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 485-моддасида айтилган.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнидагилар ушбу ҳолатларда бир шарт билан: агар ўғил ёки қизлари ёмон хулқ-атворида уларнинг айблари бўлсагина моддий жавобгарликка тортиладилар. Ўсмирни етарли назорат қилмаганликлари, унинг тарбиясига маъсулиятсиз қараганликлари, унга нисбатан ота-оналик ҳуқуқини нотўғри қўллаганликлари оқибатида бу нарса балоғатга етмаган ўсмирнинг кетидан зиён етказадиган нотўғри тарбиясига маълум даражада имкон туғдирса бу айб ҳисобга олинади.

Айтайлик, ота ва она болаларининг безориларча қилиқларига панжа орқасидан қараб, буни шўхликка йўядилар. «Шўхлик» эса охир-оқибат жиноятга олиб борди. Ота-онанинг айби аниқ, демек ўғил ёки қизларининг хатти-ҳаракатлари билан етказган зиённи улар белгиланган тартибда тўлашга мажбурлар.

Тажрибада ўсмирларнинг гуруҳ ичида жиноят содир этганликларига мисоллар оз эмас. Жиноятни тўда бўлиб содир қилинганда, ундаги аъзоларнинг фаоллиги турлича бўлади. Кимдир фитнани қўзиган, бошқаси унга ҳамтовоклик қилган, яна бирови ижрочилик қилган ва ҳоказо. Жазо чоралари кўриладиганда бу албатта ҳисобга олинади.

Моддий зиён бадалига келсак, балоғатга етмаганларнинг ота-онаси унинг улушини тўлашга мажбурлар. Улуш ўсмирнинг жинояти хусусиятига, шунингдек, жиноят содир этишдаги ҳиссасига қараб турлича бўлиши мумкин. Қолаверса, бу ҳолатларда ота-оналарнинг моддий аҳволи, уларнинг ўғил ёки қизлари ахлоқини назорат қилмаганликларидеги айбларининг даражаси ҳам ҳисобга олинади.

...17 яшар Азамат Икромов маст ҳолда магазин витринасини синдирди. Уша ерда турган харидорлар уни тинчлантиришга уринмоқчи бўлишганда безорилик қила бошлади. Харидорлар тартибга чақириммоқчи бўлишди. Азамат эса «азамат»лик қилиб улардан бирининг костюмини йиртиб юборди. Айбдор жамоат тартибини бузгани етмагандек, ўз хатти-ҳаракатлари билан моддий зиён ҳам етказди. Ким уни тўлайди? Албатта, «азамат»нинг ўзи, гарчи у ҳали балоғат ёшига етмаган бўлса ҳам Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 484 моддасига кўра 15 ёшдан 18 ёшгача балоғатга етмаганлар етказилган зиён учун умумий асосда жавоб берадилар, яъни ўзла-

ри моддий жавобгар ҳисобланадилар. Одатда зиён айбдорнинг иш ҳақидан ундириб олинади. Мабо-до, ўсмир бу ёшда ҳали ишламаётган тақдирда ҳам ота-оналаридан мерос бўлиб ўтадиган, ёхуд қариндош-уруғлари, бошқа кишилардан совға бўлиб ўтган мулкка эга дейлик. Бу ҳолатларда етказилган зиён ўша мулкдан ундириб олиниши мумкин.

Лекин балоғатга етмаган ўсмир ишламаса, демек шахсий иш ҳақиқага эга бўлмаса-ю, шахсан ўзига тегишли мулк ҳам бўлмаса, бу ҳолатларда етказилган зиён ота-онасидан ёки уларнинг ўрнида ҳомийлик қилувчилардан ундириб олинади. Бу — ота-оналар учун қўшимча мажбурият ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР балоғатга етмаганларнинг иши бўйича комиссия ҳақида Низомнинг 19-моддасига мувофиқ: комиссия ота-оналардан болалари етказган зиённи — агар у 50 сўмгача бўлган миқдорни ташкил этса, маъмурий йўл билан ундириб олишга ҳақлидир. Агар етказилган зарар миқдори 50 сўмдан ошиб кетса, тўловни ундириб олиш масаласи суд йўли билан ҳал қилинади.

Болаларнинг ҳуқуқбузарлиги учун ота-онанинг моддий жавобгар бўлиши катта тарбиявий аҳамият касб этади. Кўпгина ота-оналар болалар тарбияси учун маънавий, моддий, жиноий жавобгар эканликларини тўғри тушуниб, ўз болалари хулқини назорат қиладилар. Бу ўсмирлар томонидан содир этиладиган турли ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда оилага ҳам, жамиятга ҳам катта фойда келтиради.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,  
Республика прокурорининг ёрдамчиси,  
Обид НУРБОЕВ,  
Республика прокуратурасининг катта прокурори.

## ЎСМИР ВА ҚОНУН

# ДЎСТЛАРИНГ КИМЛИГИНИ АЙТ..



Абдусамат Пулатов — Тошкент шаҳар Акмал Икромов район халқ судининг судьяси. Унинг раислигида ўтказилган суд мажлислари орасида балоғат ёшига етмаган ўсмирларнинг жиноий ишлари ҳам анчагина бор. «Еш куч» ўқувчилари журнал саҳифаларида «Тошбағирлик... у қандай пайдо бўлди?», «Ўзбошимчилик ва унинг оқибатлари», «Зўравонлар» номли суд очеркларини ўқиган, албатта. Уларнинг дунёга келишида

А. Пулатовнинг хизмати катта. Чунки у ўзини безовта қилган жиноий иш ҳақида журналда ёзишни таклиф қилар, бу билан бошқаларнинг тўғри хулоса чиқариб олишини истарди.

Бугун сўзни унинг ўзига берамиз.

Мен ўсмирлар орасидаги жиноятчилик, унинг характери, келиб чиқиш сабаблари ҳақида тўхталмоқчиман. Мен кўриб чиққан ишлар орасида чиндан ҳам ўсмирлар томонидан содир этилган

жиноятлар талайгина бор. Мен ҳар гал жиноий ишни қўлга олар эканман, дастлаб балки бу англашилмовчиликдир, эҳтимол суд чоғида ўсмирнинг айбсизлиги аниқланар, деган хаёлга бораман, аммо фактлар... фактлар, биласиз, қайсар бўлади. Суд мажлисида ҳам судланувчи ана шу фактлар қаршида ожиз бўлиб қолади...

Хўш, ўсмирлар ўртасида қандай жиноятлар кўп содир этиляпти? Мен энг аввало ўғирлик, босқинчилик, зўрлаб номулга тегишни тилга олмоқчиман. Ўзбекистон Жиноят кодексининг 94, 125, 126, 127, 128-моддаларига биноан бундай жиноят содир этган шахслар турли муддат билан жиноий жазога ҳукм этилади. Лекин шу жиноятлар юз бермаслиги, у ёки бу ўсмир жиноий жазога тортилмаслиги ҳам мумкин эди. Бу фикрни асослаш учун мисолларга мурожаат қилиш керакка ўхшайди. Яқинда биз Тоҳир Гизатуллин тўдасининг жиноий ишнини кўриб чиқдик. Улар орасида Владимир Круглов деган ўсмир ҳам бор. Круглов уларнинг ичида энг ёши, у суд пайтида ўн етти ёшга тўлган бўлиб жиноят содир этганда ўн олтида эди.

Июнь ойларида кеч соат 16 да у Тоҳир Гизатуллин билан йўловчи қиёфасига кириб енгил машина тўхтатишди, шофёрдан Домбрободга олиб бориб қўйишни сўрашади. Бироқ, улар ҳеч қаерга бормоқчи эмас, нияти эса бузуқ эди. Улар машинага ўтиришиб, бир оз юришгач, Гизатуллин машина эгасига ташланади, унинг бўйнига рўмолча солиб бўға бошлайди, ўн олти ёшли Круглов эса унинг кўкрагига пичоқ қадайдди ва машина эгасининг 114 сўм пулини олиб кетишади. Орадан икки кун ўтгач таксини тўхтатишиб юқоридаги усул билан давлатнинг 94 сўм пулини ўмаришади. Яна уч кундан сўнг улар яна бир машина эгасининг 26 сўм пулини, 47 сўмлик соатини, 260 сўмлик никоҳ узугини тортиб олишади, машина эгасига оғир тан жароҳатини етказишади.

Кўрдингизми, икки уч кунда учта жиноят содир этишди. Мақсади — бировлар ҳисобига бойиш, ўйин-кулги, кайф-сафо қилиш. Хўш, энди шундай савол туғилади. Гизатуллин, Кругловлар жиноят содир қилаётганлигини билишмасиди? Билишарди. Лекин жиноятлари очилмай қолиб кетади, деб умид қилишганди. Масалани ойдинлаштириш

учун Гизатуллиннинг кимлиги билан яқиндан танишайлик. У 24 ёшда, биринчи марта бундан саккиз йил муқаддам, яъни 16 ёшда Ўзбекистон жиноят кодекси 114-модданинг 2-қисми ва 125-модданинг 2 қисми билан судланган, яъни давлат ва гражданлар мулкни ўғирлашда айбланган ва уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эди. Бир йилга етар-етмас у шартли равишда озодликка чиқарилган эди. Энди тўғри хулоса чиқариб олган бўлиши, касб ўрганиб ҳалол ишлаши мумкин эди. Аммо озодликка чиққанига икки ой ўтар-ўтмас яна ўғирлик, босқинчиликка қўл урди, олти йил озодликдан маҳрум этилди. 1987 йил апрель ойида қамоқдан чиққан Гизатуллин ўзига ўхшаганларни, шунингдек, Круглов сингари ўсмирларни тўплаб устма-уст жиноят қилди. Ўсмирликда бир йўлдан тойган одам ўзидаги ёмон одатни енгиб ўтишга куч, ирода топа олмади.

Круглов... ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган ўсмир. Наҳотки, у кингир йўлдан бораётганлигини тушунмаган бўлса. Дўстларининг кимлигини айт, мен сенга қандай одамлигини айтиб бераман, деган нақл бор. Бу ўринда Кругловнинг ҳам кимлигини айтиб бериш мумкин. Гизатуллиннинг таъсирига берилиб аста-секин ўғрига, босқинчига айланди. Ваҳоланки, у ўзининг слесарлик касбида ҳалол меҳнат қилиши, камолга етиши, маҳорати ўсиб, дурустгина маош олиши, коллективда ҳурмат-эътибор қозониши мумкин эди. Энди эса...

Бўлиб ўтган суд Тоҳир Гизатуллинни ҳам, Владимир Кругловни ҳам айбдор деб топди. Гизатуллин ўн икки йилга, Кругловни етти йил озодликдан маҳрум этди.

Афсуски, ўсмирлар орасида Гизатуллин, Кругловга ўхшаб меҳнат қилмай ўғирлик, босқинчилик билан кун кўриш тилагида юрганлар ҳамон учраб турибди. Улар бу йўлнинг охири вой эканлигини, эртами кеч суднинг қора курсисига олиб келишини яхшилаб тушуниб олишлари керак. Буни қанча тез тушунса ўзи учун ҳам, ота-онаси учун ҳам, жамият учун ҳам шунча яхши.

Абдусамат ПУЛАТОВ,  
Тошкент шаҳар, Акмал Икромов район  
халқ судининг судьяси.



# Анвар Обиджон

## Паҳлавоннинг ўзирланиши

икки пардали эртақ

**ЖОДУГАР.** Менга қолса, бари қириб кетмай-дими! Лекин, Гулзор хонимни қўлдан чиқарганим чатоқ бўлди-да.

**Бек қочиб ўта бошлайди.**  
**БЕК.** Уйим куйди энди! Пошшо бўламан деб, бекликданам қуруқ қолдим.

Тўрт оёқлаб чопаетган Масхарабонинг занжирдан ушлаб олган Қозикалон халлослаб кириб келади.

**ҚОЗИКАЛОН.** (Хансираб тўхтади). Мендек одамни пиёда қочишга мажбур қилишди-я. Қонулар мажмуасининг ҳамма моддаларига хилоф бу.

**МАСХАРАБОЗ.** Айтувдим-ку иккитадан от ололайлик, деб. Виламан-да бу боғистонликларни.

**ҚОЗИКАЛОН.** (Занжирни ташлаб юбориб). Э, бор-е... (Кетига тепади.) Чип!

Масхарабоз ириллаб Қозикалонга ташланади, занжирни судраганича уни қувиб чиқиб кетади. Хайқириқлар янада кучаяди. Саҳна ичкарисидан аскарлар югуриб ўтишади. Ҳарбийча кийинган, қилич яланғочлаб олган Малика кириб, саҳна ўртасида тўхтади.

**МАЛИКА.** Бўш келманлар, юртдошларим! Босқинчи зотига шафқат қилманг! Боғистон бизники, уни ҳеч кимга бермаймиз! (Саҳна янада ёриша бошлаганини кўриб завқ билан атрофга тикилади.) Мана, тонг ҳам ёришяпти. Бу озодлик тонгги бўлади!

**Жангчи югуриб киради.**

**ЖАНГЧИ.** Бошимизга офат ёрилди, маликам!  
**МАЛИКА.** Қанақа офат? Ваҳима қилмасдан гапир.

**ЖАНГЧИ.** Ёвни эндигина қуршаб олган эдик, Хашпаш ботир деган бир балои азим пайдо бўлди-ю, ишимиз чиппасига кетди. Энг синалган йигитларимиз ҳам унга бас келишолмаяпти, маликам. (Ортга ўгирилиб.) Ана, қаранг, аскарларимизни шу тарафга қисиб келяпти! Девдек жанг қиляпти иблис!

**МАЛИКА.** Намунча қалтирайсан, йигит? Уялсанг-чи!

**ЖАНГЧИ.** Қўрқаетганим йўқ, маликам. Боғистонимиздан ташвишланаяпман холос. Мен... охири томчи қоним қолгунча олишаман!

**Чиқиб кетади. Шовқин янада кучаяди.**

**МАЛИКА.** (Жанг майдони томонга хавотирли тикилиб). Ҳа, Хашпаш ботир дегани чинданам бало кўринади, аёвсиз жанг қиляпти. Қизиқ, Очпошшо нега уни аввалроқ жангга солмади? Ёки бу ҳарбий ҳийлами? Жангчиларимизни қалъадан олиб чиқиб, яланғоч тор-мор қилишни мўлжаллаганимики? Наҳотки биз алданган бўлсак? Нима бўлгандаям, энди бари бир орқага қайтиш йўқ. Боғистон мустақиллигининг сўнгги марраси — мана шу ер. Бориб, Хашпаш ботирнинг зарбини ўзимга оламан. Агар унга бас келолсам, аскарларим қолган ёвни жар томонга сиқиб боради... Ё ҳаёт, ё мамот!

**Чиқиб кетади. Жанггоҳ тарафдан овозлар эшитилади.**

**1-ОВОЗ.** Ҳў-ҳўв! Маликамизнинг ўзлари жангга кирдилар!

**2-ОВОЗ.** Ур, босқинчини!

**3-ОВОЗ.** Ҳа, йигитлар! Ҳа!

Хайқириқлар баттар кучаяди. Бир оздан сўнг Малика ва Дурбек қилич уриштирганларича кириб келишади. Аввалига Дурбекнинг қўли баян келаётгандек кўринади. Сўнг, Малика ҳар қилич солганда, рақибнинг кучсизланаётгани, бундан хайрат ва саросимага тушаётгани сезилиб туради.

**МАЛИКА.** Мана сенга, очкўз! Мана сенга, гаванда!

(Охири. Боши ўтган сонларда.)

Паҳлавоннинг қўлидан аввал қалқонини, кейин қиличини уриб туширади. Дурбек ҳолсизланиб, ерга чўккалаб қолади.

**ДУРБЕК.** (Ўзича саросималаниб). Менга нима бўляпти ўзи? Охири битта аёлга бас келолмай қолсам-а!

Малика яқин келиб, ўридан туришга интилган рақибнинг бўғзига қилич қадайд.

**МАЛИКА.** Қўлга тушдинг-ку қонхўр!

Бошини хануз мағрур тутиб турган Дурбек Маликанинг қилич тутган қўлидаги узукни кўриб қолиб, бирдан сесканиб кетади.

**ДУРБЕК.** (Ўзича). Узук! Унинг бармоғидаги узук бўйнимдаги тамганинг ўзгинаси-ку.

**МАЛИКА.** (Ўзича). Е тавба! Негадир у менга ўта қадрдондек туюляпти, ўлдиргани сира қўлим бормаяпти...

**ДУРБЕК.** Ману!

**МАЛИКА.** Ўз тилингда нималар деб ялиняпсан, келгинди? Ўлдиришни ўрганибсану, ўлишни ўрганмабсан-да?

**ДУРБЕК.** Ману!

**МАЛИКА.** Йўқ, азизим, сени кечирганим — қаттол ёвнинг қўлига қилични қайтариб берганим бўлади.

**ДУРБЕК.** Ману! (Бўғзига қилич қадалиб, жағи юқори кўтарилади.)

Бўйнидаги тамгани кўриб, Малика хайратдан қотиб қолади, қўлидан қиличи тушиб кетади. Асир олинган Очпошшо, Вазир, Лашкарбоши, Жодугар, Қозикалон, Масхарабоз ва шаҳар бегини уч-тўрт аскар ёрдамида қайдаб келган Тошбобо билан Гулзор бу манзарани кўриб, ҳайрон тўхтаб қоладилар.

**МАЛИКА.** Тамга! (Унинг бўйинини сийпалайди.) Дурбек! Болагинам! (Бнига тиззалаб, уни ўпади, ачомлайди.) Болажоним!

**ДУРБЕК.** (Суйкаланиб). Ману!

**МАЛИКА.** (Меҳрибонона эрмаклаб). Ман-у, ман-у... Кимдан ўргандинг бунақа гапиришни? Ўз халқингни тилингда ҳатто «она» ҳам деёлмадинг-а. Агар тамга бўлмаса, ақалли ўша бир сўзни билмаганинг учун бегуноҳ, ўлиб кетардинг. Тагин, келиб-келиб ўз онанг ўлдирарди сени, ўз тупроғингга ёв бўлиб кўмилардинг, ўз қондошинг гўрнингни бемалол тепалаб ўтарди...

**ДУРБЕК.** Ману.

**МАЛИКА.** (Унга тўймай тикилиб). Паҳлавоним! Афсуски... даданг сени кўролмади. Қанчалар қувонган бўларди!

**ДУРБЕК.** Ману.

**МАЛИКА.** Бас қил «ману, ману»ни. Она, дегин! (Қўлини ўз кўксига бигиз қилиб.) Мен — онангман. О-на!

**ДУРБЕК.** Он-на... он-на...

**МАЛИКА.** Мана энди ўзингга келяпсан, болагинам. (Пешанасидан ўпади, қўлтигидан тутиб турғизади, атрофдагиларга юзланади.) Юртдошларим... Тошбобо... мен ўғлимни топиб олдим. Тирик экан. Мана у. Гулзор! Бу... сени... уканг... (Дурбекка бошдан-оёқ бир разм солиб.) Ҳм... энди у... аканг. (Гулзор ва Дурбекнинг кўзлари тўқнашиб, беихтиёр бир-бирларига талпинадилар, сўнг тўхталишиб, зимдан шодон термилганларича туриб қоладилар. Ниҳоят ҳушини йиғиб олган Гулзор ийманиб кетиб, ўзини Тошбобонинг елкаси ортисига олади.) Сенга нима бўлди, Гулзор? Нега аканг билан кўришмаяпсан?

**ТОШБОБО.** Малика... Қизим! Менимча, сирларни очиб пайти келганга ўхшайди.

**МАЛИКА.** Қанақа сирлар, Тошбобо?

**ТОШБОБО.** Биринчи сирни Гулзор иккаламиз биламиз-у, сен билмайсан. Иккинчи сирни сен билан мен биламиз-у, Гулзор билмайди. Биринчиси шуки, Гулзор билан Дурбек чакалақдаги овларнинг бирида тасодифан учрашиб қолишганди. Янглишмасам, улар ўшандан бери бир-бирларини пинҳона севишади. Энди иккинчи сирни очайлик. (Гулзорга яқин бориб.) Гулзор қизим, Дурбек сени аканг эмас, қариндошинг холос. Гўдақлигингда етим қолгандинг, Малика сени асраб олган...

**ГУЛЗОР.** Нима?... Йўқ, йўқ, ёлгон гапиряпсиз, Тошбобо. Ёлгон! (Югуриб бориб, Маликани қучоқлайди.) Она, онажон! Тошбобо мени алдапти, тўғрими? Сиз... ўзимни онамсиз!

**МАЛИКА.** Онангман, қизалоғим, онангман. (Юзидан ўпиб) Бас қил, жангчи ҳам йиғлайдими? (Ҳазиломуз жилмайиб.) Кўнглинг тўқ бўлсин, сенга она эдим, оналигимча қоламан. Ахир... қайнона ҳам она-да. (Гулзор уялиб унинг кўксига бош қўяди.) Бўлди энди, кўп уялаверма. Сенга битта зўр топшириқ бор, жангчи қиз.

**ГУЛЗОР.** (Бирдан дадилланиб). Важонидил тайёрман!

**МАЛИКА.** (Уни ва Дурбекни етаклаб, четроққа олиб чиқади). Дурбекка ўз она тилини ўргатишинг керак.

**ГУЛЗОР.** (Таъзим қилади). Бош устига!

Очпошшо, Жодугар ва шаҳар беги ёш ошиқлар томонга ҳасад билан боқиб, аламзада типирчилаб қўйишади.

**МАЛИКА.** Биз энди анавилар билан бир ҳисоб-китоб қилиб олайлик. (Асирларга яқин бориб, уларга нафрат-ла боққанича туриб қолади.)

**МАСХАРАБОЗ.** (Бўйнидаги занжирини шилди-ратиб, тўрт оёқлаганича олдинроққа чиқади). Мен ҳамма итлар номидан пушаймонлик билдирмоқчиман.

**ОЧПОШШО.** (Эгизини дўпиллатиб). Чип!

**ТОШБОБО.** (Маликага). Бу баттоллар учар гиламда қочишга шайланиб туришган экан. Вақтида қўлга туширдик.

**МАЛИКА.** Эркак киши учун енгилеш уят эмас, аммо қочиш...

**ТОШБОБО.** Ҳа, эркакларга бундан ортиқ жазони ўйлаб топиш қийин.

**МАЛИКА.** (Бекка юзланиб). Буларни-ку ҳарқалай тушуна бўлади. Қизиқ, сен қаёққа қочмоқчи эдинг? Айт-чи, Ватани ташлаб қочиб, дунёда ундан мўътабарроқ нимани топиш мумкин? (Бек бош эади.)

**МАСХАРАБОЗ.** Сотқинда Ватан нима қилади, оймқиз? (Бекка қараб ириллайди.)

**ОЧПОШШО.** Чип!

**МАЛИКА.** Масхарабоз озод этилсин. Улар қаерда бўлмасин, ноҳақликни мазахлашади.

**МАСХАРАБОЗ.** Мўъжизани қаранг, ҳарқалай, дунёда ҳақиқат учраб тураркан.

**МАЛИКА.** (Бошқа асирларга тўнд боқиб). Буларни олиб кетинглар, кейин ҳисоблашамиз.

**Асирларни олиб кетишади.**

**ТОШБОБО.** (Хануз тўрт оёқлаб турган масхарабозга яқинлашиб). Сен озод қилиндинг-ку, турмайсанми ўрнингдан?

**МАСХАРАБОЗ.** Шуми озодлик? Бўйнимдаги занжирни қара! (Тошбобо унинг занжирини ечиб ташлагач, илжайиб ўридан туради.) Мана энди одамлар биттага кўпайиб, итлар биттага камайди.

**ТОШБОБО.** Жуда галати одам экансан, хоҳласанг саройда юравер.

**МАСХАРАБОЗ.** Мен беданамижозман, қайга борсам — битбилдик. (Қўйнидан хўрозқанд олиб, ялай бошлайди.)

**Бошига қоп кийдирилган кишини етаклаганича**

**Жаллод кириб келади. Ҳамма ҳайрон.**

**МАЛИКА.** Яна ким бўлди буниси?

**ЖАЛЛОД.** Мен таниқли жаллодларданман, оғайнилар. (Маликага.) Тирикчилик курсин, синглим, одам қуриб кетгандек Очпошшога ёлланиб, илмимни хор қилиб юривдим-да.

**МАЛИКА.** Бу қанақа асир? Нега уни етаклаб юрибсан?

**ЖАЛЛОД.** Очпошшо бунни ўлимга ҳукм қилганди. Мен ўлдирмадим. Чунки, мундоқ қарасам, палага тоза йигитлардан экан. Амалиям зўр.

**ТОШБОБО.** Гапни қисқароқ қил. Қани, бўшатчи уни.

**ЖАЛЛОД.** Хўп-да, хўжайин. Мана, ҳозир... (Асирнинг қўлини ечаётиб, Маликага умидвор иршайди.) Тирикчилик курсин, шуни умид билан сизларга опкелдим. (Асирнинг бошидаги қопни ечаётиб, яна ялтоғланади.) Ҳартугур, мени қуруқ



қўймасизлар, ахир? (Қопни олиб ташлайди.) Ваҳ, ваҳ! Манавини қаранглар энди!

Жилмайиб турган Тўқпошшони кўриб, ҳамма донг қотиб қолади. Биринчи бўлиб ўзига келган Тошбобо кучоқ очиб, унга талпинади.

ТОШБОБО. Уғлим! Омонмисан, Тўқпошшо ўғлим! (Кучоқлашадилар.)

ТЎҚПОШШО. Тошбобо!

ГУЛЗОР. Падар бузруквор! (Югура келиб, бўйнига осилади.)

ТЎҚПОШШО. Қизим! Қизалоғим!

Атрофдан бир неча жангчи бирин-кетин кириб келиб, бу манзарага хушнуд боқиб қоладилар.

ТЎҚПОШШО. Азизларим, мана, кўришини яна насиб этди. (Сўнг Маликага юзланади. Малика келиб унинг елкасига аста қўл босади, бошини қўйи солиб, йиғлаб юборади.) Менсиз сенга қанчалар оғир бўлганини кўриб турибман, азизам. Ҳаммасини кўриб турибман.

ТОШБОБО. Ҳа, анча қизиққонлик қилдинг, ўғлим. Ешсан-да, ёшсан. Аммо Малика йўқлигини билдирмади, Очпошшони боплаб тузлади.

МАЛИКА. Очпошшони боғистонликлар енгилди...

ТЎҚПОШШО. (Атрофдагиларга). Раҳмат сизларга, азизларим!

Жангчилар қиличларини бир ўпиб қўйишади.

МАЛИКА. Ана, ўғлимизниям топиб олдик...

ТЎҚПОШШО. (Кучоқ очиб). Қани, Дурбеквой, бир кўришиб қўйайлик-чи. (Дурбек пича пайсалланиб тургач, атрофдагиларнинг ишорасидан дадилланиб, шахдам келганича дадасини кучоқлайди.) Ҳай-ҳай! Сал секинроқ-да, жуда полвон бўпкетибсан-ку!

ЖАЛЛОД. (Тоқатсизланиб). Ҳў, яхшилар! Ҳў,

яхшилар! (Ҳамма унга ўгирилади.) Ҳа энди бизни паққос эсдан чиқариб қўйманглар-да.

ТОШБОБО. Нима гап ўзи?

ЖАЛЛОД. Бола-чақали одамман, тезроқ уйга қайтишим керак. Тирикчилик деган гаплар бор дунёда.

МАЛИКА. (Жаллодга). Э, хокисор махлук, тила тилагингни!

ЖАЛЛОД. Хуллас, едирдим, ичирдим... зиндондан текин бошпана бердим... қолаверса, шунча жойга лўкилла-а-б етаклаб келдим... Кўриб турибсизларки, бу ерда анча-мунча сарф-харажатлар бор...

ТОШБОБО. Қанча?

ЖАЛЛОД. (Жиддий тортиб, гудранганича алланарсаларни ҳисоблайди). Ҳм... Беш юз ўн икки сўму олтимиш уч тийин.

ТОШБОБО. (Қўйнидан ҳамён олиб, Жаллодга иргитади). Ма, ол. Ортигим ўзингга.

ЖАЛЛОД. Оҳ, оҳ оҳ! (Ҳамёни ҳаводаёқ илволиб, салмоқлаб кўради.) У-хў! Бу ерда яхши ҳақ тўлашаркан-ку. (Тўқпошшога яқин бориб.) Бу юртга яна ўзлари пошшо бўладиларми?

ТЎҚПОШШО. Билмадим. (Атрофдагиларга жилмайиб.) Мана булардан сўра, яна пошшо қилишармикан мени?

ЖАЛЛОД. Ўзим хизматларида бўлардим, хўжайин. (Ваҳимали боқиб.) Одамзодни бир юз йигирма бир хил усулда арралайман!

ТЎҚПОШШО. (Ўсмоқсиратиб). Йў-е! Наҳотки?

ЖАЛЛОД. Ҳа-да! Масалан, искович одамни бурнидан арралайман, чақимчию тухматчиларни — тилидан. Бундан ташқари, гапукмасни кулоғидан, ўғри-юлғичларни қўлидан, очкўзни кўзидан, порахўрни жигилдонидан, босқинчини оёғидан, каллаварам сотқинни калласидан шартта-шуртта арралаб ташлайман!

ТЎҚПОШШО. Тан бердим, ҳақиқатан ҳам тажрибанг катта экан.

ЖАЛЛОД. (Гердайиб). Ҳа энди ман...

ТЎҚПОШШО. Лекин, сени ишга ололмайман. Бизни мамлакатимизда жаллод бўлмайди.

ЖАЛЛОД. Янглишяптилар, хўжайин, янглишяптилар. Жаллодсиз ҳукмдорни ким ҳам ҳурмат қиларди?

ТЎҚПОШШО. Алдов ва зўравонлик бўлмаган жойда жаллодга ҳожат йўқ. (Энди атрофдагиларга юзланиб, баралла гапирди.) Ҳа, юртимизда жаллодлар бўлмайди. Аммо атрофимизда турли корчалонлар мавжуд экан, бизда жасур жангчилару, фидойи кишилар бўлади холос.

Музыка садоси остида диктор овози янграйди.

ДИКТОР ОВОЗИ: Оқил ва ўткир зеҳли томошабин ошналар! Сиз «Паҳлавоннинг ўғирланиши» деб номланган ҳам кулгили, ҳам ваҳимали эртакспектакли арзонгина томоша қилдингиз. Бу эртақда кимни-ки яхши одам деб билсангиз, ҳаётдан ундан ўрнак олишга интилинг; ёмонларга ўхшаб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Шунда сиздан ҳамма ҳавас қиладиган ажойиб инсон етишиб чиқади, балки пайти келиб, тилларда дoston бўларсиз.

Яна бир нарсани дилингизга тугиб олинг: ҳақиқат ва эзгулик эртани-кеч албатта ғалаба қилади. Алдоқчилик ва ёвузлиқнинг эса умри қисқа. Зўравонлик қалъаси қанчалар мустаҳкам қурилган бўлмасин, бари бир емирилишга маҳқум.

Барчангизга ёрқин ҳаёт тилаб қоламиз, ёш томошабин ошналар!

Музыка кўтарилади.

Парда

ТАМОМ.



Ромиз РАВШАН — ҳозирги замон озарбайжон шеърятининг навқирон вакилидир. Биринчи китобидан 17 йил кейин чоп этилган «Кўк ўзи тош сақламас» тўпламининг мундарижасини «ой ёруғига чўмилган» инсон кечинмалари ташкил этади. Сатрлардаги нури қайғу бу шеърларнинг қийин қисматини белгилаган бўлса ажаб эмас. Қуйида Ромиз Равшаннинг шеърларидан илк таржималарни эълон қилаёмиз...



## Шам

Фузулий ёдига

Юз йиллардир бир шам ёнар,  
Шамоллар сўндира билмас.  
Юзлаб бармоқлар чўзилар,  
Еруғини тера билмас.

Қоронғудир сўлу соғи,  
Енган шамнинг не гуноҳи?!  
Эрийди, тўкилар ёғи,  
Улар ўлар, ўла билмас.

Томчи-томчи, зарра-зарра  
Кунба кун узилган жон-ла,  
Йиғлайди ҳар йиғлаган-ла  
Ҳар кулган-ла кула билмас.

Исинтирар шўрликларни,  
Қўрқитади бўриларни,  
Еритади узоқларни,  
Ўз тубини кўра билмас.

## Йўқлов

Расул муаллим  
ва Нигорхоним  
хотирасига.

Золим дунё ўз ишида,  
Келишида-кегишида,  
Кел, йиғлайлик етмишида  
Севгилидек ўлганларга.

## ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

Ким кўз тутди, ким унутди,  
Ким бу дарддан хабар олди?  
Уғилларни уруш ютди,  
Неварангни шахар олди.

Оқ сочларни дард айлама  
Яшил-яшил ўтлар чиқса,  
Кўкни тутиб лўпиллама  
Йиғлаган булутлар чиқса, —  
Йиғлама, Бинафша момо!..

Езасан, кўзим йўлдадир,  
Езасан, қаддим букилди.  
Ут ўрган кўллар қайдадир,  
Утлар сарғайди, тўкилди.

Мактуб ёзмоққа вақт қани,  
Ҳар дам ўзинг йўқла бизни,  
Сарғайиб сўлган ўтларнинг  
Қарғишидан сақла бизни, —  
Йиғлама, Бинафша момо!..

Бошингдан қув хаёлларни,  
Хаёллардан бош айланар.  
Поездларнинг қаторидай  
Кўзларингда ёш айланар

На яқинда, на узоқда  
Уроқ ўрган пичандамиз.  
Ҳали «одам» бўлмасак-да  
Қўрқма, одам ичиндамиз,  
Йиғлама, Бинафша момо.

Озарбайжон тилидан  
Карим БАҲРИЕВ таржимаси.

Ромиз РАВШАН

## Кетганлар қайтар узоқдан

\* \* \*

Бир саҳар ювдим юзиму  
кўзимни бир ҳовуч сувда.  
Кўрдим оёқдан бошгача  
ўзимни бир ҳовуч сувда.

Танидим, бўри, қўзини  
бу дунёнинг ҳар тусини  
Одамларнинг ноқасини,  
соғини бир ҳовуч сувда.

Топдим ўтиб кетганларнинг,  
бу дунёдан кўчганларнинг,  
Юз йил олдин ичганларнинг  
изини бир ҳовуч сувда.

Отдим бор дарднинг тошини,  
Турдим, тик тутдим бошимни,  
Эритдим кўзим ёшининг  
тузини бир ҳовуч сувда...

Юраги минг хил дард кўриб,  
Кўзи минг хил сифат кўриб,  
Гўзал-дилбар умр суриб,  
Гўзал-дилбар ўлганларга.

Ўтиб бутазор, тўсундан,  
Тиконларнинг орасидан,  
Қон сизганча ярасидан  
Кўлда чечак ўлганларга...

\* \* \*

Кетганлар қайтар узоқдан.  
Чўпонлар тушар яйловдан,  
Ўпич қайтмасдир ёноқдан,  
Сўз қулоқдан қайтган эмас.

Худонинг берган кечаси  
Енар, ўтланар нечаси,  
Парвоналар насл-насл  
Бу чироқдан қайтган эмас.

Шоир бўлган кундуз-кеча  
Ўз қонин симириб ичган,  
Бўйига оқ кафан бичган —  
Оқ варақдан қайтган эмас.

## Йиғлама, Бинафша момо

Йиғлама, Бинафша момо,  
Ахир, не бор йиғлагулик?  
Совға бер беш неварангга  
Тугунчали, боғламали.





## III тур саволлари

### ХИМИЯ:

1. Металл X ва У ларни оксидлаш учун тенг миқдорда кислород сарф бўлиб, натижада OX ва  $U_2O_5$  бирикмалар ҳосил бўлади. Агар У нинг атом массаси X никидан, 1,125 марта катта бўлса, реакцияга киришган X ва У нинг массалар нисбатини аниқланг.

2. Эритма калий ва натрий хлоридлар аралашмасидан тайёрланган. Моддаларнинг ҳар бирини аниқлаш учун оддий усул таклиф этинг.

3. Бир металлнинг икки хил тузининг сувли эритмалари аралаштирилганда чўкма ҳосил бўлиши мумкинми? Қандай тузлар жуфти шу шартга бўйсинади?

4. Изопентанни монобромлаш реакциясида унинг таркибидаги бирламчи, иккиламчи ва учламчи C—H боғларнинг нисбий реакция қобилияти мос равишда 1:32:1600 эканлиги аниқланган. Бу реакцияда монобромид изомерлари қандай моль улушлар (процент ҳисобида) ҳосил бўлади? Тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.

5. Этан, этилен ва ацетиленлар аралашмасини бир-бирдан ажратиш методикасини таклиф этинг.



### 4-тур жавоблари

1. 7812 сонини олти қисмга шундай ажратингки, ҳар бир қисмини кейингисига нисбати

$1/5$  га тенг бўлсин. Бу масала геометрик прогрессиянинг йиғиндиси ва маҳражиги кўра ҳадларини аниқлашга доирдир. Фараз қилайлик  $x$  биринчи ҳади,  $q = 5$  эса маҳражи бўлсин, у ҳолда  $x + 5x + 5^2x + 5^3x + 5^4x + 5^5x = 7812$ . Бу тенгламани ечиб  $x = 2$  га тенг эканлигини топамиз. Демак  $2 + 10 + 50 + 250 + 1250 + 6250 = 7812$ .

2.  $5 \times 5$  катакли шахмат тахтасининг ҳар бир катагида кўнғиз турибди, деб фараз қилайлик. Маълум вақт ичида кўнғизлар қўшни катакларга (горизонталга ва вертикалга) ўрмалаб ўтсин. Шунда тахтада бўш катак қоладими?

Шахмат тахтасидаги катакларнинг умумий сони  $5 \times 5 = 25$  тоқ бўлганлиги сабабли қора ва оқ катаклар тенг бўлиши мумкин эмас. Аниқлик учун қора катаклар кўп бўлсин дейлик. Шунинг учун жуда бўлмаганда битта қора катак бўш қолади, чунки қора катакка фақат оқ катаклардаги кўнғизлар ўтганлиги учун.

3. Тўғри бурчакли учбурчакнинг гипотенузаси 13 см. Агар ҳар бир катет 3 см га катталаштирилса, у ҳолда гипотенуза 4 см га катталашади. Бу учбурчакнинг катетларини топинг.



### ФИЗИКА:

1. A ва B пунктлар орасидаги масофани моторли қайиқ дарё оқими бўйича  $t_1 = 3$  соатда, сол эса  $t = 12$  соатда ўтади. Моторли қайиқ орқага қанча вақтда қайтиб келади?

2. Маятникли соатлар Ер сиртида аниқ юради. Агар этажнинг баланглиги 3 метр бўлса, 11-этажга кўтарилганда соатлар бир суткада қанча орқада қолади?

3. Ичида  $M = 12$  г сув бўлган пробирка совутувчи аралашмага ботирилган. Бунда сув  $t = -5^\circ\text{C}$  гача ўта совуган. Кейин пробирка аралашмадан чиқариб олинган ва силкитилган, бунда сувнинг бир қисми музлаган. Агар сув билан пробирка деворлари орасидаги иссиқлик алмашуви ҳисобга олинмаса, пробиркадаги сувнинг қанчаси музга айланади?

4. Ясси конденсатор бир биридан  $d = 2$  мм масофада жойлашган, ўлчамлари  $A \times A = 21 \times 21$  см<sup>2</sup> бўлган квадрат шаклдаги пластинкалардан ташкил топган бўлиб, конденсатор Э. Ю. К.си  $E = 750$  В бўлган кучланиш манбаига уланган.

Қатламлари орасига қалинлиги 2 мм бўлган шиша пластинкани  $V = 8$  см/с. ўзгармас тезлик билан киритилаётганда занжирда қандай ток пайдо бўлади? Шишанинг диэлектрик сингдирувчанлиги  $\epsilon = 7$ .

5. Маълум кучланишга мўлжалланган чўланма электр лампочка толасининг узунлиги L, диаметри эса, D. Худди шундай кучланишга, аммо икки марта кучли ёруғлик оқимига мўлжалланган лампочка толасининг IV узунлиги ва D диаметри қандай бўлиши керак? Иккала лампочканинг Ф. И. К. бир хил.

Тузувчилар:  
О. ТУРСУНОВ,  
Н. КАМАРДИН.

### ҚАДИМГИ КЛАССИК МУАММОЛАРДАН БИРИ


Математика тарихига қизиқасизлар-а, дўстларим. Агар қизиқсангиз, демак қадимги математиклар циркуль ва чизғич билан ҳам геометрик ясашларга доир масалаларни ҳал қилишда катта ютуқларга эришганликларини ҳам биласиз. Лекин геометрик ясашларга доир масалалардан учтаси неча минг йиллар ўтсада, чизғич ва циркуль ёрдамида ҳал қилишга бўйсунмаганлигини ҳам биласизми? Мен, яъни Топқирвой шулар ҳақида гапириб бераман.

Авалло масалаларнинг шартлари билан танишиб олайлик:


1. Берилган доиранинг юзасига тенг бўлган (у қисқача қилиб доира квадратураси дейилади) квадрат яшаш;

2. Берилган ихтиёрий бурчакни тенг уч бўлакка (у қисқача қилиб бурчак трисекцияси дейилади) бўлиш;

3. Берилган кубнинг икки баробар ҳажмига тенг кубни (у қисқача қилиб кубни иккилантириш дейилади) яшаш.



Архимед эрамиздан аввалги (287—212) бу учта муаммо устида ўз даврида катта ютуқларга эришган. Мен унинг бурчак трисекциясига доир иши билан таништираман. Бизга X бурчак берилган бўлсин. Бурчакнинг горизонтал томонини чап томонга давом эттирайлик ва бурчак учини марказ қилиб ихтиёрий R радиусли ярим айлана чизамиз. Чизғич ёрдамида A ва B нуқталарни шундай белгилаймизки, бунда AB=R бўлсин. Кейин чизғични A нуқтага қўйиб, шундай ҳаракатлантирамизки, чизғич белгиланган B нуқта ва X бурчакнинг иккинчи томонини ярим айлана билан кесишган нуқтасидан ўтсин. Чизғичнинг шу ҳолати бўйича тўғри чизик ўтса, ҳосил бўлган У бурчак берилган X бурчакнинг учдан бир қисмига тенг бўлади. ( $y = \frac{x}{3}$ ).



1-шакл

Урта аср математикларидан Ал-Сижизий (951—1024 йй.) (Тўлиқ исми Абу Саид ибн Муҳаммад ибн Абдал-Жалил ас Сижизий) бурчакни тенг учга бўлиш масаласи устида кунт билан ишлаган.

Бу масалани ечишда у қуйидаги усулни қўллаган.

Бизга ихтиёрий  $\angle EOA' = \angle EOQ = \alpha$  бурчак берилган бўлсин. Бурчак учини O марказ қилиб ихтиёрий радиусли айлана чизамиз. Айлана берилган бурчак томонларини A ва E нуқталарда кесиб ўтади. Кейин E нуқтадан шундай EC тўғри чизғични ўтказайликки, унинг айлана ташқарисидagi қисми  $OD = DC = R$  га тенг бўлсин. Бунда

$$\angle DOB = \angle DCO = \frac{1}{3} \angle EOA$$

га тенг бўлади. Агар ни O билан туташтирсак  $DC = OD = BC = R$

га тенглиги кўринади.  $\angle DOB = \angle DCO$

экидан  $\angle EDO = 2 \angle DOB$

келиб чиқади.  $\triangle EOD$  тенг ёнли,


чунки  $OE = OD = R$ .

Демак,  $\angle EDO = \angle DEO = 2 \angle DOB$ ;

ёки  $\angle DOB = \frac{1}{3} \angle EOA$ ,

у ҳолда бу тенгликлардан  $\angle EOA = \angle DCO + \angle CEO = 3 \angle DOB$

келиб чиқади.



2-шакл.

Бу галча дўстларим, суҳбатимизга шу ерда нуқта қўяйлик. Сиз эса уни яхшилаб ўзлаштириб олинг. Омон бўлсак, бу мавзуга яна қайтамиз.

ТОПҚИРВОЙ  
Топқирвойга Ақром АКМАЛОВ  
ёрдамлашди.





# АКАДЕМИЯСИ

Фараз қилайлик  $x$  ва  $y$  учбурчакнинг катетлари узунликлари бўлсин,  $y$  ҳолда масала шартига биноан қуйидаги тенгламалар системасига эга бўламиз:  
 $x^2 + y^2 = 13^2$ ,  
 $(x+3)^2 + (y+3)^2 = 17^2$ .

Бу системани ечиб  $x = 5$ ,  $y = 12$  (ёки  $x = 12$ ,  $y = 5$ ) ечимларни топамиз. Демак, учбурчакнинг катетлари узунликлари 5 см ва 12 см экан.

4.  $P$  ни шундай аниқланганки,  $x^2 - (p-2)x - p - 3 = 0$  тенглама илдизлари квадратларининг йиғиндисига энг кичик бўлсин.

$x_1$  ва  $x_2$  тенгламанинг илдизлари бўлсин, Виет теоремасига биноан қуйидагиларни ёзамиз:

$$x_1 + x_2 = p - 2, \quad x_1 x_2 = -p - 3. \quad \text{У ҳолда}$$

$$x_2^2 + x_1^2 = (x_1 + x_2)^2 - 2x_1 x_2 = (p - 2)^2 + 2(p + 3) = (p - 1)^2 + 9.$$

Охириги ифодадан  $x_1^2 + x_2^2 \geq 9$  эканлиги келиб чиқади. Демак, энг кичик қийматини  $P = 1$  да қабул қилади. Бу энг кичик қиймат 9 га тенг бўлади.

5. Агар  $a + v \geq 1$  бўлса,  $u$  ҳолда,

$$a^4 + v^4 > \frac{1}{8}$$

эканлигини исботланг.

$(a+v)^2 \geq 1, (a-v)^2 \geq 0$  тенгсизликларига кўра  $(a+v)^2 + (a-v)^2 \geq 1$  бундан

$$a^2 + v^2 \geq \frac{1}{2}$$

келиб чиқади. Сўнгра

$$(a^2 + v^2)^2 \geq \frac{1}{4}$$

ва  $(a^2 - v^2)^2 \geq 0$  тенгсизликларига биноан

$$(a^2 + v^2)^2 + (a^2 - v^2)^2 \geq \frac{1}{4}$$

$$\text{бундан } a^4 + v^4 \geq \frac{1}{8}$$

бўлишлиги келиб чиқади. Шунини исботлаш талаб қилинган эди.

**Б. РИХСИЕВ,  
Т. ҚУРҒОНОВ,  
З. ҚУРҒОНОВ.**



## АЛЛОМАЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР



## ДУДУҚ МАТЕМАТИК

Италия математиги Никколо Тарталья (1500—1557) Брешия шаҳрида почтачи оиласида дунёга келган. Тарталья 6 ёшга кирганида Брешияни францияликлар босиб олган ва француз аскарининг бўйнига тортган қиличидан Никколо тасодифан омон қолган, аммо гапирганда тугилдиган бўлиб қолган. Шу сабабли ҳам уни «дудуқ» Тарталья деб аташган. Унинг асл фамилияси Фонтан.

Тарталья дурустроқ савод ҳам чиқара олмаган, чунки у даврда Италияда савод чиқариш учун уч марта пул тўланган: дастлаб ҳарфларни ўрганишга бошлаганда, сўнг К ҳарфига келганда ва ниҳоят ҳамма ҳарфларни ўрганиб бўлганда. Тартальянинг онаси у мактабга борадиган бўлганда бева қолган бўлиб, биринчи тўловдан бошқасига кучи етмаган. Шундай қилиб, Тарталья К гача бўлган ҳарфларни мактабда ўрганган, қолганларини эса мустақил ўрганган. У ўқиш ва ёзишга шунчалик қизиқ-

қанки, ҳатто ёзишга қоғоз ва қалам бўлмаслигига қарамай, ўтин кўмирида қабр тошларига ёзиб савод чиқарган. Кейин эса математикага қизиқиб қолган ва ўша даврда Италияда ўтказиладиган математик мусобақаларга қатнашган. Шундай мусобақалардан бири Тарталья билан Спицион Дель Ферронинг (1465—1526) шогирди Антонио Марио Фиоре ўртасида 1535 йилнинг 12-февралига тайинланган. Тарталья бу мусобақада Фиорени осонгина енгаман деб ўйлаган, аммо охириги пайтда Фиоре Дель Ферро кашф этган кубик тенгламаларни ечиш усулини билишни эшитган ва ана шундай тенгламаларни очишга киришган. Мусобақага 10 кун қолганда Тарталья кубик тенгламаларни ечиш усулини топган. Дель Ферронинг усули сир тutilган, чунки бу усул мусобақада рақибни энгиш учун зарур эди-да. Мусобақа шартига кўра томонлар мусобақага 30 тадан масала танлаб натариусга тасдиқлатиб қўйишлари лозим бўлган. Ҳар бир ечилган масала учун 5 мольдо тўланган. Мусобақа кунни Тарталья Фиоре таклиф этган 30 та масалани 2 соатда ечган. Аммо Тарталья таклиф этган масалалар орасида Фиоре билдирган метод билан ечиладиганлари ҳам бўлишига қарамай, Фиоре бирорта ҳам масалани еча олмайди. Бир суткадан сўнг Тарталья  $x^3 - ax - v = 0$ ,  $a, v > 0$  кўринишидаги кубик тенгламаларни ҳам ечишга муваффақ бўлади. Мусобақа ҳақидаги хабар Италиянинг ҳамма томонида тез тарқайди ва Тартальяни Италиянинг жуда кўп университетлари математика профессорлигига таклиф қилади.

## БОННАЧИНИНГ ЎҒЛИ

Учинчи даражали тенгламаларни ечишда машҳур шоир ва математик Умар Хайёмга (1048—1131) тенг келадигани йўқ эди. Кейинчалик бу тенгламалар билан Европа математиклари ҳам кўпроқ шуғуллана бошлашди. Бу борада Италия математикларининг ишлари диққатга сазовор. Кубик тенгламалар билан шуғулланган Италия математикларидан бири — Леонардо Пизанский (1180—1240) ҳисобланади. У математиклар орасида Фибонначи, яъни Бонначининг ўғли деган ном билан маш-

ҳур. Фибонначининг таржимаи ҳоли ҳақида деярли маълумот йўқ, тахаллусидан Пиза шаҳрида туғилганлиги маълум. Унинг математикадан қилган ишлари ҳақида бизгача анчагина маълумот етиб келган. Унинг асосий асари «Абак китоби» деб аталади. Бу асарда Пизанский арифметик амалларни, турли арифметик масалаларни ечиш усулларини қарайди. Чизиқли ва квадрат тенгламаларни ечади.

Фибонначи масалани ва унинг ечимини сўзларда ифодалайди. Хоразмий (783—850) сингари номаълумни «буюм», квадратни «бойлик» деб атайди. У  $x^3 + 2x^2 + 10x = 20$  тенгламани текширади ва унинг бутун (мусбат) илдизлари йўқлигини ва унинг илдизларини Евклид (э. о. III аср) иррационалликлари кўринишида ҳам ифодалаб бўлмаслигини айтади.

Математик адабиётларда Фибонначининг номи билан боғлиқ жуда кўп масалалар юради. Шулардан бири — Фибонначи сонлари деб аталади. 1225 йили Пиза шаҳрида ўтказилган математиклар конкурсидан Пизанскийга қуйидаги масалани ечиш таклиф қилинади: **уни беш бирликка ортирилганда ҳам, камайтирилганда ҳам тўлиқ квадратлигини сақлайдиган тўлиқ квадрат топилсин.**

Анча ўйлагандан сўнг Фибонначи жавобини ёзади:

$$\left(\frac{41}{12}\right)^2 - 5 = \left(\frac{21}{12}\right)^2; \quad \left(\frac{41}{12}\right)^2 + 5 = \left(\frac{49}{12}\right)^2$$

Бу масалани умумий ҳолда ёзиб, масаланинг шартини қаноатлантирувчи учта сон топамиз:

$$\left(\frac{x}{y}\right)^2 - z; \quad \left(\frac{x}{y}\right)^2; \quad \left(\frac{x}{y}\right)^2 + z$$

Бу учта сон тўлиқ квадрат бўлиб, айирмасига тенг бўлган арифметик прогрессиянинг ҳадлари ҳисобланади. Ана шу сонлар **Фибонначи сонлари** деб аталади.

Фибонначи 1202 йили куёнларнинг кўпайиши масаласи билан шуғулланиб, ажойиб бир кетма-кетликни кашф қилади. Бу кетма-кетликнинг ҳар бир ҳади ўзидан олдинги иккита ҳаднинг йиғиндисидан иборат бўлади. Масалан, 1, 1, 2, 3, 5, 8, 13...

Бу кетма-кетлик сизга «Алгебра ва анализ асослари»дан маълум бўлган ушбу рекуррент қонун бўйича ҳосил қилинади:

$$a_{n+1} = a_n + a_{n-1}$$

**Абдуманнон АБДУРАҲМОНОВ,** физика-математика фанлари кандидати.



Ғайбулла БАРИМОВ

## КАШАНДАНИНГ КАСОФАТИ

(Ҳажвия)

Давраларда исбот талаб қилмайдиган жасоратларим ҳақида оғиз кўпиртириб мақтаниб юриш менга одат бўлиб қолганди. Яқинда бир воқеа содир бўлди-ю...

Келинг, яхшиси бир бошдан сўзлаб бера қолай.

Ўтган чоршанбада машина олиш ниятида, қозонни сувга ташлаб, не азобда мисқоллаб йиққан етти минг сўмни омонат кассадан олиб келдим. Кечқурун қайнонам, қайнсинглим келди. Аллавақтгача чақчақлашиб ўтирдик. Кейин дам олгани ётдик.

Энди кўзим илинган экан, қўнғироқнинг даранг-дурунгида чўчиб уйғондим. Соатга қарасам роппа-роса уч. Кечаси учда тўғри одам бировниқига келмайди...

Ҳа, пулим ҳидини бирорта аблаҳ сезган. Мени жаҳаннамнинг тўрига юбориб, мулла-жирингни ўмариб кетишга келган. Эшикни очсам калламга туширади. Кейин уйдагиларни «гумдон» қилади. Қарабсизки, ҳаммаси осонгина уларнинг қўлида. Эҳ нима қилай? Бошим қотди-ку!

«Ҳа, аҳмоғингни топибсан. Эшикни очмайман. Кириб бўлсан», — деб нафасимни чиқармай кўрпага бурканиб ётавердим. Бир пайт хотиним биқинимга туртиб қолди:

— Ҳой дадажониси, қўнғироқ жиринглаяпти, очмайсизми?

«Сенда бор кулоқ менда ҳам бор, гаранг эмасман. Кечаси учда кўнгли тўғри одам изгиб юрмайди. Нима, жонингдан тўйдингми? Умуман сенда фаҳм-фаросат йўқ, хумкалла», — деб сўкиб бердим.

Шу орада қайнонам, қайнсинглим, болачақаларим ҳам уйғонишди. Уларнинг бирига пичоқ, бирига болта ва бошқа нарсалар бериб «қуролланттирдим». Ҳар аҳтимомлга қарши магнитофонга овчаркаларнинг вовулладини ёзгандим. Ўша лентани қўйдим.

«Аскарларимга», «агар эшикни бузиб кирсалар — қўлларингдаги нарсалар билан аямасдан бош-кўзига қарамай жонларинг бори-ча уравнинглар», — деб тайинладимда, ўзим қўшнилари ёрдамга чақириш учун балқондан арқонга осилиб пастга тушдим. Биринчи қаватдаги Мамасидиқ ва Аливой исмли қўшнилари уйғотиб вазиятни тушунтирдим.

Аливой дарҳол воқеани милицияга телефонда хабар қилди.

Кейин учаламиз у-бу нарса олиб юқорига товуш чиқармасдан кўтарила бошладик. Агар ўғрилар кўпчилик бўлиб бизда енгилиш хавфи туғилса, биринчи бўлиб орқага



урра қочаман деган ниятда уларга билинтирмай сал орқароқда қола бошладим. Чиқсак, не кўз билан кўрайки, қўшнимиз Солижон! Қўнғироқ тугмачасини тинимсиз босмоқда.

— Э, қўшни, кашандалик ҳам қуриб кетсин! Шу денг, уйда гугурт қолмабди-да. Шунга... битта гугурт бериб турсангиз...

Турган жойимда бақрайиб қотиб қолдим. Кўчада эса сиренасини чийиллатганича милиция машинаси ҳам етиб келган эди...

М. НИЗАНОВ

## ПИСМИҚ

Директор мени хонага бошлаб кириб, иш столига ўтқазди ва лавозим билан табриклаб, бўлимнинг икки ходими билан таништирди. Унинг айтишича бу корхонага қанчадан-қанча директор, бўлим бошлиғи, қоровул келиб кетишгану, лекин бу ходимлар ўзгармаган. Улардан бири ўн етти йил, иккинчиси ўн бир йилдан бери шу ерда ишлашар экан. Бу оз вақт эмас, демак яхши мутахассислар бўлиши керак.

— Қалай, директоримиз ёқдими? — директор хонадан чиқиб кетиши биланоқ сўради ўн етти йилдан бери шу ерда ишлайдиган ходим. — Янги кишининг нуқтаи назари билан айтилган фикр тўғри бўлади.

Кутилмаган саволдан ноқулай аҳволга тушиб қолдим. Бир кўрган одам ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Лекин саволни бежавоб қолдириб бўлмайди.

— Бошлиқлар ҳақида гапиришни ёқтирмайман, — дедим бир зум ўйлангач ва топган жавобимдан қувониб кетдим.

— Тўғри айтасиз, — деди ўн бир йилдан бери ишлайдиган ходим сўзимни бўлиб. — Аввалги мудиримиз қачон кўрманг директорни ёмонлаб юрарди.

Сир бермай тўғри қилган эканман. Йўқса улар мени ким деб ўйлашлари мумкин.

Кўп ўтмай телефон жиринглади. Трубкани кўтардим. Директор экан. Бўлимдаги ходимлардан бирини ҳузурга юборишимни сўради. Ўн етти йилдан бери ишлайдиган тажрибали ходимни юбордим.

— Кўрдингизми уни? — деди иккинчи ходим у чиқиб кетиши биланоқ. — У директорнинг елпатаги. Хаш-паш демай иккаламизни эшакка тескари миндириб қайтади.

Довдираб қолдим. Аҳвол шундай давом этаверса, мени директорга бир кунмас бир кун ёмон кўрсатиб қўяди-ку. Бир пайт у директор ҳузурда келиб шеригини имлаб:

— Сиз ҳам борар экансиз, — деди.

У менга «айтмадимми» дегандай кўз кирини ташлаб чиқиб кетди.

— Ановини кўрдингизми? — деди у эшикдан чиқар-чиқмас ўн етти йиллик ходим. — Унга ўргата-ўргата ўзимда қолмади. Ўн бир йилдан бери оғирнинг устидан, енгилинг остидан юриб келяпти. Қорнини ёрсангиз алиф чиқмайди. Ғирт саводсиз. Шунга қарамай учига чиққан аразғўй. Бир оғиз танбех бериб кўринг, тўқсон эшикка таниш қилади. Бир сўздан қайтмайди. Худди кийимга томган мойнинг ўзи.

Унинг гапларини эшитиб тепа сочим тикка бўлди. Бири директорга елпатаклик қилиб чақимчилик билан шуғулланса, иккинчиси саводсиз, яна аразғўй. Бу ерда ишлаб нима обрў топиш мумкин? Миям ғувиллаб ташқарига чиқдим. Қаёқдан ҳам бу ерга келдим, ким ўзи мени бу балога йўлиқтирди?

Ана шу хаёллар билан коридорда гангиб турган эдим, ялтироқ кўйлак кийган аёл қаршимга келиб дабдурустан сўради:

— Янги бўлим бошлиғи сизми?

— Ҳа...

— Э, аттанг, жуда қаттиқ адашибсиз, — деди у бош чайқаб. — Бу директор билан бола-чақаси қандай чиқишиб яшашига ҳамма ҳайрон. Энди сиз билан... ким билади...

Бу гап мени баттар довдирапти қўйди. Қаршимдаги хонада телефон жиринглади. Эшик очик, хонада ҳеч ким йўқ, бориб трубкани кўтардим. Лекин телефон яна бир кабинет билан параллель шекилли, кимдир мендан бурун «да» деди.

— Қалай, янги бўлим мудир, зўрми? — деди трубкадаги овоз.

— Жодугаровни сўраяпсизми? — деди иккинчи томондаги овоз. — Яхши бўлса терак бир жойда кўкаради... Бизга қачон яхши бошлиқ келувди. Буниси бориб турган писмиқ экан. Унинг на яхши кўришини, на ёмон кўришини билиб бўлади...

Мен қолган гапни тингламасдан трубкани жойига қўйдим. Сабаби, ўша «Жодугаров» ҳам, «писмиқ» ҳам мен эдим.

Қорақалпоқчадан  
М. ИСЛОМҚУЛОВ таржимаси.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



# Ёш куч Молодая смена

Ижтимоий-сиёсий, адабий бадий  
безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 6 (24) 1988 июнь

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти.

Бош редактор  
Худойберди ТҲХТАБОЕВ

Редколлегия  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Владимир ВОЛОТКО  
(бош редактор ўринбосари)  
Евгений ГРЕВЦОВ  
Хуршид ДУСТМУҲАММАД  
Мирза КЕНЖАБОЕВ  
Эркин МАЛИКОВ  
(масъул секретарь)  
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ  
Латиф МАҲМУДОВ  
Мирвосил ОДИЛОВ  
Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ  
Йўлдошали ТОҶИБОЕВ  
Александр ФАЙНБЕРГ  
Александр ФРОЛОВ  
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

Рассом Маҳкам АБДУЛЛАЕВ  
Техредактор Ғайбулла БАРИМОВ

«Ёш куч («Молодая смена») — ежесечный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке  
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП.  
«Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:

78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,  
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена»  
6 июнь 1988

С «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмахонага туширилди 8.04.88 й. Босишга рухсат этилди 16.05.88. Офсет усулда чоп этилди. Р—11722. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Қоғоз ҳажми — 4 лист. Шартли босма листи 5,6. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 200492. Буюртма № 3205. Баҳоси 35 тиийн.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

Ёш куч